



HISTORY OF UZBEKISTAN

O'ZBEKISTON TARIIXI

3/2019





O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI

3
2019

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

Bir yilda to 'rt marta
chiqadi.

© O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

МУНДАРИЖА

F. Бобоёров. Фарбий Турк хоконлиги Ашина сулоласининг Фарғонадаги тармоги тарихига доир	3
Г. Таниева. Ялангтӯш Баҳодирнинг Бухоро ҳонлиги сиёсий баркарорлигини таъминлашдаги ўрни	20
Д. Сайфуллаев. Франция ва Германия давлатлари маданий дипломатияси ва уни Ўзбекистонда амалга ошириш жараёнлари	32

Тарих ҳужжатлар тили билан

Н. Аллаева. XIX аср ўрталарида Ўрга Осиёдаги сиёсий вазият ва унинг расмий ҳужжатларда акс этиши	43
---	----

Тарихда шахслар

К. Вохидова. Исҳоқхон Ибратнинг давр ижтимоий масалаларига қарашлари	54
Э. Раджапов. XX асрнинг 30-йилларида ўзбек харбий кадрлар элитасининг катагон этилиши тарихидан: Абдужалил Абдуллаев тақдири	63

Тарих ва социология

М. Ғаффорова. Ўзбекистонда хотин-қизлар мавқенининг оширилиши ва манфаатларини ҳимоя килинishi: тарихий-социологик таҳлил	70
--	----

Ёши тадқиқотчи минбари

Н. Каримов. Хорижда Ҳаким Термизий мактабининг ўрганилишига доир	84
---	----

Илмий ҳаёт

“Ўзбекистон давлатчилиги тарихида Хорәзм” мавзусидаги II Республика тарний конференцияси.	100
M. Шамисе. “Медия майдонда тарний олим ва архив туносини интеграцияси “муаммолари” мавзусидаги ҳалқаро тарний-амалий конференцияси ҳакида. M. Некакова, M. Дармонова	102
“Марказий Осиё ва Ўзбекистон тарихи: янги изланишлар ва янги натижалар” мавзусидаги ҳалқаро конференция ҳакида. Ш. Асадова	105

СОДЕРЖАНИЕ

Г. Бабаяров. К истории Ферганской ветви династии Ашина Западно-Тюркского каганата	3
Г. Таниева. Роль Ялангтуша Бахадира в обеспечении политической стабильности Бухарского ханства ...	20
Д. Сайфуллаев. Культурная дипломатия стран Франции и Германии и ее реализация в Узбекистане	32

История языком документов

Н. Аллаева. Политическая ситуация в Средней Азии в середине XIX века и ее отражение в официальных документах	43
---	----

Личности в истории

К. Вохидова. Взгляды Исхакхана Ибрата на социальные проблемы своего времени	54
Э. Раджапов. Из истории репрессий элиты узбекских военных кадров в 30-х годах XX века: судьба Абдужалила Абдуллаева	63

История и социология

М. Гаффорова. Повышение статуса женщин и защиты их интересов в Узбекистане: историко-социологический анализ	70
--	----

Трибуна молодого исследователя

Н. Каримов. Об изучении школы Хакима Термизи за рубежом	84
--	----

Научная жизнь

II Республиканская научная конференции по теме «Хорезм в истории государственности Узбекистана».	
M. Шамсиев	100
О работе международной научно-практической конференции «Проблемы интеграции исторической науки и архивоведения в медиапространстве». M. Исхакова, M. Дармонова	102
О работе международной конференции «История Центральной Азии и Узбекистана: новые исследования и новые результаты». Ш. Асадова	105

Тахир ҳайъати:

Дилором Алимова (бош мухаррир)	
Сурайё Каримова (бош мухаррир ўринбосари)	
Равшан Абдуллаев	
Бахром Абдухалимов	
Мирурзат Абусеитова (Козогистон)	
Адҳам Аширов	
Бахтиёр Бадалжанов	
Алишер Дониёров	
Доно Зияева	
Мирсодик Исхоков	
Марианна Ками (АҚШ)	
Татьяна Котюкова (Россия)	
Шаин Мустафаев (Озарбайжон)	
Нодира Мустафаева	
Азимхўжа Отахўжаев	
Катрин Пужоль (Франция)	
Мирзоид Раҳимов	
Элвард Ртвеладзе	
Валерий Хан (бош мухаррир ўринбосари)	
Нозим Ҳабибуллаев	
Флориан Шварц (Австрия)	
Темур Ширинов	
Шоира Асадова (масъуль котиб)	

Манзилимиз:

100060, Тошкент ш.,
Шахрисабз 5-тор кӯчаси.

Журнал Ўзбекистон
Матбуот ва аҳборот агентлиги
томонидан рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди
10.01.2020.
Босишига руҳсат этилди
28.01.2020.
Коғоз бичими 70x100^{1/16}.
Таймс гарнитура.
Оғсет босма. Оғсет коғози.
Ҳисоб-нашириёт т. 5,20.
Шартли босма т. 6,75.
180 нусха.
Буюртма № 46
Келишилган нарда.
«NISO-POLIGRAF» МСНJ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент в., Машъъал маҳалласи,
Марказий кӯчаси, 1-й.

Г. БОБОЁРОВ

ФАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ АШИНА СУЛОЛАСИННИНГ ФАРГОНАДАГИ ТАРМОҒИ ТАРИХИГА ДОИР

Кириши

Илк ўрга асрларда Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон худудидаги давлатчилик тарихида Турк хоқонлиги (552–744) ўзига хос ўрин тутади. Ўз даврида дунёнинг энг йирик салтанатларидан бири ўлароқ билинган хоқонликда, айникса, унинг кунботардаги қаноти бўлмиш Фарбий Турк хоқонлигига (568–740) кечган сиёсий жараёнлар мамлакатимиз ва унга туташ ўлкалар билан чамбарчас боғлиқидир. Турли тиллардаги ёзма манбалар ва археологик топилмалар ўлкамизда хоқонлик билан боғлиқ мухим воқеликлар юз берганини кўрсатмокда. Улардан бири – хоқонликка асос солган Ашина хонадонининг бир неча тармоғи Амударё – Сирдарё оралиги ва унга туташ ўлкаларда ўз суолаларини ташкил этишидир. Чоч, Тўхористон ва Фарғона водийсида ўз бошқарувини ўрнатган ушбу суололалар тарихимизда ўзига хос из колдириди. Улар орасида айникса Ашина суоласининг Фарғона тармоғи бўйича етарлича изланишлар олиб борилмаган.

Хитой йилномалари ва бошқа тиллардаги айrim маълумотлар, шунингдек, эпиграфик ва нумизматик топилмалар Фарғонада келиб чиқиши хоқонликка бориб тақалувчи бошқарув бўлганидан дарак берса-да, бу масала бўйича ҳалигача чукур изланишлар олиб борилмагани кўзга ташланади. Водий ўтмишига бағишланган тақиқотларнинг кўпчилигига илк ўрта асрларда Фарғонада бир неча катта-кичик бошқарувлар бўлганига, улардан бири Ихшидийлар суоласи бу ерда етакчилик қилганига ургу берадилар. Фарғонадаги ушбу суололалар фаолияти: сиёсий тарихи, исем ва унвонлари, этник келиб чиқиши сингари масалалар эса ҳалигача тўлақонли ёритилмасдан колмоқда. Тўғри, айrim олимлар, шу жумладан, А.Н. Бернштам, О.И. Смирнова, А. Аскаров, А. Анарбоев, Б. Матбобоев, Л.С. Баратова каби археолог тарихчилар ўз изланишларида бу масалага у ё бу даражада тўхталиб ўтишган¹,

¹ Бернштам А.Н. Древняя Фергана (Научно-популярный очерк). Тошкент, 1951. 22–26-бетлар; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. Москва: Наука, 1970; Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент: Университет, 2007. 34–37-бетлар; Матбобоев Б.Х. Кадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти

бирок бу ердаги Ашина сулоласи бўйича кўпчиликни қониқтирадиган бир тўхтамга келинмаган. Кейинги йилларда эса айрим тадқиқотчиларимиз (F. Бобоёров, А. Кубатин, М. Хатамова), шунингдек, чет эллик тадқиқотчилардан америкалик Ж.К Скэфф, германиялик З. Штарк, франциялик Ф. Грене, Э. де ла Весиерлар Фарғона Ашина сулоласи бўйича ўз карашини билдирган бўлиб, бу борада айрим тортишувли фикрлар учраса-да, ялпи олганда улар бир-бирини тўлдиради². Биз ўз тадқиқотларимизда VII–VIII асрлар Фарғона тангаларидан бир туркумида турк-рун ва сүғдий ёзувда “хоқон” унвони учраши, хукмдор тасвирининг туркий кўринишга эгалиги, Ашина хонадони тамғасининг ўрин олиши, шунингдек, ёзма маълумотларга таяниб, бу ерда Фарбий Турк хоқонлигининг бир тармоғи ўз бошқарувига асос согланини олға сурғанмиз³. Ж.К. Скэфф ва З. Штарклар эса кўпроқ хитой йилномаларидан келиб чикиб, шунга якинроқ фикр билдириб ўтишган.

Ёзма манбаларда Фарғона Ашина сулоласи

Исломдан олдинги Фарғона хукмдорлигини бошқарган сулолалар, улар эга бўлган унвон ва эпитет (сифат)лар бўйича ёзма манбаларда тўлақонли маълумотлар деярли сакланиб қолмаган. Бу борада кўпроқ хитой йилномаларида куйидагича киска маълумотлар учрайди:

“Фахан (Фарғона) давлатининг бошқарув маркази Кунлин (Помир)нинг кунботарида 500 ли (чамаси 250 чакирим) узокликда бўлиб, у кадимда *Кюйсуз* деб аталар эди. Бошқарувчисининг хонадон исми *Чжаову* (Жамук), оти *Алици*...

(V–VIII асрлар археологик манбаларининг тарихий таҳлили асосида). Тарих фанлари док. дисс. Автореферати. Самарқанд, 2009; Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы. Тошкент, 2013; Баратова Л.С. Некоторые аспекты товарно-денежных отношений Ферганы древности и раннем средневековье // Марғilon шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги туттган ўрни. Марғilon шаҳрининг 2000 йиллигига бағишлиянган халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент, 2007. 43–50-бетлар.

² Skaff K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // The Turks, 2. Ankara, 2002. P. 369–370; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8, Kamakura 2002. P. 157, 167–170; Stark S. Die Alttürkzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. Wiesbaden, 2008. S. 221–223; Бобоёров F. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тарих фанлари док. дисс. автореферати. Тошкент, 2012. 7, 11, 42, 45-бетлар; Кубатин А.В. Система титулов в Тюркском каганате: генезис и преемственность. Тошкент: Yangi nashr, 2016. 22, 91, 103–104-бетлар; Хатамова М. Турк хоқонлиги шаҳарлари (VI–VIII асрлар). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2018. 23-б.

³ Babayar G. Fergane bölgesinde bulunan Türk-Runik yazılı Köktürk sikkeleri üzerine // Dünden Bugüne İpek Yolu: Beklentiler ve Gerçekler. İstanbul, 2008, s. 135–146.

Кўшиннинг сони бир неча минг киши. Шимоли-шарқдан Сулэ (Кошибар)гача 1000 ли, кунбатарда Судушишан (Уструшона)гача 500 ли, шимоли-ғарбда Ши (Чоч)гача 500 ли, шимоли-шарқда эса Тукюе (Гарбий Турк хоконлиги) ўрдаси 2000 ли, кунчикарда Гуа-чжоу (Дун-хуан)гача 3500 ли узоқликдадир. Дае даври (605–618 йиллар)да элчи юбориб, ерли маҳсулотлардан совғалар юборган” (“Бей ши”, “Суй шу”)⁴;

“Нин-юан, аслида Баханна ёки Бохан (Фаргона), Вэй сулоласи даврида Пуолуона деб аталган. Бошқарувчиси Чжэнчжу-хэ (Инжу-угуз / Сирдарё) шимолидаги Сигян (Ахсиқент) шаҳрида туради. Ҳукмдорлари Вэй ва Жин сулолалари давридан авлоддан-авлодга бошқариб келадилар... Чжэн-гуан даври (627–649 йиллар)да Кан Мохэду (*Түн Баҳодур)⁵ ҳукмдор Кубини ўлдириди, Ашина Шуни унинг шаҳрини кўлга киритди. Шуни ўлгандан сўнг унинг ўғли Эбочжи (мархум) Кибининг укасига ҳукмдор унвонини бериб, Ҳумин (Кува?) шаҳрида бошқарувга тайинлади, Эбочжи Кэсай (Косон) шаҳрида бошқарувга ўтириди. Сян-цин даврининг бошланишида (656) Эбочжи элчи юбориб, совғалар тортиқ килди. (Император) Гао-цзун унга кўп илтифот кўрсатди. (Ушбу даврнинг) 3-йили (658 й.)да Кэсай шаҳри “Сюшон вилояти” деб аталди ва унга бош ҳарбий амалдор (хит. ду-ду, эски туркча “тутук”) Аляоцан ҳоким (циши) килиб тайинланди” (“Син Тан шу”)⁶.

VIII аср бошларида ёзилган Муг тоги сүғдий хужжатларидан 2 таси – A-14 ва B-17 да *bry'nk MLK'* “Фаргона ҳукмдори”, *bry'nk twtik* “Фаргона тутуги” тўғрисида сўз боради⁷. IX–XII асрларга тегишли

⁴ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.–Л.: Изд. АН СССР, 1950. Том II. 274, 285-бетлар; Хўжаев А. Суй шу (“Суй сулоласи тарихи”)дан (“Тан сулоласининг янги тарихи”)дан / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. Тошкент: Фан, 2014. 24-б.

⁵ Кан Мохэду – А.Г. Малявкин “Кан” иероглифи (康) аслида “Дунь” (匈奴) ёзилиши керак бўлиб, туркийчаси “Тон” (Тўн) бўлган, яъни “Тўн Баҳодур” эди, деб ёзди (Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск, 1989. 166–167, 188-бетлар). “Тўн” сўзи эски туркчада “илк”, “тўнғич”, “бош” маъноларни билдирган ва хоконликнинг унвонлар тизимида юкори эпитет (сифат)лардан бири бўлган. Кўпчилик тадқиқчилар Кан Мохэду исмини шу кўринишда келтирсалар-да, А. Хўжаев уни “Чуаймо-Хэду” ўларок келтиради (*Қаранг*. Хўжаев А. Шин Тангшу (“Тан сулоласининг янги тарихи”)дан / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. Тошкент: Фан, 2014. 27-б.).

⁶ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 319-б.; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах... 188–189-бетлар; Хўжаев А. Шин Тангшу ... 27–28-бетлар.

⁷ Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent... 167–168-бетлар.

араб-форс манбаларидан эса “ихшид” Фарғонанинг бош сулоласи унвони бўлгани англашилади. Х асрда яшаган Абу Абдулоҳ Муҳаммад ал-Хоразмий ўз асари “Мафотих ал-улум” (“Илмлар калити”)да куйидагича ёзди: “*Ихшид – Фарғона ҳукмдорларининг исми, иерархия бўйича ундан кейингилари الصوار تكين (Свор-Тегин / Чўр-Тегин)⁸ деб аталади*”⁹. Ибн Ҳалликон “Вафоёт ал-аъён ва анбау ал-замон” асарида IX аср илк ярмида Самара (Бағдод)да ҳарбий бошликлардан бўлиб, келиб чиқиши Фарғона Ихшидийларидан бўлган Чуфф (Чук) ибн Йал-Тегин тўғрисида *aşluhi min awlād mulūk Fargāna* “асли Фарғона ҳукмдорлари авлодидан” деб ёзди¹⁰. Шунингдек, хитой ва араб-форс манбаларидан “чўр” унвони Фарғона бошқарувчиларидан бир нечаси-нинг унвони бўлгани англашилади¹¹.

Чоч ва Суғд ҳукмдорликларидан фарқли ўларок Фарғона тангаларида “хокон”дан бошка унвон учрамайди. Айниқса, “ихшид” ёки унга тенглаштиурса бўладиган бирор унвонга Фарғона тангаларида дуч келмаймиз. Қисқаси, хитой, суғдий, араб-форс тилидаги ёзма манбалардан келиб чиқилса, илк ўрта асрларда Фарғонанинг ўз маҳаллий бошқаруви бўлиб, ҳукмдорларининг бошқарув маркази – пойтахти, “ихшид”, “тегин”, “чўр”, “тутук”, “тархон” каби ўзига хос унвонлари бўлган. Келтирилган 5 та унвондан 4 таси туркий, 1 таси эроний негизли эди (“ихшид”). Ихшид унвони Фарғонадан ташқари Самарканда ҳам кўлланилган бўлиб, шундан келиб чиқиб тадқикотчилар илк ўрта асрлар учун кўпроқ “Фарғона Ихшидийлари сулоласи”, “Самарканд Ихшидийлар сулоласи” ибораларини ишлатадилар.

⁸ Свор-Тегин – ушбу исм (тўғрироғи, унвон)нинг биринчи бўлаги “Свор” эски туркча “чўр” унвони билан бөглиқ бўлиб, араб ёзувида “ч” ундоши бўлмаганидан араб муаррихлари бу сўзни “шур”, “жур”, “сул”, “жвор” кўринишларида ёзишган (қаранг. Лившиц В.А. Правители Панча (Согдийцы и тюрок) // Народы Азии и Африки. Москва, 1979. № 4. 66–67-бетлар; История ат Табари. Избранные отрывки (Пер. с арабского В.И. Беляева. Дополнения к пер. О.Г. Большакова и А.Б. Халидова). Тошкент: Фан, 1987. 185-б.; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда... С. 256 ва б.). Бу карашимизни ушбу унвоннинг арабча ڦ (син) билан эмас, ڦ (сад) харфи берилиши ҳам кучайтиради. Араблар бошка тиллардаги “ч” ундошини кўпинча “сад” билан ёзишган.

⁹ Bosworth C.E., Clauson G. Al-Xwārazmī on the Peoples of Central Asia // JRAS, 1965. No. 1/2. Р. 6–7; Баходиров Р. История Востока в «Ключах наук» // Шарқшунослик. Тошкент, 2009. № 14. 114-бет.

¹⁰ Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien... S. 223.

¹¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 319-б.; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда... 256-б.

Фарғонанинг ерли сулоласи (эҳтимол, Ихшидийлар) V–VI асрларда Эфталитлар давлатига (520–665) бирмунча қарам, бирок ўз ички бошқарувида эркин бўлган. VI аср 60- йилларида Фарғона Турк хоқонлиги қўл остига ўтгач эса VII аср илк чорагигача улар хоқонликка бўйсунувчи бош сулола ўларок ўз бошқарувини давом эттиради. Бирок “Тан шу” йилномасидаги “Чжэн-гуан даври (627–649 йиллар) да Кан Моҳэду (*Тўн Баҳодур) ҳукмдор Кибини ўлдириди, Ашина Шуни унинг шаҳрини қўлга киритди ... унинг ўғли Эбочжи (марҳум) Кибининг укасига ҳукмдор унвонини бериб, Хумин (Кува?) шаҳрида бошқарувга тайинлади, Эбочжи Кәсай (Косон) шаҳрида бошқарувга ўтириди. Сян-чин даврининг бошланишида (656) Эбочжи элчи юбориб, совгалар тортиқ қўлди” деган маълумот водий бошқарувида ўзгариш бўлгани, ерли сулола ўрнини келиб чикиши Ашина сулоласига тақалувчи шахс қўлга киритганини кўрсатади. Бу ўзгариш “Тан шу”да “Чжэн-гуань даврида (627–649)” бўлиб ўтгани айтилса-да, айрим маълумотларга таянилса, бу алмашинув 630- йилларда юз берган. Йилномаларда бу йилларда Фарбий турк хокони Тун Ябгу-хоқонни (618–630) ўлдириб, хоқонлик таҳтини эгаллаган амакиси Моҳэду (*Баҳодур; 628/630–631) тўғрисида сўз юритилиб, орадан кўп ўтмай унинг қариндоши Нииу (*Низук) томонидан ўлдирилганига урғу берилади¹². Қисқагина ҳукм сурганига қарамай у бошқарувда бир қатор ўзгаришлар қилишга улгуради. Шунинг учун, гарчи хоқонлик тепасида “Баҳодур хокон” унвонли бир неча ҳукмдор ўтганига қарамай, Фарғонада сулола алмашинуви айнан унинг бошқарув йилларида юз берган, дейиш ўринлироқ. “Чжэн-гуань даври – 627–649 йиллар”да Фарбий хоқонликда ундан бошқа Баҳодур исмли хоқон бўлгани аниқ эмас.

*Кан Моҳэду (*Тўн Баҳодур)* Фарғонада Кибини ўлдиргач, водийдаги бошқарув Аиена Шуни қўлига ўтади. Айрим тадқикотчилар исмидан келиб чикиб, унинг Фарбий Турк хоқонлиги – Ашина хона-донидан эканини, яъни шаҳзода бўлганини олға сурадилар¹³. Буни унинг Фарғонани эгаллаши айнан Тўн Баҳодур хоқон фаолияти билан боғлиқлиги ҳам кўрсатиб турибди. Демак, Фарбий хоқонликнинг олий бошқарувчисига айланган ушбу хоқон теварак ўлкалар бошқарувида ўзгаришлар килар экан уларга якин қариндошлари – ўз ишончли кишиларини ноиб ўларок юборган.

¹² Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 319-6.

¹³ Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. СПб., 1903, Р. 148.

Йилномада келтирилганидек, Эбочжи бошқарувни қўлга олгач, ўзи Гиесай (Косон) шаҳрида ўрнашиб, ерли сулола вакили Аляоцанни Хумин (Куба?)да бошқарувга тайинлагач, 656 йилда Хитойга совға-саломлар билан элчи юборган¹⁴. Эбочжи Фарғона бошқарувчиси сифатида Хитойга элчи юборгани бу ерда хоқонлик билан тўғридан-тўғри боғлиқ бошқарув ўрнатилганини кўрсатади. Эски сулола вакили Аляоцан эмас, айнан Эбочжи томонидан Фарғона хукмдори сифатида улкан бир салтанатга элчи юборилиши ҳам бежиз бўлмаган. Ушбу элчиликнинг 650- йиллар ўртасида жўнатилиши минтақада юз берган сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ эди. 656 йилда Хитойдаги Тан сулоласи қўшини Фарбий Турк хоконлигини бўйсундириш учун Ашина Хэлу хоқон (*Улуғ/*Ару хоқон; 651–657) изидан Еттисувга, сўнгра Чочга келган, бу ерда уни ушлаб, пойтахт Чанъянга олиб кетган эди¹⁵. Бироз сўнгра 658 йилда хитойликлар томонидан Чочда, Фарғонага яқин ерда – Гангэ / Дунцзе (Тункат)да “Даван” деб аталувчи губерния ташкил этилган ва бошқарувига Кан тудун (*Тўн тудун) исмли туркий ноиб қўйилган эди¹⁶. Фарғонада эса Ашина хонадони вакили Эбожи ўтирадиган Кесай (Косон) шу йили хитойликлар томонидан “Сю-шон” вилояти деб ўзгартирилиб, бу ернинг назоратига Аляоцан тайинланади. Қизиги шундаки, хитойликлар ҳар иккала хукмдорлик – Чоч ва Фарғонада янги жорий қилинган губерния ва бошқарувларда Ашина сулоласининг эмас, Кан тудун (*Тўн тудун) ва Аляоцан каби бошқа сулолаларнинг вакилларини ўз ноиблари ўлароқ тайинлади. Бу шунчаки тасодиф бўлмай, гарчи Тан империяси Фарбий Турк хоконлигини ўзига бўйсундирган бўлса-да, Ашина хонадонига ишончсизлик билан қарагани билан боғлиқ эди. Демак, Ашина хонадонининг бирор тармоқлари бўлмиш Чоч Тегинлари (605–750) ва Фарғона Ашина сулоласининг бошқарувдаги ўрни бир муддат кучсизлашган кўринади.

Фарғонада Ашина сулоласи бўлгани факатгина хитой йилномаларидан эмас, балки араб-форс манбаларидаги айрим далилларда ҳам ўз тасдиғига эга. Келиб чикиши фарғоналик бўлган Миср Ихшидийлари сулоласи (935–969) бошқарувчиларининг исми араб манбаларида учраб, улардан кўпчилиги туркий негизлидир. Ибн Ҳалликоннинг “Вафоёт ал-аъён ва анбау ал-замон” асарида улардан бирининг тўлиқ

¹⁴ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 319-б.

¹⁵ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... I. 289-б.

¹⁶ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах... 83, 166, 188-б.

шажараси берилган: *Тугуч ибн Чуқ ибн Йел-тегин Ахшид ибн Фурон (Бўрон) ибн Фури (Бўри) ибн Хоғон (Хоқон) ал-Фарғоний*¹⁷. Айрим тадқиқотчилар ушбу шажарада эл-тегин, хоқон каби унвон, Туғуч, Чуқ, Бўрон, Бўри сингари туркий исмлар учрашига ва араб тарихчилари ҳам Миср Ихшидийларини туркий деб кўрсатганига таяниб¹⁸, ушбу сулолани туркийлар билан, шу жумладан, Турк хоқонлиги билан боғлайдилар. Араб истилосидан олдин Марказий Осиёда “тегин” Ашина хонадонидан бўлган шаҳзодалар унвони бўлганидек, “хокон” унвонини ҳам ушбу хонадон вакиллари кўллашга ҳакли эдилар. Демак, Фарғона араблар томонидан босиб олиниб, ерли сулола вакиллари Мисрга олиб кетилган бўлса-да, ўз келиб чиқиши хотираси ўлароқ айрим туркий унвонларни кўллашда давом этган ёки уларни ўз фарзандларига исм сифатида берган бўлиб чиқади.

Араб-форс ва сүгдий тилли манбаларда исломдан олдин Фарғонани бошқарган хукмдорлар унвони сифатида учрайдиган “ихшид”, “тегин”, “тутуқ”, “чўр” унвонларининг кўпчилиги туркий негизли бўлиб, Турк хоқонлиги билан боғлик эди. Улар орасида “тегин” фақаттина Ашина хонадонидан бўлган шаҳзодалар учун кўлланилган унвон эди. Бирор манба ёки тадқиқотда тўғридан-тўғри айтиб ўтилмаса-да, айрим далилларга таяниб, водийда ўз бошқарувини ўрнатган Ашина Шуни ва унинг издошлари бу унвонга эга бўлишган, дея оламиз. Бунга Мухаммад ал-Хоразмий томонидан “ихшид” Фарғона хукмдорининг, *Свор-Тегин* (*Чўр-Тегин*) эса ундан кейин турувчиларнинг унвони ўлароқ тилга олиниши¹⁹, араб манбаларида Аббосийларнинг Самарадаги туркий кўмандонларидан бири, насли Фарғона хукмдорларига тақалувчи *Йал-Тегин* (Эл-тегин; IX аср биринчи ярми), IX асрда Бағдодда яшаган, Фарғона хукмдорлари авлодидан *Хоқон* (ваф. 848) ва унинг ўғилларидан бири – *Тегин ибн Хоқон*²⁰, шунингдек, асли фарғоналилк Миср

¹⁷ Togan Z.V. Umumi Türk Tarihine Giriş. 3. Baskı. İstanbul, 1981. S. 178–179; Камолиддин Ш. Саманиды. Из истории государственности Узбекистана / LAP LAMBERT Academic Publishing. Saarbrücken, 2012. 21-б.

¹⁸ Bosworth C.E. The Turks in the early Islam Lands up to the Mid.-11th Century // The Turks in the early Islam world / edited by C.E. Bosworth. Ashgate Variorum, 2006. P. 11; Bosworth C.E., Clauson G. Al-Xwārazmī on the Peoples of Central Asia... P. 6–7.

¹⁹ Bosworth C.E., Clauson G. Al-Xwārazmī on the Peoples of Central Asia... P. 6–7; Баходиров Р. История Востока в «Ключах наук» // Шарқшунослик. Тошкент, 2009. № 14. 108–117-бетлар.

²⁰ Камолиддин Ш. Саманиды. Из истории государственности Узбекистана... 21-б.

Ихшидийлари шажарасида “эл-тегин” унвонининг учраши²¹ туртки бўлди. Кизиги шундаки, Фарғона Ашина сулоласи каби келиб чикиши Фарбий хоқонликка тақалувчи Чоч Тегинларининг (605–750) ҳам бош унвони “тегин” бўлиб, бу хитой йилномалари ва Чоч танглари орқали ўз тасдиғига эга²².

Фарғона хукмдорлари шажарасида киши исми ўларок “хокон” унвони учраши кизик. Ҳар ҳолда Фарғонадаги Ашина сулоласи вакиллари бу унвонга эга бўлмасалар-да, ўзларининг келиб чикиши турк хоқонларига тақалиши хотирасига ўз фарзандларини шу ном билан аташган кўринади. Юкорида эслаб ўтилган фарғоналик Хокон исмли кишининг ўғил ва набиралари: ал-Фатҳ ибн Хоқон (ваф. 862), Яҳё ибн Хоқон (ваф. 854), Бағлавур ибн Хоқон, Тегин ибн Хоқон Абу-л-‘Аббос Аҳмад ибн Хоқон ал-Фарғонийлар Аббосийлар саройида юксак лавозимларни эгаллаган эдилар²³. Демак, Ибн Ҳалликон келтирган шажара бошида Хогон (Хоқон) исми туриши ҳам Фарғонада Ашина сулоласи хоқонларга тақалишини кўрсатади.

Хитой йилномалари, суғдий хужжатлар ва араб-форс тилидаги тарихий асарлардан келтирилган ушбу маълумотлардан кўринадики, исломдан олдин Фарғона водийсида бир неча сулола бўлиб, улар орасида 2 та сулола – Фарғона Ихшидийлари ва Ашина сулоласи етакчилик килган. Бирок шу ўринда бир чигал масала – юкорида келтирилган шажарарада “Йел-тегин Аҳшид” учраши “Фарғонанинг Ашина сулоласи бошқарувчилари “ихшид” унвонини кўллаган бўлиб, Фарғона Ихшидийлари шуларнинг ўзи эмасмикан?” деган саволни кўндаланг кўяди. Бу унвон Фарғонанинг эски ерли сулоласига тегишли экани, Ашина хонадонининг Фарғона тармоғи бошқарувчилари эса “тегин” (эҳтимол, “чўр”, “тархон”) унвонларига эга бўлгани буни чигаллаштиради. Шунингдек, Муҳаммад ал-Хоразмий “Ихшид” ва “Свор-Тегин”ни Фарғонанинг айри-айри бошқарувчилари унвони ўларок келтиради. Бу масала келажакда чукур изланишлар орқали ўз ечимини топишига ургу берган ҳолда, Ашина сулоласи бошқарувчилари “ихшид” унвонини қабул килган бўлишлари эҳтимолдан йирок эмаслигини айтиб ўтамиз. Чамаси, она юртларидан узоқда бўлган Миср Ихшидийлари “ихшид” ёки “Ихшидий”лар иборасига қадим Фарғона хукдорларининг

²¹ Togan Z.V. Umumi Türk Tarihine Giriş... S. 178–179; Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel... S. 223.

²² Бабаяров Г., Кубатин А. К монетам Чачских правителей тегинов // O'zbekiston Moddiy Madaniyatি Tarixi. Самарканд, 2006. № 35. 194–198-бетлар.

²³ Камолиддин Ш. Саманиды. Из истории государственности Узбекистана... 23-б.

сулолавий номи хотираси сифатида қараб, уни рамзий ўларок қўлланнишда давом этишган кўринади.

Қисқаси, ёзма ва нумизматик материаллар VII–VIII асрларда Фарғона водийсида бир неча катта-кичик бошқарувлар бўлса-да, улар орасида бош сулола – Ашина хонадони бўлганини кўрсатади. Илк ўрта асрларга тегишли Фарғона тангаларининг кўпчилиги “хокон” унвонли тангалар экани, шунингдек, 650- йиллар ўртасида Хитойга элчи юборган хукмдорнинг ушбу хонадондан бўлиши буни тасдиқлади. Шу ўринда Фарғона тангаларининг деярли барча турларида хоконликка хос тамға ўрин олганини ҳам кўзда тутиш керак бўлади²⁴: ⚭ / ⚭, ⚭, ⚭.

Ашина сулоласига тегишли Фарғона тангалари

Фарғона водийсида танга-пул тизими илк ўрта асрларда, аникроги, чамаси VI–VIII асрларда бошланган бўлиб, Чоч, Суғд ва бошқалардан фарқли ўлароқ Фарғона тангаларининг тури кўп эмас. Уларнинг бир туркумини хукмдор тасвирили, бир туркумини эса ўртаси тўртбурчак тешикли тангалар ташкил этади. Ҳар иккала туркум тангаларда суғдий ёзувда *х'ү'н* “хокон” унвони ўрин олган бўлиб, тадқиқотчилар уларни “Қадимги турк тангалари туркуми”га киритадилар²⁵. Фарғона тангаларидаги ёзувлар ўқиб чиқилганидан бери кариб яrim аср ўтган бўлишига қарамай, уларнинг айнан қайси сулола ёки хукмдор томонидан бостирилгани тўғрисида жўяли бир фикр айтилмаган. Тўгри, бундан анча йиллар олдин ҳам М.Е. Массон, О.И. Смирнова, Л.С. Баратова каби нумизматлар ўз изланишларида VI–VIII асрлардаги Чоч, Фарғона, Суғд тангаларига нисбатан «Қадимги турк тангалари» иборасини бот-бот қўллаган бўлсалар-да, бирор уларнинг айнан қайси туркий сулолага тегишли экани очиқ қолиб келаётганди²⁶. Якин йилларда юритилган археологик казишмаларда қадимий шаҳар қолдикларидан бири – Кувада 2 та мис танга топилиши ва уларда эски турк-

²⁴ Babayar G. Fergane bölgесinde bulunan.... S. 139; Бабаяров Г. Фергана – как один из центров чекана монет Западно-Тюркского каганата // ИМКУ. Самарканд, 2019. Вып. 40. 126–130-бетлар.

²⁵ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. Москва, Наука, 1981. 58-59-бетлар; Баратова Л.С. К исторической интерпретации титула «каган» на древнетюркских монетах Средней Азии конца VII – первой половины VIII вв. // НЦА. Тошкент, 1998. Вып. III. 41–43-бетлар.

²⁶ Массон М.Е. К вопросу о взаимоотношениях Византии и Средней Азии по данным нумизматики // Труды САГУ. Тошкент, 1951. Вып. 23. 91–104-бетлар; Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет... 5-бет; Баратова Л.С. К исторической интерпретации титула «каган»... 41–43-б.

рун ва сүфдий ёзувда “хоқон” унвони, тескари томонида эса Ӯз / Ӯз кўринишидаги тамға учраши аниқланди (1-расм. 7–8). Бу эса Фарғона тангалари қайси сулолага тегишли эканини аниқлашга ёрдам берибгина қолмай, балки водийдаги бош хукмдор сулоланинг этник келиб чиқиши борасида бир тўхтамга келишга имконият яратди.

Кейинги йилларда олиб борган изланишларимизда VI–VIII асрларда Чочда 20 турдан ортиқ тангалар бостирилгани, уларнинг кўпчилиги Фарбий Турк хоқонлиги томонидан Ӯз, Ӯз, Ӯз кўринишидаги тамға ва “жабғу”, “жабғу-хоқон”, “хоқон” сингари унвонлар, “Турк хоқон”, “Тун жабғу-хоқон”, “Ишбара жабғу-хоқон” каби исм ва унвонлар билан чиқарилган тангалар эканлиги аниқланди. Улар орасида “Турк хоқон” ва “жабғу” унвонли, VI аср сўнгги – VII аср бошларига тегишли турларида Ӯз кўринишидаги тамға учраб, Кувадан топилган тангалардаги тамғанинг ўзгинасидир: Ӯз - Ӯз. Ҳар иккала танга туркумида “хоқон” унвони учраши Чочда ўз тангасини бостириган Фарбий турк хоқонлари билан Фарғона сулоласи орасида яқин қариндошлик бўлганини кўрсатади. Шунингдек, ушбу тангаларнинг ўнг томонидаги тасвиirlар деярли бирдай: узун сочли, соқолсиз, думалоқ юзли хукмдор²⁷ (1-расм. 2–3, 7–8). Шунга ўхшаш ташки кўриниш ва тамға бичимлари (Ӯз/Ӯз) Ашина хонадонининг бир тармоги бўлмиш Чоч Тегинлари (605–750) тангаларида ҳам кўзга ташланади (1-расм. 5–6)²⁸.

Фарғона тангаларининг Чочдаги Фарбий хоқонлик тангаларидан фарки – водий тангалари турк-рун ва сүфдий ёзувда, Чочда эса фақатгина сүфдий ёзувдадир. Бу ҳам шунчаки тасодиф бўлмай, Чоч ва бошка ўлкалардан фаркли ўлароқ Фарғонада қадимги турк ёзуви кенг кўлланилгани билан боғлиқдир. Хоқонлик кўл остидаги Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ўнлаб ўлкалар орасида турк-рун ёзувли топилмаларнинг кўпчилиги Фарғона водийсига тўғри келиши ҳам бу ерда хоқонликка туташувчи сулола турган, деган карашни кучайтиради. Чамаси 650- йиллардан кейин, яъни Фарбий Турк хоқонлиги Хитойга бўйсунгандан сўнг бостирилган, ўргаси тўртбурчак тешикли, бир томонида сүфдий ёзувда “хоқон”, орқа томонида эса *βry'n* “Фарғона” сўз-

²⁷ Тангалардаги хукмдор тасвиirlари қадимги туркийларга хос киёфада (елкагача тушган узун соч, соқолсиз, кенг юмалоқ юз, бироз кисик кўз) учраши ёзма манбалардаги маълумотларга мос келади (*Қаранг: Тутушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана. Москва, 1991. 5–6-бетлар*).

²⁸ Бабаяров Г. Тамги на монетах оазисов Средней Азии эпохи раннего средневековья / Тамги доисламской Центральной Азии – Tamgas of Pre-Islamic Central Asia / Сармаркан: МИЦАИ, 2019. 338, 355–358-бетлар.

лари ўрин олган Фарғона тангаларида тамғалар (М, Ж) учраб, улар М / Ж кўринишидаги тамғанинг ўзгарган турларидир (1-расм. 9). Бундай ўзгаришлар Фарбий хоқонлик (Чоч) тангаларида ҳам кузатилади.

“Хоқон” унвони исломдан олдинги Ўтрор ва Самарқанд тангаларида ҳам учраб²⁹, улар айрим ўзига хосликларига кўра Фарғона ва Чоч тангаларидан ажralиб туради. Фарғона ва Чочни каби бирдай унвон ўрин олганига қарамай, улардаги тамғалар бутунлай бошқача эканлиги кўзга ташланади: М – Ўтрор, Ж – Самарқанд (1-расм. 10–12, 13–15). Буни Ўтрор ва Самарқанд хукмдорларининг ўз хўжайинлари – Фарбий турк хоқонлари номидан танга чиқаргани, Чоч ва Фарғонада эса хоқонлар ёки уларнинг яқинлари ўз номидан танга бостиргани билан боғлаб тушунтируса бўлади. Шунга ўхшаш ҳолат Тўхористон тангаларида ҳам учраб, Ашина хонадонининг яна бир тармоғи – Тўхористон Ябгулари³⁰ (620–750) бир туркум тангаларида (айримлари “хоқон” унвонли, айримлари унвонсиз) Ж кўринишидаги тамға ўрин олган. Ушбу тамға, айниқса, Чочда бостирилган “Тун жабғу-хоқон”, “Жабғу-хоқон” ва “Ишбара жабғу-хоқон” унвонли хоқонликнинг иккинчи босқичи (Жабғу-хоқонлик: VII аср боши – шу аср 30-йй.) тангаларидаги тамға (Ж / Ж) билан бир экани кузатилади (1-расм. 4, 16–18). Демак, Турк хоқонлиги даврида “хоқон” унвонли танга чиқариш 2 та омилга боғлик бўлган: 1) хоқонликнинг бошқарувчи хонадонига тақалувчи сулолалар бу унвонни ва сулола белгиси (тамға)ни кўйишга ҳақли бўлишган (Чоч, Фарғона, Тўхористон); 2) ўз сулола белгисини қўйиб танга чиқарар экан хоқонликка бўйсуниши ифодаси ўлароқ “хоқон” унвонига ўрин беришган (Самарқанд, Ўтрор).

Қисқаси, Фарғона тангаларида “хоқон”дан бошқа унвон учрмаслиги бу ерда Ихшидийлар сулоласи эмас, Фарғонанинг бош хукмдорлари сифатида Ашина сулоласи ўз тангасини бостирганини кўрсатади.

Хоқонлик даврида Фарғонада кечган сиёсий воқеилилар

560- йилларда хоқонлик қаноти остига ўтган Фарғонада орадан 80 йилча вақт ўтгач, 630- йиллари бошқарувда ўзгариш юз беради.

²⁹ Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации доисламских монет Оттара // Ўзбекистон ва Шарқ мамлакатларининг ҳамкорлиги: тарих ва хозирги замон. Республика илмий конференцияси тезислари. ЎзР ФАШИ. Тошкент, 2014. Б. 98–100; Бобоёров Ф. “Турон хукмдори хоқон” унвонли Самарқанд тангалари (илк ўрта асрлар) // O'zbekiston tarixi. 2018. № 4, 2018. З–15-бетлар.

³⁰ Джуманиязова Ф. Илк ўрта асрларда Тоҳаристон ва Кобул водийсида туркий сулолалар.: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2018. 15–17-бетлар.

Шундан кейин яна 100 йил ўтганда ҳам бу ерда Ашина хонадони бошқаруви сакланиб қолади. “Тан шу” йилномасида 639 йилда Ғарбий турклардан Шоболо Ҳэлиши (*Ишбара Алп-шад) Дулу хоқондан енгилгач *Боханна* (Фарғона)га кочиб, шу ерда ўлгани эслатилилади³¹.

726 йилда Шимолий Ҳиндистон, Кобул ва Тўхористонда бўлган хитой сайёхи Хой Чао (726) Фарғонада 2 та ҳокимият борлиги, бирни Сирдарёнинг шимолида *Тукюе* (турк)лар бошқаруви, жанубида эса *Даши* (араб)ларга бўйсунувчи бошқарув борлигини эслатиб ўтади³². Ундан бир неча йил олдин, 715 йилда Кутайба ибн Муслим бошчилигига араб қўшинлари Фарғонага юриш қылган, бу ернинг бошқарувчи-си урушда енгилгач, Кучा (Шаркий Туркистон)га кочиб, ёрдам сўраган, араблар эса Фарғона бошқарувига (الطاء, Алутар, хитой йилномаларида *Аляода*) исмли бирини ноиб тайинлаб қайтган эдилар³³. Демак, Хой Чао келган 726 йилда Сирдарёнинг шимолида турклар ўз ўрнида колган, жанубида арабларга қарам бошқарув ўрнатилган эди.

“Тан шу” йилномасида Фарғонани 738–751 йиллар давомида *Асиланъ даганъ-чжсу* (*Арслон тархон-чўр) бошқаргани айтиб ўтилади³⁴. У 739 йилда Талас водийсига юриш килиб, бу ерда Ғарбий Турк хоқонлиги ўрнини эгаллаган тургаш хокони *Тухосян Гучжсо* (*Кут-чўр)ни тор-мор қиласиди³⁵. О.И. Смирнова 720- йилларда Фарғонани бошқарган Алту-чўрни туркий деб қараб, у ва унинг ўғли исмиди туркий чўр (چور) унвони учраши, бу эса уларни туркий бўлган, дейишга имкон беринини ёзади³⁶. Ундан олдинги ва кейинги бир неча Фарғона ҳукмдорлари исмиди хоқонликка хос чўр унвони учраши ўз-ўзидан бўлмаса керак. Табарий ўзининг “Тарих ар-русул ва-мулук” асарида кароргохи Исфарада жойлашган таҳт вориси Балаза ҳакида ёзиб, у кейинчалик Фарғона ҳукмдори бўлган Журнинг отаси эканига ургу беради³⁷. Араб манбаларида Аббосийлар қўшинида хизмат қилган туркий қўмондонлардан Билга-чўр ал-Фарғоний (860-й.) ва Мангут-чўр ал-Фарғоний

³¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... I. С. 287; Taşağıl A. Gök-Türkler. II. Ankara, 1999. S. 66.

³² Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. М., 1952. № 1. 193-б.

³³ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда... 255-б.

³⁴ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 319-б; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue ... Р. 149.

³⁵ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 319-б.

³⁶ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда... 256-б.

³⁷ История ат-Табарини... 185-б.

тилга олинади³⁸. Аббосийлар кўшинига келиб чиқиши аслзодалардан, яъни собик бошкарувчи хонадонлардан бўлган туркий ёшларни тортиш кенг ёйилган эди.

Фарғонада “чўр” унвони кенг тарқалиши Турк хоконлиги билан боғлиқ кечган кўринади. 716 йилда Турк хоконлиги бошкарувини эгалаган Қапған хокон (692–716) *Бек-чўр / Бугу-чўр* (хит. Мо-чжо) унвонига эга эди³⁹.

Ўзини Фарбий турк хокони деб эълон қилиб, Хитойнинг Шарқий Туркистондаги Ань-си ҳарбий волийлигига ҳужум уюштира бошлаган *Ашина Тўчкси*⁴⁰ (671–679) уни қўллаб-куватлаган Тибет билан иттифоқ тузади⁴¹. Бирорқ хоконлик ва Тибетнинг бирлашган кўшинлари 694 йилда хитой кўшинларидан енгилади⁴². Шундан сўнг унинг кейинги фаолияти Фарғонада давом этади. 690- йиллар сўнгтида хитой кўшини бошлиғи *Kuo Kien-куан* Фарғонага ҳужум уюштириш тўғрисида буйруқ олиб, бу ерни талон-тарож қила бошлагач, фарғоналиклар Туйцзини бошлиқ сифатида танлаб, унинг йўлбошчилигига хитойликларга карши курашади⁴³. У фарғоналиклар⁴⁴ ва Тибетнинг ёрдами билан

³⁸ Sümer F. Türk Devletleri Tarihinde Şahis Adları. I. İstanbul, 1999. С. II. S. 483, 492.

³⁹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... I. С. 295–296; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. İstanbul: Selenge, 2007. S. 115.

⁴⁰ Ушбу хокон исмини Н.Я. Бичурин Суйцзы шаклида берган (Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. 295-б).

⁴¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... I. 294-б.

⁴² Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... I. 295-б; Маявкин А.Г. История Восточного Туркестана в VII–X вв. // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Очерки истории. Под. ред. С.Л. Тихвинского и др. Москва: Наука, 1988. 321-б.

⁴³ Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri... S. 246–247.

⁴⁴ Тибет манбаларида туркийлар билан боғлиқ *Другу йул* (луг. “Турклар ўлкаси”) топоними ишлатилиб, тадқикотчилар бу атама остида бутун Фарбий Турк хоконлиги худуди, баъзан Тўхористон ва Гандхарани, яъни Шимоли-Фарбий Хиндистонни ҳам ўз ичига олган худуд тушунилган, деб тушунтирадилар (Uray G. The Old Tibetan sources of the Central Asia up to 751 A. D.: a Survey // Prolegomena to the History of Pre-Islamic Central Asia. Ed. by J. Harmatta. Budapest, 1979. P. 281). Л. Петеч 700 йилги воқеалар муносабати билан тилга олинган *Другу йул* атамаси остида эса айнан Фарғона назарда тутилган, деган тўхтамга келади. Унга кўра, Фарғонада туриб, хитойликларга карши курашга бошлиқ килган Ашина Туйцзи тибет манбаларида Ton ya-bgo khagan (Тўн ябгу-хокон) деб тилга олинган киши билан бир бўлиб, у 694–700 йилларда Тибет хукмдорига ўз эҳтиромини билдириб турган, 700 йилда у *Другу йулга* юборилган. Ашина Туйцзи – II. Тун ябгу-хокон 700 йилдан бошлаб Фарғонада кисқа муддат бошкарувда бўлган (Uray G. The Old Tibetan sources... P. 281).

Шарқий Туркистон ва Еттисувдаги Хитойга қарашли “Тўрт гарнizon”-ни қўлга киритишга тиришади.

Турк хоқонлигининг Чоч, Фарғона, Суғд, Тўхористон билан биргаликда араб босқинига қарши курашида ҳам фарғоналиклар фаол қатнашадилар. В-17 сонли Муғ тоги сұғдий хужжатида Суғдда бўлиб турган xwn “турк” кўмандони (ёки қароргохи) ва унинг ёнидаги “Фарғона хукмдори” тўғрисида сўз боради⁴⁵. Араб манбаларида ҳам бу иттифок эслатилиб, у айрим узилишлар билан 740- йилларгача чўзилади. Уларда Тўхористон, Бухоро, Суғд (Самарқанд, Панжикент), Чоч, Фарғона хукмдорлари бошини бириктирган киши ўлароқ “хокон”, “турк хоқони” ёки “туркаш хоқони” тургани эслатиб ўтилади⁴⁶.

Турк хоқонлигининг сўнгги йиллари – 740- йилларда ҳам Фарғона ва хоқонлик орасида ўзаро бирдамлик сакланиб колади. Хитой манбаларидан бири “Цуан Тан-вен”да 741 йилда *Тукюе* (турк) хоқони *Бигя Куттулу* (*Билга Кутлуғ)нинг Хитой императорига янги йил кутлови юбориб, бундан бўён у ва *Боханна* (Фарғона) хукмдори биргаликда императорнинг душманларига қарши ёрдам беришини ёзгани тилга олинади⁴⁷.

Бундан кўринадики, Фарғона VIII аср илк яримида арабларга қарам бўлиб колса-да, Сирдарёнинг ўнг кирғоғида ўз бошқарувини саклаб қолган туркий сулола 740- йилларда анчагина кучайиб, Еттисув ва Шарқий Туркистондаги сиёсатга ҳам аралашади. Айниқса, Фарғона бошқарувчиларининг анча узок Ўрхун водийси (Мўгулистон)даги турк хоқонлари билан бирдамлиги хоқонликнинг сўнгги йилларигача сакланиб қолгани дикқатни ўзига жалб киласди. Ўша йилларда Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ худудлардаги ўнлаб хукмдорликлар аллақачон ўз бошқарувини қўлдан бой бериб, арабларга бўйсунган, улардан айримлари сулола сифатида тугаб кетган эди. Бу ҳам Фарғонада Ашина хонадонининг бир тармоғи бошқарув жиловини тутиб тургани билан боғлиқ бўлса керак.

Демак, Фарғонада 630- йиллар – VIII аср иккинчи яримида хукм сурган Ғарбий Турк хоқонлигининг бир тармоғи бўлмиш Ашина суло-

⁴⁵ Согдийские документы с горы Муг ... II. 80–84-бетлар; Исҳоқов М., Бобоёров Ф., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. Тошкент: Фан, 2014. 82-б.

⁴⁶ Согдийские документы с горы Муг... II. 80–84-бетлар.

⁴⁷ Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri. Çeviri E. Kayaoglu, D. Banoğlu. İstanbul, 2006. S. 318, 542.

ласи ўз даврида Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ўлкалардаги катта-кичик воҳа хукмдорликлар орасида ўз ўрнига эга бўлиб, ҳам кўшни хукмдорликлар – Чоҷ, Суғд, ҳам йирик салтанатлари бўлган Турк хоконлиги ва Хитой билан тифиз сиёсий ва дипломатик алоқалар олиб борди. Фарғонада бу сулоланинг бошқарув тепасига келиши водийда туркий аҳоли қатламининг янада кучайишига, иш юритиши ва ёзишмаларда қадимги турк-рун ва сұғдий ёзувларни қўллаш каби хоконликка хос анъянанинг ёйилишига, танга-пул бостиришнинг йўлга кўйилишига ва туркий давлатчилик тизимининг чуқурроқ илдиз отишига шароит яратди.

Ф. БОБОЁРОВ

ФАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ АШИНА СУЛОЛАСИННИНГ ФАРГОНАДАГИ ТАРМОГИ ТАРИХИГА ДОИР

Мақолада илк ўрта асрларда Фарғона водийсида бостирилган танга-пулларнинг сезиларли бир бўлаги Фарбий Турк хоконлиги (568–740) билан тўғридан-тўғри ёки билвосита боғлиқ бўлганлиги тахлил қилинган. Нумизматик материаллар ва ёзма манба маълумотлари асосида VII–VIII асрларда Фарғона водийсини Турк хоконлигига (552–744) тегишли Ашина хонадони бошкарғанлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: илк ўрта асрлар, Фарғона, Турк хоконлиги, Ашина сулоласи, тангалар, ёзма манбалар.

Г. БАБАЯРОВ

К ИСТОРИИ ФЕРГАНСКОЙ ВЕТВИ ДИНАСТИИ АШИНА ЗАПАДНО-ТЮРКСКОГО КАГАНАТА

В статье изучена значительная часть монет, выпущенная в Ферганской долине в раннем средневековье, которая прямо или косвенно была связана с Западно-Тюркским каганатом (568–740). На основе нумизматических материалов и письменных источников показано, что в VII–VIII вв. в Ферганской долине доминировала династия Ашина, которая связана с Тюркским каганатом (552–744).


Ключевые слова: раннее средневековье, Фергана, Тюркский каганат, династия Ашина, монеты, письменные источники.

G. BABAYAROV

ON THE HISTORY OF THE FERGHANA BRANCH OF THE ASHINA DYNASTY OF THE WESTERN TURKIC QAGHANATE

The article represents the investigated considerable part of coins minted in Ferghana valley in the Early Middle Ages, for some extent were directly or indirectly connected to the Western Turkic Qaghanate (568–740). Theses numismatic materials and written sources show that in 7–8 cc. AD in Ferghana valley dominated the dynasty of Ashina belonged to the Turkic Qaghanate (552–744).

Key words: Early Middle Ages, Ferghana, Turkic Qaghanate, Ashina dynasty, coins, writing sources.



1-расм. Фарбий Турк хоконлиги билан боғлиқ “жабғу” (1), “хокон” (Чоҷ: 2–4; Фарғона: 7–9; Самарқанд: 10–12; Ўтрор: 13–15; Тўхористон: 17) ва “тегин” унвонли (5–6) тангалар

Чархча О.Л. Документы в истории древней культуры Узбекистана. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Узбекистан, Ташкент, 2000. С. 125–126.

24. Абулхасан М.А. Сюрия и Иерусалим. Обзорная история. Книга I. XI-XVII века. Год написания неизвестен. Ташкент, 1989. С. 108–109.

25. Абульфазл Г.М. Сборник исторических сказаний о Султане Махмуде Гази. Ташкент, 1989. С. 108–109.

Г. ТАНИЕВА

ЯЛАНГТЎШ БАҲОДИРНИНГ БУХОРО ХОНЛИГИ СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

XVII асрда яшаган Ялангтўш Баҳодирнинг (1576–1656) нафақат Ўзбекистон, бутун Ўрта Осиё ҳалклари, балки минтақанинг кўшни давлатлар билан бўлган сиёсий муносабатлари тарихида алоҳида ўрни мавжуд. У тарихий манбаларда ҳарбий билимни пухта эгаллаган саркарда, давлат бошқарувида фаол иштирок этган моҳир сиёсатчи, мадраса илмини олган зиёли, ҳашаматли иншоотлар курдирган ҳомий каби сифатларни ўзида намоён килган мураккаб тарихий шахс сифатида из қолдириган.

М.А. Абдураимов ўз тадқиқотида унинг *олчин** уруғига мансуб бўлгани ҳакида ёзади ва Мухаммад Маъсум ва Мухаммад Тоҳири Воҳиднинг “Тарихи оламаройи Аббоси” асарида келтирилган маълумот асосида дастлаб ўн тўққиз ёшида Бухоро хони Динмуҳаммадхон кўлига ҳарбий хизматга киргани ҳакида баён килади¹. Демак, унинг фаолияти дастлаб ҳарбий юришларда қатнашиш, исёнларни бостириш каби ишлар билан бошланган. У Маҳдуми Аъзам силсиласига дохил бўлиб, шайх Ҳошимнинг (вафоти 1634 й.) муриди бўлган². Ялангтўш Баҳодирнинг ўзи ҳам Самарқанддаги Даҳбедда, Маҳдуми Аъзам қабрининг оёқ томонида дафн этилган.

1626 йилдан Самарқанд шаҳрини мустакил идора кила бошлаган Ялангтўш Баҳодир Нурота ҳокими оиласида туғилган. У Абдуллахон II даврида унинг хузурида 1590–1593 йилларда маҳсус ҳарбий машгулотлардан дарс олган. 1593–1595 йилларда Булунғур, Лойиш ва Каттакўрғонда туманбоши лавозимида фаолият юритган. Ялангтўш

* қозоклар, бошқирд, Қозон татарлари, Крим ва Шимолий Кавказ нўғайлари, қоракалпок ва ўзбеклар таркибига кирган қадимий йирик туркий уруг. Ўзбекистонда 1926 йилда Бухоро воҳаси (2525 нафар), Кармана атрофида (750 нафар), Қашқадарё кўйи оқимида (300 нафар) яшагани кайд этилган.

¹ Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – первой половине XIX века. Том 2. Тошкент: Фан, 1970. 39-б.

² Абу Тоҳирхўжа Самарқандий. Самария. Форсчадан А. Сатторий таржимаси. Тошкент: Камалак, 1991. 56-б.

Баҳодир 1595–1598 йилларда Бағдодда таълим олади. У ўзининг шижаоталилиги, истеъододли ҳарбий бўлгани сабабли Тошкент ва Туркистонни 3 марта ҳарбий юриш натижасида бўйсундиради. Шунингдек, XVII асрда Бобурийларга тегишли бўлган Қобул вилоятига, яна Хуросон ва бошка вилоятларга бир неча бор қилган муваффақиятли юришлари натижасида унинг кўлида жуда катта бойлик тўпланади. Тадқикотлар шуни кўрсатадики, Ялангтўш Баҳодир ана шу юришлар натижасида 3000 дан ортиқ қулларга эга бўлган. Бу қуллар Ялангтўш Баҳодирнинг кенг кўламда амалга оширган бунёдкорлик ишларига жалб этилган.

Бу барча омиллар Ялангтўш Баҳодир мавқеининг нафакат мамлакат ичкарисида, балки ҳалқаро доирада ҳам ўсишига сабаб бўлган. Унга хадя ва совға-саломлар жўнатиш худди давлат ҳазинасига маблағ ажратиш билан тенг, деб қаралган. Масалан, Ҳиндистон, Қандахор, Хуросон вилоятларидан, кирғизлар, қалмиклар ва козок йўлбошчилари томонидан, қашғар ҳонлари ва ҳатто Тибетдан ҳар йили унга қиммат-баҳо совға-саломлар жўнатиб турилган.

У шу йўл орқали тўплаган бойлигини кўшин харажати, ер мулк сотиб олиш ва бинолар қурилиши каби ишларга сарфлайди³. Масалан, М.А. Абдураимов, О.Д. Чеховичлар томонидан тадқиқ этилган тарихий ҳужжатлардан аён бўладики, Ялангтўш Баҳодир катта ер-мулкка эга бўлган⁴. Масалан, унда Ялангтўш Баҳодирнинг 1606 йилда Ҳожа Аҳрор авлодларидан Офаринкент туманига қарашли Яримтуғ ерини 4300 тангага, 1631 йилда Шахрисабздан 1100 таноб ерни 52 500 тангага сотиб олгани, шунингдек, 1645 йилда Самарқанднинг Шовдор тумонидан Ашир Күшбеки ўғилларидан катта боғ ва ер ҳарид килгани, яна шу туманинг Ҳиндувон мавзесида катта ер мулкка эга бўлгани ҳақида баён қилинади.

Унинг вакф ҳужжатида ўзи 1646–1647 йилда курдирган Тилла-кори ва 1618–1619 йилда курдирган Шердор мадрасалари учун ҳам 11 610 таноб суғориладиган ер, 8 та дўкон вакф килиб берилгани кайд этилган⁵.

³ Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений ... 39-бет.

⁴ Чехович О.Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Вып. I, Акты феодальной собственности на землю XVII–XIX вв. Тошкент, 1954. 3–7-бетлар, 24; Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений ... 39–40-бетлар.

⁵ Вяткин В.Л. О вакфах Самарканской области, Самарканд, 1912 г. Справочная книга Самарканской области. Вып. X. Т. 1912. 103-бет.

Ялангтўш Баҳодирнинг ўзи сотиб олган ер-мулкидан ташқари яна хукмдорлар томонидан берилган икто ерлари хам мавжуд бўлган. Бу ҳақида Б.А. Ахмедовнинг Балх тарихига бағишиланган тадқиқотида батафсил маълумот берилган⁶. Муаллиф “Баҳр ал-асрор” асарининг Лондонда сакланадиган нусхасидаги далилларга асосланиб ёзадики, 1640 йилда Надр Муҳаммадхон Балх вилоятига карашли Дарийи-суф худудини Каҳмерд, Молган билан бирга ва яна тулкичи, сайканчи зиренги, килеги, ҳазора-никудари каби уруғлар яшайдиган юргларни Ялангтўш Баҳодирга икто сифатида тақдим этган.

Ялангтўш Баҳодирнинг Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётида, давлат бошқаруви ва мамлакатда сиёсий барқарорликни таъминлаш соҳала-рида туттган ўрни ва бу борада амалга оширган тадбирлари хусусида кенгрок тўхталиш лозим. Бунинг учун ўрта асрларда ёзилган манбалардаги, шунингдек, Россиянинг ЦГАДА, АВПРИ (Главный архив) архивлари хужжатларидаги тарихий маълумотлар илмий муомалага тортилди. Б.А. Ахмедов, М.А. Абдураимов, О.Д. Чехович, В.Л. Вяткин каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида қайд этилган хуносалардан хам фойдаланилди.

Баъзан Бухоро хонлиги тарихида шундай воқеалар содир бўлганки, унда юз берган ички сиёсий курашлар билан бирга ташки сиёсат бир-бири билан қоришиб кетган. Буни Ялангтўш Баҳодир шахси тилга олинган тарихий воқеалар мисолида кўриб чиқамиз. Бундай тарихий далиллар Ялангтўш Баҳодирнинг Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётида қандай ўрин туттганини янада аникрок англашга ёрдам беради.

Маълумки, XVII аср бошида Бухоро хонлигига Аштархонийлар вакиллари ўртасида ўзаро таҳашиш авж олади. Бу курашнинг бир томонида давлат бошқарувида обрўсизланиб бораётган Бухоро хони *Вали Муҳаммад* (1606–1611), иккинчи томонида эса *Надр Муҳаммадхон* (1642–1645) ва кундан кун сиёсий мавкеи ошиб бораётгани *И момқулихоннинг* (1611–1642) тарафдор амирлари турар эди. Бу ҳақида тарихчи Б.А. Ахмедов “Баҳр ал-асрор” асарида келтирилган тарихий маълумотлар асосида кенгрок маълумот беради. Хуллас, ўзаро кураш жараённида 1611 йилда амирлардан Надр-бек, Бек ўғли, Муҳаммад Боки қалмоқ ҳамда Ҳожа Ҳошим (Маҳдуми Аъзам Косонийнинг набираси) лар қаторида Ялангтўш Баҳодир хам ўз ҳарбий қўшини билан Вали Муҳаммадхон томонидан И момқулихон томонга ўтиб кетади⁷.

⁶ Ахмедов Б.А. История Балха (XVI – первая половина XVIII в.). Тошкент: Фан, 1982. 47-бет.

⁷ Ахмедов Б.А. История Балха... 105-бет.

Катта ҳарбий кучга эга амирларнинг бундай қарори сиёсий курашда Имомкулихон учун ғалаба келтирган эди. Қўли қалта келган Вали Муҳаммадхоннинг эса ўз оиласи ва бир қанча амирлар билан Чоржўй орқали Эронга қочиб кетишдан бошқа чораси қолмайди. 1611 йилнинг февраль ойи охирларида бир қанча амирлар ва дин раҳнамолари **Имомқулихонни** оқ наматта ўтқизишиб хон қилиб кўтаришади. Бу нуфузли амирлар орасида бўлган Ялангтўш Баҳодирнинг таъсири жуда катта эди. Худди шу йили Надр Муҳаммадхон Балх вилоятига ҳукмронлик килишга тайин этилади. Демак, катта ҳарбий кучга эга Ялангтўш Баҳодирнинг Вали Муҳаммадхон хизматидан кетиши унинг муваффакиятсизликка учрашига сабаб бўлган бўлса, Имомқулихон томонида туриб курашиши эса унинг тахтга ўтириши учун хизмат қилган.

Воқеалар ривожининг кейинги жараёнларида ҳам сиёсий воқеалар Ялангтўш Баҳодирнинг фаол иштироки билан кечганига гувоҳ бўламиз. Масалан, Эронга шоҳ Аббос ҳузурига қочиб борган собиқ ҳукмдор Вали Муҳаммад шоҳдан Бухоро тахтини кайтариб олиш учун ёрдам сўрайди. Бунга жавобан шоҳ Аббос ўзининг 80 минг ҳарбий кисмларини Вали Муҳаммадхоннинг Имомқулихонга қарши кураши учун сафарбар этади, дейилади тарихий манбаларда⁸. Эрон қўшинининг Бухорога келаётганидан хабар топиб, чўчиб кетган ёш ва тажрибасиз Имомқулихон муваффакиятсизликка учраса Балхга қочишини мўлжаллаб, Қаршига бориб ўрнашади. Мана шу вазиятда Ялангтўш Баҳодирнинг яна асосий сиёсат сахнасига чиққанини кўрамиз. Б. Ахмедовнинг ёзишича, бу вақтда Самарқандда Ялангтўш Баҳодир вазиятни ўз назоратига олади. У Шукурбий сарой билан бирга барча амир ва руҳонийларни Эронга қарши курашда Имомқулихонни қўллаб-кувватлашга чакиради. Ялангтўш Баҳодир Қаршидан Имомқулихонни Самарқандга олиб келади. Улар умумий душман ҳужумини бартараф этиш учун биргаликда ҳаракатни бошлайди⁹. Бу ўринда гувоҳи бўламизки, Ялангтўш Баҳодир нафакат барча амирлару дин аҳлини ва ҳатто ҳукмдорни ҳам умумий душманга қарши курашда **“бошини бириктира олган”** моҳир сиёсатчи сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, бу далиллар унинг юрт тинчлиги хавф остида қолган вактда тез ва тўғри қарор чиқара олиш кобилиятига ҳам эга бўлганидан далолат беради.

⁸ Муҳаммад Юсуф мунши. Муқимханская история. Перевод с перс-таджик., примечания и указатели А.А. Семенова. Тошкент, 1956. 81–82-бетлар.

⁹ Ахмедов Б.А. История Балха ... 107-б.

Имомқулихон билан Ялангтўш Баҳодир мудофаа ишини биргалиқда бошлаган вактда Эрон кўшини Самарқанд шаҳри якинидаги Зарман мавзесига келиб тўхтаган эди. Кучлар тенг бўлмагани сабабли Имомқулихон, Ялангтўш Баҳодир ва бошқа нуфузли амирлар қозок хонлари Абулай султон ва Ишим султонлардан ёрдам сўрайди. Ёрдамга келган ҳар икки қозок султонлари ўзларининг кам сонли аскарларини Самарқандга ёрдамга жўнатиб, асосий аскарлари билан Мовароуннаҳр шаҳар, кишлекларини талашга киришади. Қизиги шундаки, Вали Мухаммадхон ҳам қозок султонларидан харбий ёрдам сўраган эди. Воеалар давомидан аён бўладики, Имомқулихон Ялангтўш Баҳодир ва бошқа амирлар ёрдамида ҳар икки душман – ҳам қозоклар, ҳам эрон кизилбошлари устидан ғалаба қозонади: Абулай султон Самарқанд атрофидаги кишлок ва мавзеларни талаб, Туркистонга қайтиб кетади. Лекин Имомқулихон ҳануз Миёнқолда турган Ишим султон хавфини бартараф этиш масаласида яна Ялангтўш Баҳодир ва Шукурбий сарой билан маслаҳатлашишга мажбур бўлади. Уларнинг маслаҳати билан Ишим султонга Тошкент, Туркистон ва унинг атрофидаги ерларни бериб, қозоклар хавфини ҳам бартараф этишга муваффак бўлади¹⁰. Демак, давлатда ташки душманлар билан бўлган курашда юзага келган танг ҳолатларда хукмдорлар тез-тез Ялангтўш Баҳодирнинг фикри билан хисоблашиб турган.

Бу вақтда Мовароуннаҳр ва Балҳда Аштархонийлар давлатининг сиёсий барқарорлигига тўсиқ бўлган яна бир тарихий шахс – Вали Мухаммадхоннинг ўғли Рустам султон масаласи ҳам Ялангтўш Баҳодир иштирокисиз ҳал бўлмайди. Б. Ахмедов тадқикотида “Баҳр ал-асрор” асарида баён қилинган бу ҳақдаги маълумотлар таҳлил қилиб ўтилган. Унинг ёзишича, собиқ хукмдор Вали Мухаммадхон Эрон томонга қочаётуб ўғли Рустам султонни Марвда қолдириб кетади¹¹. У ҳам Эрон кўллаб-куватлаб туриши эвазига Убех ва Шафелон вилоятларида жойлашиб олиб, 1612–1622 ва 1631 йиллар оралиғида Балҳ, Сейстон, Фарах, Шибирғон, Андхуй, Чечекту ҳудудларига тез-тез хужум қилиб, мамлакат тинчлигини бузиб турган эди. Надр Мухаммадхон Рустам султон муаммосини ҳал қилиш учун Эрон билан бир неча бор ўрнатган элчилик алоқалари ҳам ҳеч кандай фойда бермагач, 1623 йилда Ялангтўш Баҳодир бошчилигидаги кўп сонли қўшинни унга қарши жўнатади. Рустам султон яна Эронга кочиб кетади ва натижада

¹⁰ Ахмедов Б.А. История Балха ... 107-б.

¹¹ Ахмедов Б.А. История Балха ... 202–205-бетлар.

1631 йилгача Аштархоний хонлари у билан боғлиқ муаммодан холи бўлади.

Лекин 1631 йилда Рустам султон яна Балхнинг жануби-ғарбий худудларига ҳужум килади. Бу сафар ҳам унга карши жўнатилган ҳал қилувчи ҳарбий кучларга Ялангтўш Баҳодир бошчилик килади. Бу сафар у Меручак қальясидаги Рустам султон кучларини қамал килади ва шу йўл билан муаммони ҳал қилишга эришади. Хуллас, Рустам султоннинг Балхга хирож тўлаш шарти билан икки ўртада тинчлик битими тузилиб, қамал бекор қилинади.

Аштархонийлар давлатидаги Валимуҳаммадхон ва унинг ўғли Рустам султон билан боғлиқ ички сиёсий муаммолар ҳамда Эрон давлати билан айнан шу шахслар алокадор бўлган ташки сиёсат масалалари Ялангтўш Баҳодирнинг фаол ҳаракати билан ҳал қилинади.

Шунингдек, тарихий далиллар, аникрофи 1932 йилда чоп этилган тарихий ҳужжатлар тўпламига 40, 41, 42-рақамлар билан киритилган Россиянинг Қадимги актлар марказий давлат архивининг 1640 йилга доир учта тарихий ҳужжатларида Ялангтўш Баҳодирнинг исми тилга олинган¹². Бу ҳужжатлар Балх элчиси Хожа Иброҳим томонидан Москвага подшо Михаил Федорович хузурига олиб келинаётган расмий ёрликлар бўлиб, уларнинг мазмунидан аён бўладики, 1638 йилда Балхдан Россияяга келаётган аввалги элчилик карвони Манғишлок атрофида Дайчин бошчилигига қалмоклар томонидан таланганди. Балхдан жўнатилган мазкур ёрликларнинг иккинчисида Россия ҳукуматига ана шу қароқчи қалмокларга қарши биргалиқда курашиб таклифи билдирилган эди. Бу тарихий ҳужжатлар Б.А. Аҳмедов томонидан 1982 йилда Балх тарихига бағишлиб нашр этирилган тадқикотда ҳам таҳдил қилинган¹³. Унда агар бу таклифга “Москва ҳукумати” розилик билдиурса, Имомкулихон Эмба атрофида Ялангтўш Баҳодир (ҳужжатда унинг исмидан кейин “оталиқ” атамаси ёзилган, чунки у муайян вакт оталиқ вазифасини ҳам бажарган) бошчилигидаги ўн икки нафар амирларни 50 минг ҳарбийлари билан бирга жўнатишга тайёр эканлиги ҳақида маълум қилинган.

Демак, Ялангтўш Баҳодир нафакат Бухоро хонларига, балки қайсиdir маънода хонликка тобе бўлса-да, аслида мустақил идора этиладиган Балх ҳукмдорларига ҳам хизмат килган. Улардаги мазмун

¹² Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Вып. 3. Ч. I. Л., 1932. Док. №. 40, 41, 42. 151–154-бетлар.

¹³ Аҳмедов Б.А. История Балх... 212-б.

Ялангтўш Баҳодирнинг ҳатто Балх ҳукмдорларининг ҳам бошқа амирларга бош бўлган энг тажрибали саркардаси саналганидан далолат беради.

Бухоро хонлигида Имомкулихондан кейин таҳтга ўтирган **Надр Муҳаммадхон** даврида ҳам давлатда Ялангтўш Баҳодирнинг таъсири катта бўлган. Бу унинг ўз ҳаёти давомида иккинчи ҳукмдор билан Бухоро хонлигидаги сиёсий баркарорликни таъминлаш учун бирга ҳаракат қилганини кўрсатади. Хусусан, Имомкулихон ҳукмронлигининг охирида кексайиб кўзи ожиз бўлиб қолганида Ялангтўш Баҳодир бошчилигидаги кўпчилик амирлар Балх вилоятида ҳукмронлик қилаётган Надр Муҳаммадни Бухорога чакириб олади ва уни олий ҳокимият таҳтига ўтказишида¹⁴. Бундан кўринадики, Ялангтўш Баҳодир ўз фаолиятида давлат бошқарувидаги сиёсий баркарорликни саклашга алоҳида эътибор қаратган. Бошқарувчилик лаёқатини йўқотиб бораётган ҳукмдор ўrnига бошқа бир теран фикрловчи, соғлом шахсни қўйиш лозим, деб хисоблаган. Бу борада амалий натижаларга эришган ҳам.

Ялангтўш Баҳодирнинг кейинги ҳукмдор Надр Муҳаммадхон қўл остида хизмат қилган давридаги сиёсий, ҳарбий фаолияти хусусида Б.А. Аҳмедов “Тарих-и салатин-и мангитийа” асарида келтирилган маълумотларга асосланиб ёритиб берган. Хусусан, унинг қайд этишича, 1645 йилда Бухоро амирлари Хўжандда Надр Муҳаммадхонга карши қўзғолон кўтаради. Унга Ялангтўш Баҳодир бошчилик қилган. Қўзғолончилар ёнига битим тузишга жўнатилган Абдулазиз сultonни Ялангтўш Баҳодир бошчилигидаги амирлар туткин қилиб, Бухоро томонга юриш бошлайди ва Оқтепа деган жойда Абдулазизни хон деб эълон қилишади. Шу тарзда Бухоро шаҳри уч ой қамал қилинади ва Надр Муҳаммадхон шаҳардан чикиб кетишга мажбур бўлади¹⁵. Демак, бу мисоллардан Ялангтўш Баҳодирнинг ўз даврида хонлар ўртасидаги таҳт талашиш жараённида ва ҳукмдорлар алмашинувида ҳам ҳал қилувчи сиёсий таъсирга эга бўлганини кўрамиз.

1993 йилда нашр қилинган “Ўзбекистон тарихи”нинг 3-томида Надр Муҳаммадхоннинг ҳаж сафарига жўнаши ва бунинг айrim сабабларига доир маълумотлар мавжуд¹⁶. Хусусан, унда Надр Муҳам-

¹⁴ Аҳмедов Б.А. История Балха... 109-б.

¹⁵ Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв. (письменные памятника). Тошкент: Фан. 1985. 136-б.

¹⁶ История Узбекистана (XVI – первая половина XIX века). Том III. Тошкент: Фан, 1993. 62-б.

мадхоннинг таҳтда кўп вакт ўтиргани, фитначи амирлар Қарши атрофида шикорда юрган Надр Муҳаммадхоннинг ўрнига унинг ўғли Абдулазизни таҳтга ўткизишгани, бу вактда Ҳиндистон ҳукмдори Шоҳжаҳон Балхни босиб олгани, орадан икки йил ўтиб хоннинг яна Балхни қайтариб олгани, лекин 12 нафар ўғил ва юқори табака вакиллари билан келиша олмагани ва бунинг оқибатида хаж сафарига жўнагани, йўлда вафот этиши каби маълумотлар қайд этилган.

Бизни қизикириган масала айнан Бобурий ҳукмдор Шоҳжаҳоннинг Надр Муҳаммадхондан Балхни тортиб олгани ва бу вилоятни Бухоро хонлигига қайтариш жараёни билан боғлик сиёсий харакатлардир. Чунки айни шу жараёнларда Ялангтӯш Баҳодирнинг асосий сиёсий майдондаги фаолияти намоён бўлади. Бу ҳакида 1646 йилга доир тарихий бир ҳужжат мазмунида жуда батафсил маълумотлар қайд этилган. Россия Федерациясининг Москва шаҳрида жойлашган Қадимги актлар марказий давлат архивининг Россия–Эрон алоқаларига доир “Посольский приказ” фондидаги 2-йигма жилдан жой олган бу ҳужжат¹⁷ Балх, Хива ва Бухорога жўнатилган рус элчиси Анисим Грибовнинг ҳисоботи бўлиб, унда Ҳиндистон шохи Шоҳжаҳон билан Бухоро хони Абдулазизхон ўргасида Балх вилоятининг талаш ҳудудга айлангани ва бу талаш Ялангтӯш Баҳодир амалга оширган тадбирлар туфайли барҳам топгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Ушбу тарихий ҳужжатнинг мазмунини таҳлил килиш натижасида аён бўладики, Анисим Грибов 1646 йилнинг ноябрида Россиядан Исфаҳонга келганида у ерда Машҳаддан Эрон шохи ҳузурига жўнатилган Аллокули исмли чопар билан кўришади ва қуидаги маълумотларни айнан шу чопардан эшитиб ўз ҳисботига ёзиб қўяди. Унда қайд этилишича, Ҳиндистон ҳукмдори Шоҳжаҳон Надр Муҳаммадхондан Балхни тортиб олиб, у ерга ўз кўшинини жойлаштиради. Бундан ҳабар топган Абдулазизхон ва унинг “яқин кишиси” (ҳужжатда айнан шундай ёзилган ва унинг исми **“Ялангеш князь”** шаклида берилган) Ялангтӯш Баҳодир Бухородан Балхга келади ва шаҳарни қамал қиласи. Шу вактда Шоҳжаҳон Балхдаги ўз одамларига 30 минг ҳўқизга ортилган озиқ-овқат ва маблағ жўнатган эди. Ялангтӯш Баҳодир бу карвонни Балхга ўтказмай ушлаб қолади ва одамларини кириб ташлайди. Бу вактда Эрон шохи ҳузурига қочиб кетган Надр Муҳаммадхон Эрон

¹⁷ Из статейного списка русского посла в Балх, Хиву и Бухару А. Грибова. 1646 г. ноябрь 26 – 1648 г. не ранее июня 25. / Русско-индийские отношения в XVII в. Сборник документов. Москва, 1958, Док. №. 32. 74–82-бетлар.

кўшини билан Машҳад якинида вазиятни кузатиб турган эди. Балхда камалда озик-овқатсиз колган Ҳиндистон қўшини Надр Муҳаммадхонга яширин элчи жўнатиб, Балхга келса шаҳарни унга жангсиз топшириши ҳакида хабар беради. Бундан хабар топган Ялангтӯш Баҳодир Надр Муҳаммадхонга Балхга келмаслигини ва Машҳад якинида туришини “буюради”. Шу вақтда Балхдаги ҳиндлардан Ялангтӯш Баҳодир хузурига ҳам элчи келиб, унга Балх атрофидан тезроқ кетиши, Абдулазизхонни ҳам ўзи билан олиб кетиши, бу иши учун унга 30 минг ҳўқизга ортилган мол-мулк тақдим килиниши таклифини баён килади. Ялангтӯш Баҳодир ҳиндларнинг бу таклифига рози бўлмайди ва Балх атрофидан кетмаслигини, қачонки Балхни қайта қўлга киритса, у ердаги мол-мулк билан бирга ҳиндларнинг боши ҳам унинг қўлида бўлажаги ҳакида жавоб юборади.

Хужжатда баён қилинган воқеаларнинг кейинги ривожида Ялангтӯш Баҳодир шахсининг бошка кирралари ҳам очилиб боради. У ва Абдулазизхон Балх камалидан воз кечмай турган бир вақтда уларнинг хузурига Бухородан чопар келиб, қозоқ урдаси Янгир султоннинг Тошкентдан Бухоро ҳудудига томон кириб келаётгани ҳакида хабар беради. Шунда Балх камалида бўлган Бухоро қўшини иккига ажратилади. Ялангтӯш Баҳодир бошчилигидаги биринччи кисм Балх камалини давом эттириб, ҳинд қўшинига қарши туриш учун қолади. Иккинчи кисми эса Абдулазизхон бошчилигига қозокларга қарши туриш учун Бухорога жўнаб кетади. Шу вақтда Ялангтӯш Баҳодир билан ҳинд қўшинлари ўртасида Балх учун жанг бошланади. Кучлар тенг эмаслигини англаған Ялангтӯш Баҳодир Бухорога Абдулазизхонга чопар жўнатиб, қозоклар билан жанг қўймасдан битимга келишишни ва у билан яраш битими тузишни ва тезда Балхга ёрдамга келишини маслаҳат беради. Абдулазизхон Ялангтӯш Баҳодир кўрсатмасига биноан қозоқ султонлари билан битимга келишиб, ўзаро иттифокчиликда Балхга қозоқ қўшинларини ҳам сафарбар этилишига эришади ва Ялангтӯш Баҳодирга ёрдамга етиб келади.

Шундай килиб, Ялангтӯш Баҳодир Балх учун Ҳиндистонга қарши кураш максадида Бухоро-Қозоқ улуси ва яна Эрон ўртасидаги харбий иттифокни ташкил этишга муваффак бўлади. Ва ниҳоят кучларнинг бирлашуви натижасида Балхдан Ҳиндистон қўшинини хайдаб юборишга эришилади ва Машҳад якинида турган Надр Муҳаммадга яна Балх вилояти топширилади. Абдулазизхон ва унинг содик тарафдори Ялангтӯш Баҳодир эса яна Бухорога, қозоқ султони Янгир султон Тошкентта қайтиб кетади.

Шунингдек, Ялангтўшибий Баҳодир бошқа нуфузли амирлар каторида хонларни бирор манзилда тантанали кутиб олиш ёки кузатиб бориш жараённида ҳам фаол қатнашган. Масалан, “Баҳр ал-асрор” асари муаллифининг ёзишича, 1639 йилда Имомқулихоннинг фармонига кўра Қарши яқинидаги Файзобод кишлоғи ёнида Надр Мухаммадхонни тантанали кутиб олиш учун Нодир девонбеги, Мухаммадёрбек чухра оғаси каби нуфузли амирлар қаторида Ялангтўшибий Баҳодир ҳам жўнатилган эди¹⁸.

Хуллас, юқорида таҳлил қилинган тарихий далиллар шуни тасдиқлайдики, Ялангтўшибий Баҳодир хонлик сиёсий барқарорлиги йўлида қатъий ва тўғри қарорлар қабул қилган сиёсий арбоб, бу борада хукмдорларга тўғри йўлни кўрсата олган маслаҳатчи, кўшни давлат сиёсий доиралари билан манфаатли келишувлар ва музокаралар олиб бора олган моҳир дипломат бўлган. У катта нуфузга эга бўлган адолатли, ватанпарвар сиёсатчи сифатида бир эмас, учта аштархоний хукмдорлар – Имомқулихон, Надр Мухаммадхон ва Абдулазизхонлар даврида давлат бошқаруви, унинг хавфсизлиги ва сиёсий барқарорлигини саклаш йўлида фидокорона хизмат қилган тарихий шахсdir.

Унинг кўпқиррали фаолиятини тадқиқ этиш орқали XVI асрнинг охири ва XVII аср ўрталарида Бухоро хонлигининг сиёсий, иктисадий ва ижтимоий ҳаётини, Ўзбекистон архитектурасининг XVI–XVII асрга доир тарихини, Аштархонийлар даврида Ўрта Осиёда кечган геосиёсий жараёнлар тарихини, Ўзбек давлатчилиги тарихининг турли масалаларини, ўша даврда Бухоро хонлиги юритган ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларини янада кенгроқ ўрганиш мумкин бўлади.

Ялангтўшибий Баҳодир сингари йирик тарихий шахсларнинг фаолиятини илмий жихатдан ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилса, Республиkanинг барча таълим муассасаларида Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Ялангтўшибий Баҳодир каби саркардаларнинг ҳарбий фаолиятини ўрганиш учун алоҳида дарс соатлари ажратилса, максадга мувофиқ бўлар эди.

¹⁸ Ахмедов Б.А. История Балха ... 176-б.

Г. ТАНИЕВА

ЯЛАНГТЎШ БАХОДИРНИНГ БУХОРО ХОНЛИГИ СИЁСИЙ БАРҚАРОЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

Ушбу маколада Самарканд ҳокими, моҳир ҳарбий саркарда, сиёсатчи-дипломат Ялангтўш Баҳодирнинг (1576–1656) Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётида, давлат бошқарувида, мамлакатда сиёсий барқарорликни таъминлаш соҳаларида туттган ўрни ёритилган. У маҳаллий манбалар, Россия архивлари ҳужжатларидағи тарихий маълумотларга ҳамда бир қанча тадқикотлар хуносаларига асосланган ҳолда бажарилган.

Калим сўзлар: Ялангтўш Баҳодир, давлат бошқаруви, сиёсий, Бухоро, Аштархонийлар, Балх, ҳарбий, Эрон, қозоклар, хонлик.

Г. ТАНИЕВА

РОЛЬ ЯЛАНГТУША БАҲАДИРА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ БУХАРСКОГО ХАНСТВА

В данной статье рассмотрена роль хакима города Самарканда, искусного военачальника и политика-дипломата Ялангтуша Бахадира (1576–1656) в политической жизни Бухарского ханства, государственном управлении и в сфере обеспечения политической стабильности. Работа основана на местных письменных источниках, документах российских архивов.

Ключевые слова: Ялангтуш Бахадир, государственное управление, политический, Бухара, Аштарханиды, Балх, военный, Персия, казахи, ханство.

G. TANIYEVA

THE ROLE OF YALANGTUSH BAKHADUR IN PROVIDING POLITICAL STABILITY OF BUKHARAN KHANATE

This article considers the role of Yalangtush Bakhadur (1576–1656), who was governor of Samarkand, skilful military leader and politician-diplomat, representing his role in political life, the power management, providing political stability of Bukharan khanate. The work based on local writing sources, documents of Russian archives and number of scientific researches.

Key words: Yalangtush Bakhadur, state management, political, Bukhara, Ashtarkhanids, Balkh, military, Persia, Kazakhs, khanate.

Д. САЙФУЛЛАЕВ

**ФРАНЦИЯ ВА ГЕРМАНИЯ ДАВЛАТЛАРИ МАДАНИЙ
ДИПЛОМАТИЯСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА
ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

Маданий дипломатия тушунчаси

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, замонавий халқаро муносабатларда янги – “маданий дипломатия” тушунчаси шакллана бошлади. Маданий дипломатия маълум бир давлатнинг хорижий мамлакатлар билан маданий алокаларини ривожлантиришга, маданияти, тили ва қадриятларини тарғиб килишга, халқаро аудио визуал воситалар орқали жозибадор киёфасини яратишга хизмат киласди. Бу эса давлатнинг халқаро майдондаги таъсирини кучайишига имкон яратади. Бундай шароитларда маданият алоҳида долзарблик касб этади, маданий-инсонпарварлик сиёсати замонавий давлатлар ташки сиёсатининг ажралмас бўғинига айланади.

Замонавий ташки ва ички сиёсатда ҳар қандай ибора сингари маданий дипломатия ибораси ҳам кўлланилишида ўзининг кенг ва тор мазмунига эга. Кенг маънода у ташки маданий сиёсат сифатида кўлланилади. Бу ерда миллий маданият намуналарини яратиш ва уларни хорижий аудиторияга етказиш, шунингдек, давлатнинг ташки сиёсати маданий йўналишини кўллаб кувватлаш учун ишлаб чиқиладиган хукукий меъёрлар, мафкуравий кўрсатмалар, амалий чора-тадбирлар тизими сифатида тушунилади¹.

Гарчи “Маданий дипломатия” атамаси XX асрда муомалага кирганига қарамай, у айрим усуллари ва воситалари маданий таъсири шаклида инсониятнинг бутун тарихи давомида кўлланиб келинган. Хусусан, бу ўзга мамлакатлар худудлари турли йўллар билан эгалланганлигида намоён бўлган. Ишғол килинган худудларда куч ишлатиш билан бир каторда, давлатнинг мафкураси ва маданияти ҳам тарқатилган.

Шунингдек, давлатларнинг дипломатиясини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида ўзаро маданий муносабатлар унсури сифа-

¹ Козлов Л.Е. Культурная дипломатия как ресурс регионального развития // Ойкумена. 2017. № 1. 19-б.

тида аҳамиятли омил бўлганлигини рад этиб бўлмайди. Масалан, бундай мамлакатларнинг тасарруфида бўлган Марказий Осиё давлатлари ва худудларига назар ташланса, ўзбек дипломатияси ривожланиши тарихида маданий алмашувларда шундай унсурларни кузатиш мумкин².

Замонавий маданий дипломатиянинг институционал шаклланиши XIX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. “1871 йилда кучайиб бораётган Германия билан урушда қақшаткич мағлубиятга учраган Франция ўз худудларининг бир кисмини йўқотди. Узок вақтга қадар мустамлакалар устидан назорат килиш ва халқаро тил сифатида француз тилини илгари суришга таянган французча ташки сиёсатнинг бутун парадигмаси таҳдид остида қолди. Бу руҳи синдирилган аҳолида бетарафлик даражасининг пасайиши ташки сиёсий вазиятта ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Германия қудратининг янада мустаҳкамланиши эса, ҳарбий ўзиб кетишга бўлган ҳар кандай интилишни йўқка чиқарди. Аммо нажотбахш ечим топилди. 1883 йилда халқаро муносабатлар тарихида илк маданий институт яратилди. У “Alliance Francaise” (“Француз Иттифоқи”) номини олди. Унинг расмий таъсисчилари давлат эмас, балки хусусий шахслар эканлиги қизиқарли ҳолдир. Янги ташкилотнинг асосий вазифаси француз тили ва адабиётини хорижда оммалаштириш бўлиб, қабул қилувчи мамлакатларда тил ўргатиш курсларини очиш ҳамда француз тилидаги адабиётларни нашр килишни назарда тутган”³.

Вақти келиб француз тилининг тарқалишида ҳамда унинг Африка минтақасидаги кўплаб минтақаларда давлат тилига айланишида “Альянса Франсэз”нинг роли катта бўлди. Бу 1970 йилга келиб, Францияда 57 давлатни бирлаштирган француз тилида сўзлашувчи мамлакатлар ташкилоти “Франкофония”ни тузишга ва шу тарзда бугунги кунга қадар жаҳондаги ўз геосиёсий таъсирни саклаб колишга имкон берди. Шунга ўхшаш жараёнлар Испания сиёсатида ҳам кузатилди ва бу сиёсат оқибатида испан тилида сўзлашувчи мамлакатлар иттифоқи – “Хиспанидад” юзага келди.

² Батафсилроқ қаранг: Ртвеладзе Э., Саидов А. Ўзбекистон худудида энг қадимги даврда дипломатик муносабатларнинг ривожланиши. Тошкент, 2001; Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талкин ва таҳлил: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. Тошкент, 2016; Хидоятов Г.А. Основы дипломатии. Ташкент, 2002; Ўзбек дипломатияси тарихидан / М.М. Хайруллаевнинг умумий таҳрири остида. Ташкент, 2003; Сайфуллаев Д.Б. Формирование и развитие дипломатии Узбекистана в период независимости. Автореф. дисс... канд. ист. наук. Тошкент, 2017.

³ Павловский Б. Культурная дипломатия как инструмент «мягкой силы» и проводник национальных ценностей // <http://eurasian-studies.org/archives/2034>

Турли даврларда Россия империяси, Совет иттифоқи ва АҚШ, (хозирги вактда Хитой) томонидан бошқача ёндашув кўлланилди. Мазкур ёндашувда жамиятнинг кўп миллатлилиги боис ташки оламга узатиладиган обьект сифатида нафакат тилнинг ўзи, балки тил тузилишида ҳам мавжуд бўлган қадриятларнинг умумий тизими юзага чиқди. Бундай ёндашувни Италия ўзи учун танлади. Чунки у хорижий давлат томонидан яхши институтлаштирилган ва мувофиқлаштириладиган маданий кириш таъсирини биринчи бўлиб ўзида ҳис этди. 1889 йилда Societá Dante Allighieri (Данте Алигьери жамияти) яратилди. Унинг вазифаси факатгина Италия тилини эмас, балки “бутун италянча тамаддун”ни тарқатиш сифатида белгиланди (бир қатор европа тилларида “цивилизация” сўзи рус тилидаги “маданият” сўзига ўхшаш эканлигини таъкидлаш жоиз)⁴.

Франция давлати маданий дипломатияси

Европанинг етакчи мамлакатларидан бири – Франция маданий дипломатияга мамлакат ташки сиёсатининг устувор ўйналиши сифатида караб келган. Бу унинг жаҳоннинг кўплаб давлатлари билан дўстона муносабатларни сақлаб туришида намоён бўлмоқда. XXI асрдан бошлаб эса маданий дипломатия Франция ташки сиёсатининг асосий бўғинига айланди.

С.А. Малороссиянованинг фикрига кўра, бугунги боскичда Франция хорижда маданий сиёсат олиб боришининг аниқ ишлаб чиқилган тузилмаси ва дастурига эга бўлган ягона мамлакатdir. Айнан шу боис бу давлатда маданият ва сиёсат чамбарчас ўзаро алоқага эга⁵.

1883 йилда вужудга келган ва узоқ вакт давомида муваффақиятли ташки сиёсат олиб бораётган жамоатчилик ташкилоти сифатидаги “Альянс Франсез”нинг халқаро тармоғи жаҳоннинг 146 мамлакатида 800 дан ортиқ ташкилотларга эгадир. Турли миллатларга мансуб бўлган 500 000дан ортиқ киши “Альянс Франсез”да француз тилини ўрганмоқда⁶. Унинг фаолияти асосий ўйналишлари: маданий ҳамкорлик; университетларда талабалар ва ўқитувчилар билан алмашувни амалга

⁴ Павловский Б. Культурная дипломатия как инструмент «мягкой силы» и проводник национальных ценностей // <http://eurasian-studies.org/archives/2034>

⁵ Малороссиянова С.А. Эволюция и перспективы развития культурной дипломатии Франции // Современные научные исследования и инновации. 2014. № 3 // <http://web.snauka.ru/issues/2014/03/31654>.

⁶ “Альянс Франсез” бутун жаҳон бўйлаб фаолият юритадиган тармок. // “Альянс Франсез” ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасининг расмий сайти // <http://af-tachkent.uz/index.html>.

ошириш; бутун жаҳонда француз тилини тарқатиш; Франция маданийини оммалаштиришга йўналтирилган кўргазмалар, ярмаркалар, форумлар, фестиваллар ўтказиш; маданият, таълим ва фан соҳасида ҳамкорликка каратилган.

Француз тилини оммалаштириш билан шуғулланувчи асосий ташкилотлардан бири Франкофониядир. Ҳисоб-китобларга кўра ер куррасининг турли бурчакларида истиқомат килувчи 220 млн.га яқин франкофонлар мавжуд. Ташкилот 1970 йилда тузилган бўлиб, унинг мақсади француз тили асосида мамлакатларни жипслаштириш эди. Бу ташкилотта дунё давлатларининг уч гурухи: француз тили она тили бўлган мамлакатлар (Франция, Бельгия, Швейцария); французчада билим бериладиган мамлакатлар (Франциянинг Африкадаги собик мустамлакалари) ҳамда француз тили маданият тили саналган мамлакатлар (Арманистон, Руминия) аъзо бўлган.

Бу ерда Франция етакчи сайёхлик мамлакати эканлигини таъкидлаш жоиз. Ўзининг бой ўтмиш тарихи, анъаналари, санъат соҳасидаги ютукларига таянган ҳолда у сайёхлар учун ўта жозибадор мамлакат ҳисобланади. Турли баҳоларга кўра, ҳар йили 100 млн.га яқин киши бу ерга ташриф буюради. Француздардаги маданият ва санъатга бўлган интилиш француз дипломатиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Бу факат маданий дипломатиягина эмас, балки ўзининг назокати билан ҳам машҳур бўлган дипломатиядир. Ўз маданиятига, фан, адабиёт, тасвирий санъат ва бошка кўплаб соҳалардаги ютукларга нишбатан катта кизикиш факатгина француздарда эмас, балки бугунги Францияда истиқомат қилаётган кўплаб мигрантларда ҳам кузатилмоқда. Кўпмаданиятилик ва ўз мамлакати билан ғуурланиш Франция маданий дипломатиясининг янгича “қўнималари”ни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Франция билан Ўзбекистоннинг маданий алоқалари Ватан тарихи сахифаларидан жой олган. Маълумки, буюк аждодимиз Амир Темур Франция кироли Карл IV билан ўзаро ҳамкорликка оид ёзишмалар олиб борган. Бугунги кунда ҳам ушбу анъаналар бардавом – икки мамлакатнинг бой тарихи, адабий алоқалари, илм-фан соҳасидаги муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат килувчи қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, муваффакиятли амалга оширилмоқда⁷.

⁷ Маматова Д. Ўзбекистон–Франция: асрий ҳамкорлик изидан // Ўзбекистон миллый ахборот агентлигининг расмий сайти. // <http://aza.uz/oz/society/-uzbekiston-frantsiya-asriy-amkorlik-izidan-08-10-2018>

Франция томонидан Ўзбекистонда француз маданий дипломатиясини “Виктор Гюго” Франция маданият маркази, “Тошкентдаги француз мактаби”, “Тошкентдаги француз альянси” сингари ташкилотлар ўз фаолияти мисолида намоён этмоқда.

Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб 1997 йилда Тошкентда француз мактаби ўз фаолиятини бошлаган. Француз тилига қизиқувчиларга юқори сифатли таълим бериш мақсадида очилган ушбу мактаб бугунги кунда Ўрга Осиёдаги ягона француз мактаби саналади. 2001 йилдан бошлаб Тошкентдаги француз мактаби AEFEнинг расман эътироф этилган ҳамкоридир. Ушбу мақом нафакат французча ўқитиш моделига мосликни, шунингдек, олинадиган билим сифатини кафолатлади⁸.

Ўзбекистондаги Франция элчихонасининг ҳомийлиги остида ушбу мактаб французча давлат таълимини хорижда тарқатиш ишига хизмат килмоқда. Мазкур таълим муассасасида 100 дан ортиқ тала-балар билим олмокда. Улардан 70 фоизини Ўзбекистон фуқаролари ҳамда 10 га яқин турли миллат вакиллари ташкил этади. 20 дан ортиқ ўқитувчилар болалар боғасидан бошлаб битириув синфигача француз таълимини таъминламоқда. Шу аснода ВАС ва Brevet дипломларига муваффакиятли эришиш даражаси мактаб фаолияти бошлангандан бери 99 фоизни ташкил этмоқда. Бошланғич синфлардан бошлаб инглиз ва рус тиллари ўқитилади. Шунингдек, бутун ўқиш давомида француз тилидан ташқари 4 та хорижий тил таклиф этилмоқда⁹.

“Виктор Гюго” француз маданий маркази айни пайтда Франция тўғрисидаги хужжатларни саклаш, француз тилини ўқитиш ҳамда учрашувлар ва алмашувлар жойидир.

2016 йилда “Тошкентдаги француз альянси” нодавлат таълим муассасаси иш бошлади. Ўтган киска давр ичида (2016–2018 й.) муас-саса хузурида фаолият олиб бораётган курсларни 2000 га яқин ўзбекистонлик битирди ҳамда ҳалқаро дипломларга эга бўлишиди. Ўзбекистон сайёхлик истиқболлари кенгайиши билан ушбу муассасанинг фаолияти ҳам кенгайиб бормокда. Бу гид-таржимонлар малакасини ошириш йўналишининг иш фаолиятида кузатилади¹⁰.

⁸ AEFE (Хориждаги французча таълим бўйича агентлик) – Ташки ишлар ва Ҳалқаро ривожланиш вазирлиги назорати остидаги идора бўлиб, жаҳоннинг 137 мамлакатларидаги 495 француз мактаблари тармогини бошкаради, булардаги ўқувчилар сони 342 минг нафарни ташкил этади.

⁹ Organisation de l'école française de Tachkent // <http://www.ecole-francaise-tachkent.com/ru/>

¹⁰ Қаранг: Саидалиева Н. Узбекистан – Франция: культурный диалог цивилизаций // <https://www.uzbekistan.de/ru/nachrichten/kultur-nachrichten-/>

Фан соҳасида ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Франциядан келган археолог олимлар Ўзбекистоннинг энг қадимий ўтмишини чукур ва ҳар томонлама ўрганмоқдалар. Ўзбекистондаги Француз элчихонасининг сайтидаги маълумотларга кўра, 2019 йилнинг бошига келиб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археологик тадқиқотлар илмий маркази билан ҳамкорликда 4 та археологик экспедиция олиб борилмоқда. Бунга Самарканд шаҳридаги Афросиёб музейидаги “Элчилар” номли ўйиб ишланган тасвирни (фрескларни) қайта тиклаш ишларини киритиш мумкин. Археологик экспедициялар Франция Ташки ишлар вазирлигининг хориждаги археологик тадқиқотлар маслаҳат комиссияси орқали молиялаштирилмоқда.

Шахрисабз шаҳридаги Оксарой майдонидаги Темурийлар даврига мансуб сопол таҳтачалар ҳам Дордон департаменти Бош кенгashi ва Франция Ташки ишлар вазирлиги томонидан маблағлаштирилган ҳолда француз корхонаси SOCRA томонидан қайта тикланди. Бу ердаги ишлар икки йил давом этди ва 2014 йилнинг майига келиб яқунланди. Гишт конструкция билан химояланган сарой майдонининг бир қисми ҳозирги вактда ташриф буорувчилар учун очиқdir.

Маданий-маърифий ҳамкорлик тўғрисида сўз юритганда театр, кино ва фан соҳаларида олиб борилаётган алоқаларни алоҳида тъқидлаш зарур. Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг ташабbusи билан очилган Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ислом цивилизацияси маркази Франциянинг Шарқ мамлакатлари адабиёти ва тиллари миллий мактаби, Миллий кутубхона, Лувр, Илмий тадқиқотлар миллий маркази сингари нуфузли муассасалари билан самарали ҳамкорлик олиб бормоқда. Ҳозирги вактда Франциянинг ушбу муассасаларига Ўзбекистон олимлари ва тадқиқотчиларини юбориш ишлари режалаштирилмоқда¹¹.

Германия давлати маданий дипломатияси

Германия Европа Иттифоқидаги иқтисоди энг кудратли мамлакатdir. Ўзбекистон маданий дипломатиясида мазкур давлат ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган давлатлардан бири хисобланади¹².

¹¹ Миноваров Ш. Узбекистан – Франция: по пути культурно-просветительского сотрудничества // <http://aza.uz/ru/culture/uzbekistan-frantsiya-po-puti-kulturno-prosvetitelskogo-sotrudnichestva-01-10-2018>

¹² Каранг: Умаров С.Я. Ўзбекистон Республикаси ва Германиянинг маданий ҳамкорлиги тарихи // Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари. 2019. № 1. 129–132-бетлар.

Хозирги вактда унинг ташки сиёсати учта асосга таянади. Булар: мумтоз дипломатия, иқтисодий сиёсат ва маданий дипломатия.

Германия тажрибаси яна шуни кўрсатмоқдаки, бу ерда “юмшоқ куч” сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос тизими шаклланган. Бунинг изжочилари орасида нодавлат ташкилотлари, шунингдек, сиёсий партияларга якин бўлган жамғармалар устуворлик килмоқда. Ушбу ташкилотлар фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари федерал ва худудий бюджетлар, уларнинг ўз даромадлари, аъзолик бадаллари, турли хайрия жамғармалардан иборатdir. Мазкур ташкилотларнинг асосий фаолияти фан, маданият, таълим, иқтисодий муносабатлар ва халқаро ривожланиши соҳаларига йўналтирилгандир. Уларнинг асосий мақсадлари эса, немис тили ва маданиятини оммалаштириш, илмий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, немис маҳсулотлари, хизматлари ҳамда таълим муассасаларини халқаро майдонда манбаатли намоён этишdir¹³.

А.Г. Зиминнинг фикрига кўра, ташки маданий алоқалар билан Германия Ташки ишлар вазирилигидан ташқари (бу ерда 10 департамент ўргасида Маданий ҳамкорлик номи остидаги олтинчи департамент ҳам мавжуд) унинг топшириғига кўра маданий сиёсат билан биринчи гурухга мансуб воситачилар ҳам шуғулланади. Гёте номидаги институт, Германия академик алмашувлар хизмати (DAAD), Халқаро маданий алоқалар институти (IFA), Гумбольдт жамғармаси ва ҳ.к.лар Германиянинг энг йирик воситачи ташкилотларидир. Масалан, Гёте номидаги институт жаҳоннинг 93 мамлакатида 150 бўлинмаларига эга бўлиб, немис тили ва немис маданиятига қизикувчи барчага ҳамкорликни таклиф этади. Гёте институти хорижда немис тили курсларини, немис тили ўқитувчиларини қўллаб-қувватлашга кўмаклашмоқда. Бу институт бошқа мамлакатларда маданий тадбирлар, тадқиқотлар ва мунозаралар ўтказиши ташкил этмоқда¹⁴.

Мазкур институт Ўзбекистонда Тошкент шахрида жойлашган, унинг энг муҳим мақсадларидан бири (тилдан ташқари) халқаро маданий ҳамкорликни қўллаб қувватлашdir¹⁵. “Шунга мувофиқ Гёте ин-

¹³ Ланьшина Т.А. «Мягкая сила» Германии: культура, образование, наука // Вестник международных организаций. Т. 9. 2014. № 2. 28-б.

¹⁴ Зимин А.Г. Культурная дипломатия Германии // «Государственный советник». 2014. № 1. 137-б.

¹⁵ Гёте-институт Ташкент был основан в 1998 году согласно межправительственному соглашению. Источник: Гёте-институт: Десять лет в Ташкенте // <https://www.fergananews.com/articles/5866>

титутининг Маданий дастурлар бўлими Тошкентдаги ўзбек шериклар билан ҳамкорликда кенг миёсдаги тадбирларни ўтказмоқда.

Масалан, 2013 йилнинг 7-8 декабрида Ўзбекистонда Марк Вайнинг “Илҳом” театри, Гёте институти ва Эберт жамғармасининг кўшма лойиҳаси асосида “Love, Death & Rockn-Roll” спектакли саҳналаштирилди. Спектаклни яратишида немис маданияти арбоблари бастакор (Моритц Гагерн) ҳамда постановкачи режиссёр ва хореограф (Флориан Бильбао) иштирок этди¹⁶.

Германия ташки маданий сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ташкилотларнинг иккинчи гурухи сиёсий жамғармалардир. Конрад Аденауэр жамғармаси, Зайдел жамғармаси, Бёлл жамғармаси, Эберт жамғармаси ана шундай ташкилотларнинг энг йириклари хисобланади. Ушбу жамғармалар Германиянинг сиёсий ташкилотлари билан бевосита боғликлигини ва Бундестагда иштирок этишини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Жамғармалар одатда юридик жихатдан уюшмалар сифатида расмийлаштирилган бўлиб, Германия ва хорижда ўз оғисларига эга. Буларнинг расмий мақсади – ахолини сиёсий жихатдан маърифатли килиш, истеъододларнинг ривожланишига кўмаклашиш ва тараққиётдир. 2011 йилда федерал ҳукумат жамғармаларга 423 миллион евро ажратди¹⁷.

Моҳиятига кўра ушбу жамғармалар универсал ташкилотлар ҳисобланади. Уларнинг фаолияти хавфсизликдан тортиб, ривожланиш ва ташки маданий сиёсат соҳаларини камраб олади. Булар халқаро ҳамкорлик даражасида Германия сиёсий маданиятини “экспорт килиш”, сиёсий таълим билан шуғулланиш, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш, олий таълим муассасалари ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишни кўзда тутади. Бу билан улар ижтимоий соҳадаги муносабатларни ривожлантиришга ўз хиссаларини кўшади.

Юкорида тилга олинган жамғармалардан Ўзбекистонда Конрад Аденауэр жамғармаси ва Фридрих Эберт жамғармаси худудий ваколатхоналари муваффакиятли фаолият олиб бормоқда.

Жаҳонда халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш жамияти (GIZ) ҳамда Немис реконструкция ва ривожланиш банки (KfW) халқаро

¹⁶Theateraufführung “Love, death & rock'n'roll” // <http://www.goethe.de/ins/uz/tas/ver/de11996392v.html>

¹⁷Hans-Martin Tillack. FDP-Stiftung kassiert weiter Steuermillionen // <https://www.stern.de/politik/deutschland/trotz-wahldebakel-fdp-stiftung-kassiert-weiter-steuermillionen-3316108.html>

ривожланишга ёрдам кўрсатиш соҳасида иш олиб бораётган асосий немис ташкилотлариридир.

GIZ жаҳоннинг 130 дан ортиқ давлатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда 1992 йилдан бошлаб иш олиб бормоқда. У иктисадий ривожланиш, таълим ва саломатликни сақлашни ривожлантириш, хом ашё захираларини мувозанатлашган ҳолда бошкариш ҳамда атроф мухитни муҳофаза қилишга қаратилган. Айнан Ўзбекистонда бу вазифалар устувор ва долзарб бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 19 мингта яқин талаба немис тилини ўрганмокда. Умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган немис тили ўқитувчилари 3 мингдан зиёд. 800 дан ортиқ ўзбекистонлик талаба ва илмий тадқиқотчи Германия олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда. Илгор хориж тажрибасини ўрганиш, турли соҳадаги замонавий технологияларни Ўзбекистонда жорий этишни ўз ичига олувчи шу каби имкониятлар тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Германия академик алмашувлар хизмати, Тошкентдаги Гёте институти, Конрад Адэнауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар ваколатхоналари, Немис ҳалқ университетлари ассоциациясининг ҳалкаро ҳамкорлик бўйича институти ташкилотлари томонидан яратилмоқда¹⁸.

Шундай килиб, маданий дипломатия дунёда давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисми эканлигини таъкидлаш зарур. У маданий гуманитар соҳани камраб олиб, мамлакатни дунё маданий маконига бирлашишга йўналтиради. Албатта турли мамлакатларда ҳалкаро маданий фаолиятга давлатнинг алокадорлиги турличадир. Бу давлатнинг ривожланиш даражаси, миллий анъаналари ва мамлакатнинг маданий салоҳиятига, шу билан бирга, молиявий имкониятларига ҳамда унинг ушбу соҳадаги белгилаган максадларига боғлиқ.

Амалга оширилган таҳлилга таянган ҳолда, айтиш жоизки, жаҳонда ўз киёфасини шакллантириш ва маданиятлараро мулокотни ривожлантириш жараёнига таъсир ўтказиш даражаси алоҳида олинган ҳар бир мамлакатнинг тарихий анъаналари ва сиёсий тузилиши билан белгиланади. Бугунги кунда, маданий дипломатияни кучайтириш зарурати ҳалкаро жараёнлар вокеликлардан – глобаллашув ҳамда ахборот ошкоралигининг замонавий шароитларидан келиб чиқмоқда.

¹⁸Хусанова М. Ўзбекистон–Германия: маданий-гуманитар ҳамкорлик истиқболлари // Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий сайти. // <http://uz.aуз/oz/society/uzbekiston-germaniya-madaniy-gumanitar-amkorlik-istiqbollari-08-02-2019>

Д. САЙФУЛЛАЕВ

Д. САЙФУЛЛАЕВ

ФРАНЦИЯ ВА ГЕРМАНИЯ ДАВЛАТЛАРИ МАДАНИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Мазкур мақолада Франция ва Германия мисолида замонавий давлатлар ташки сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири – маданий дипломатиянинг шаклланиши ва ривожланиши, амалиётда қўлланилиши фанлараро ёндошув асосида таҳлил қилинади. Мақоланинг хронологик доираси кисман XIX асрни камраб олса, асосий кисмидаги эса XX–XXI асрларнинг етакчи Farb мамлакатларининг маданий дипломатияни ривожлантиришдаги ёндошувлари ўрганилган. Тадқикотда иккى мамлакатнинг ҳозирги даврда ташки маданий сиёсатининг ўзига хос ҳусусиятлари ва ушбу давлатлар билан Ўзбекистоннинг маданий алмашинув соҳасидаги ҳамкорлиги ёритилган.

Калит сўзлар: Ташки маданий сиёсат, маданий дипломатия, Франция, Германия, фан, таълим, глобаллашув, Ўзбекистон, ривожланиш, сиёсат, оммавий маданият.

Д. САЙФУЛЛАЕВ

КУЛЬТУРНАЯ ДИПЛОМАТИЯ СТРАН ФРАНЦИИ И ГЕРМАНИИ И ЕЕ РЕАЛИЗАЦИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

В статье на основе междисциплинарного подхода анализируются вопросы формирования и развития одного из важных векторов внешней политики современных стран на примере Франции и Германии – культурной дипломатии. Хронологические рамки статьи охватывают частично XIX век и в основной части исследуются проблемы развития культурной дипломатии на примере ведущих западных стран в XX и начале XXI века. В работе, на примере двух стран, рассматриваются характерные особенности их внешнекультурной политики на современном этапе и сотрудничество этих государств в области культурного обмена с Узбекистаном.

Ключевые слова: внешнекультурная политика, культурная дипломатия, Германия, Франция, наука, образование, глобализация, Узбекистан, развитие, политика, массовая культура.

D. SAYFULLAEV

CULTURAL DIPLOMACY OF FRANCE AND GERMANY AND IT'S IMPLEMENTATION PROCESSES IN UZBEKISTAN

The article analyzes the issues of formation and development of one of the important vectors of foreign policy of modern countries on the example of France and Germany – cultural diplomacy on the basis of interdisciplinary approach. The chronological framework of the article covers part of the 19-th century and the main part explores the problems of cultural diplomacy on the example of the leading Western countries in the 20-th and early 21-th centuries. In the work, there are considered on the example of two countries, the characteristic features of their foreign cultural policy at the present time and cooperation of these states in the field of cultural exchange with Uzbekistan.

Key words: Foreign cultural policy, cultural diplomacy, Germany, France, science, education, globalization, Uzbekistan, development, politics, mass culture.

Данная статья посвящена анализу проблем формирования и развития одного из важнейших векторов внешней политики современных стран – культурной дипломатии. На примере Франции и Германии, как двух ведущих стран Западной Европы, исследуются характерные особенности их внешнекультурной политики в настоящее время и взаимодействие этих государств в сфере культурного обмена с Узбекистаном. В работе рассматриваются вопросы формирования и развития культурной дипломатии в Европе в XIX веке, а также ее становление в Германии и Франции в XX веке. Особое внимание уделено проблемам реализации культурной дипломатии в Узбекистане в настоящее время.

Тарих хүрэснэгийн тилийн түүх

Н. АЛЛАЕВА

XIX АСР ЎРТАЛАРИДА ЎРТА ОСИЁДАГИ СИЁССИЙ ВАЗИЯТ ВА УНИНГ РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАРДА АКС ЭТИШИ

XIX аср ўрталари Марказий Осиё минтақасыда юзага келган сиёсий вазиятни белгилаган асосий омиллар сифатида Қозок даштларыда Россия – Хива хамда Хурсонда Эрон, Хива ва Бухоро хонликлари манфаатларининг тўқнашуви, шунингдек, Ўрта Осиё масаласида Россия ва Англия империялари ўртасидаги ракобатнинг кучайиши, рус хукумати кўшинлари томонидан харбий харакатларнинг бошлаб юборилганлигини кўрсатиш мумкин.

Үрта Осиё хонлуклари ташқи алоқаларининг характерига катта таъсир кўрсатган ва айникса, бу даврда кучайган “Россия омили” Хива хонлиги ва Қозоқ жузлари ўртасидаги алоқаларда яққолроқ намоён бўлган эди. Муаммо шунда эдикни, рус фуқаролигини кабул килган Кичик қозоқ жузи ва Сирдарё бўйларидағи бир қанча қозоқ уруғларини Россия империяси хукумати “бизнинг қозокларимиз” деб карасалар, тарихан Хива хонлиги таркибида ёки унга туташ бўлган ушбу худудларга Хива хонлари ўз даъволарини билдириб, бу ерлардан солиқ (закот) олишни давом эттиришар эди.

Дашти Кипчоқда ўзаро хокимият учун кураш олиб борган қозоқ султонлари ва сардорлари ҳам аксарият ҳолларда Хива хонидан мадад олишга интилишган. У ерда Россия империяси харбий харалатларининг фаоллашуви эса, миллий-озодлик курашларининг авж олишига сабаб бўлган эди. Бу курашларда қозоқ султонлари ва қабила бошликлари Хива хонларини ўзларига ишончли иттифокчи, деб билгандар.

Н.И. Веселовский, икки худуд муносабатларида учинчи томоннинг манфаатлари борасида фикр билдирад экан, Оллокулихон даврида (1826–1842) Россия империясининг Хива хонлиги билан ўзаро муносабатлари анча тарапглашгани, хоннинг “қозоклар иши”га ара-лашуви ҳамда рус фукароларининг асир килиб олиш холлари рус ху-

кумати томонидан унга қарши кескин чораларнинг кўрилишига сабаб бўлганлигини таъкидлайди¹.

Жанубий ва жануби-гарбий чегара худудларида эса, Эрон давлатининг Россия империяси билан бевосита Ўрта Осиё хонликларининг тақдирини ҳал қилиш² борасидаги иттифоқчилик харакатлари жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин эди.

Бундай шароитда учта Ўрта Осиё хонликлари рақобат ва душманлик йўлини тутмасдан, бирлашиб, ўзаро ҳамкорликни кучайтиришлари лозим эди. Худоёрхонзоданинг “Анжум ат-таворих” асарида келтирилган Кўкон хони Олимхон (1798–1810)нинг минтақада юзага келган вазият борасидаги фикрлари, унинг айнан шундай иттифоқчиликка бўлган интилишини ифодалайди: “...баъзан [хоннинг] гавҳар сочувчи тилидан шундай сўзлар томардики: бу кичик мамлакат, яъни Фарғона, Бухоро ва Хоразм бир нечта хонни сиғдира олмайди. Бу виляятларнинг хонлари ва амирлари ораларидан бир нафарни улуғлик ва раҳбарликка танлаб, иттифоқ билан ҳукumat тузишлари лозим. Бу фикр ва мулоҳазалар билан тўла мактубларни ёзиб у кўшни хонлар ва умароларга юбориб, уларни иттифоқ ва бирлашишга даъват қиласади. Хоразм хони бу таклифларни қабул килиб, Бухоро амиридан хали жавоб келмасдан, умри бу мақсадларини рўёбга чиқариш учун унга вафо килмади”, деб кайд этилган манбада³.

Ана шундай вазиятда ўз даврига хос турли усууллардан фойдаланган Ўрта Осиё ҳукмдорлари вазиятта қараб, давлат мустакиллигини

¹ Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. Спб., 1877. 309-б.

² Россия мухтор вазири томонидан таҳминан 1839/1840 йилда Эрон Ташки ишлар вазирилигига [Мирзо Маъсудхонга] юборилган “Хива хонига танбех бериш” деб номланган мактубда икки давлат, яъни Эрон ва Россия империясининг “Хива хони ҳамда унинг кўл остидаги ўзбошимча улус ва элларни тартибга чакириш борасида” ўзаро ҳамкорлик қилиш масаласи ўргатга ташланган. Мактубда рус кўшинлари томонидан Хива хонлигига режалаштирилаётган юриш борасида фикрлар келтирилган бўлиб, “узокни кўра билгувчи икки давлат (яъни Эрон ва Россия) ўртасидаги иттифоқ ва келишувда нималар назарда тутилиши”ни, жумладан Амударёнинг жанубий томонидаги чегарадош худудлар тақдирини ойдинлаштириб олиш масаласи ҳам кўтарилиган. Қаранг: Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэк-и аз Осиё-йи Марказий (Эроннинг Марказий Осиё минтақаси билан ўзаро алокаларига доир ҳужжатлар) / Нашрга тайёрловчи Мухаммад Ҳасан Қовусий Ироқий: Эрон Ташки ишлар вазирилиги “Сиёсий ва ҳалқаро тадқиқотлар бўлими”нинг ҳужжатлар нашриёти идораси. Техрон, 1372. 20-хужжат. 129-б.

³ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих (тариҳлар юлдузлари) / Форс-тожик тилидан таржимон Ш. Воҳидов. Масъуль мухарир. Ҳ. Бобобеков. Тошкент, 2010. 146-б.

сақлаб қолиши, Россия империясининг тазийклари, хатто куролли таҳдидларини қайтариш ҳамда мамлакатнинг иктисадий имкониятларини кенгайтириш, ўз ўрнида хукмрон доираларнинг моддий манфаатларини ҳимоя қилиш ва хон ҳазинасини тўлдириш йўлида кенг миқёсли сиёsat олиб борганлар.

XIX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, Россия империясининг Ўрга Осиёдаги ҳарбий ҳаракатлари фаоллашиши билан учта хонлик ўртасидаги алокалар характеристида ўзаро ёрдам, рус қўшинларига карши курашда ҳамкорлик қилиш масаласи олдинги ўринга чиккан эди. Бундай ҳолатлар маҳаллий “Солномалар”да бўлгани сингари, турли архив хужжатларида ўз аксини топган.

Хусусан, 1853 йил 30 апрелда Россия империяси хукуматининг агентура хабарларида келтирилган расмий баёнотга кўра, қўқонликлар руслар томонидан курилаётган кемалар ҳакида хабар топгач, баҳорда ўзларининг кальяларига уларнинг ҳужум уюштириши мумкинлигидан хавотирга тушиб колишган. Шу боис, Хива ва Қўқон хонлари тинимизиз равишда бир-бирларига элчи юбориб, рус қўшинларига карши итифоқ бўлиб курашиш максадида дўстона алокаларни мустаҳкамлашга интилаётганларни хужжатда қайд этилган⁴.

Россия империяси қўшинларининг 1853 йилдаги ҳарбий ҳаракатлари Хива хонини ҳам хушёр тортирган эди. Россия архив хужжатларида келтирилишича, бу ҳолатда Хива хони ўзининг хавфсизлигини таъминлаш максадида Бухоро амирига элчи юбориб, қариндошлик ришталарини боғлашга ҳаракат килган. Хусусан, Хива хони амирнинг қизини ўғлига сўраган, агар у розилик бермаса, ўзининг қизини амирнинг ўғлига узатишга тайёр эканлигини билдирган⁵.

В. Перовскийнинг 1853 йилдаги Ўрга Осиёга қилган ҳарбий юришида таржимон сифатида ҳамроҳ бўлган Искандар Батыршин ўз “кундалиги”да қўшни хонликлар ўртасидаги муносабатлар ҳакида маълумот берар экан, “Хива хони ўзининг элчиси Мяд-Шериф (Муҳаммад Шариф)ни Бухоро амирининг қизига совчиликка юборган”лигини кўрсатиб ўтади. У ерда қайд этилишича, Бухоро амири айни вақтда Хива хонига курашда ёрдам сўраб мурожаат этган Марв турк-

⁴ Записка о происшествиях в степи, о среднеазиатских владениях. 30 апреля 1853 г. // Материалы, относящиеся к Хиве и Кокане / Архив Востоковедов Института восточных рукописей РАН (Санкт Петербург). Фонд В.В. Григорьева: ф. 61, 1-р., 14-й.ж., 57–58-вараклар.

⁵ Ўша жойда.

манларига 500 түя ғалла, порох ва кўрғошин юборган. Бу вактда Бухорода турган Хоразм элчиси Мухаммад Шариф ушбу хабарни дархол Хива хонига етказган ва у маҳсус куролли гурухни йўллаб, ёрдамга бораётган 500 туядан иборат карвонни талон-тарож қилишга буюрган. Ушбу воеа қандай натижа билан якунланганлиги маълум эмаслигини қайд этган Искандар Батыршин: “Бухоро амири билан қариндошлиқ ришталарини боғлаш орқали руслар [хукумати]га қарши ўз кучларини мустахкамлаб олишга умид килган Хива хони “марвликларга кўрсатган ёрдами туфайли Бухоро амиридан кўнгли совиб, “совчилик” иши ҳам амалга ошмади”, деб маълумот беради⁶.

Урал қальясининг бошлиғи капитан Михайловнинг 1853 йил 4 майда Оренбург корпуси штабининг бошлиғига берган ҳисоботида ҳам Кўқон ва Хива хонлари Бухоро амири билан яқин алоқа ўрнатиш харакатини олиб бораётганликларига урғу берилган⁷.

Хонликлар ўргасидаги ўзаро элчилик алоқалари Оғаҳийнинг “Шоҳиду-л-икбол” асарида атрофлича баён этилган. Ҳусусан, манбада 1864 йил кузида Хоразмга юборилган Кўқон элчиси “ўрус лашкари Туркистон қальясин ғалаба била олғонин хабарин келтуруб кўмак тилади”, деб маълумот берилади⁸. У ерда баён этилишича, кўп йиллардан бери рус кўшинлари Сирдарёнинг шимолий тарафини ўзларига маскан килиб, ҳар йили “ўрусадин фавж-фавж лашкар келиб аларга кўшулуб, ҳисобсиз кўб бўлмиш эрди” ва охири бу катта қўшин Оқмасжид қальясини камал қилишга киришган. Туркистон вилоятини кўлдан бой берган Кўқон хони “бир кишини сафорати расмий била йибориб, Хоразм подшоҳи ва Рум халифасидин мадад ва кўмак тилаш”га карор килган. Шу тарика, Хива хони Сайид Мухаммад Баҳодирхон номига бир нома битиб, “тазаррӯй (зорланиш, ёлвории) ва тахашшувь (тавалло) изҳор қилган” ҳолда кўмак сўраган.

Кўқон элчиси ўзига берилган вазифага кўра, Усмонийлар сultonни хузурига ҳам бориши лозим эди. Шу боис, Хивада хордиқ чиқариб, муносиб навозишлардан баҳраманд бўлган Кўқон элчиси Рум (*Туркия*)

⁶ Краткий дневник, веденный переводчиком Искендером Батыршиным во в ремя похода на Акмечеть. 1853 г. // История Казахстана в документах и материалах: Альманах. Вып. 2. Астана, 2012. 308-б.

⁷ Записка о происшествиях в степи, о среднеазиатских владениях ... ф. 61, 1-р., 14-й.ж., 70-варак.

⁸ Мухаммад Риза Эрниёзбек ўғли Оғаҳий. Шоҳиду-л-икбол (Иқбол шаҳодати) / Нашрга тайёрловчи Н. Шодмонов. Тошкент: Мухаррир, 2009. 47-б.

сафари учун рухсат сўраган. Хон унга сафар учун лозим бўлган барча нарсаларни бериб, Хурросон тогигача кузатиб қўйишни буюрган⁹.

Ушбу воқеалар ҳакида бевосита, ЎзР МДА “Хива хонлиги девонхонаси” фондида сакланувчи 1864 йил санаси билан қайд этилган Кўкон хони Султон Сайидхоннинг Хива хонига йўллаган мактуби оркали ҳам маълумотга эга бўлиш мумкин. Унда Кўкон хони рус аскарларининг “(куфра-йи Урусия) Уч Олмати тарафидин хуруж килиб, Авлиёта кўргонин олиб ва яна Оқмасжид тарафидаги Туркистон кўргонин олди деб, дорулсалтана Хўқандда эшишиб ... шарийат хукми била ғазот қилмокни фарз-и айян билиб”, Чимкентга кўшин тортганлигини маълум қилган. Мактубда бўлган ҳодисаларни Усмонли Турк султонига етказиш ва у билан иттифоқчилик килиш мақсадида элчи юборилаётганлиги хабар берилиб, Хива хонидан элчини ўз худудларидан ўтказиб қўйиш сўралган. Хусусан, мактубда “...бул ҳодисотларни Сиз биродаримизға эълом (маълум) қилиб, содатпаноҳ эшон Сайид Яъкубхўжа нақиб қози калонни ирсол этиб (юбориб), бу маҳораба ва мақотилаларни бир-бир баён этиб, жаноб халифа ал-раҳмон Султон-и Румға арзадошт айлаб, элчи килиб юбордук ... меҳрибон бўлуб, жаноби мазкурни ... эсон-омон халифа хизматлариға ўткариб юборсалар курсандлик ҳосил бўлур” деб қайд этилган¹⁰.

Кўкон хонлигига юборилган Хоразм элчиси Дўст Ниёз маҳрам билан содир бўлган воқеа ўша давр минтақадаги умумий сиёсий вазият ҳакида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Хива хони Сайид Мухаммадхон вафотидан бироз илгари Хоразмга ташриф буюрган Кўкон элчиси кўп “навозишу бахшиш”ларга сазовор бўлгач, Дўст Ниёз маҳрам¹¹ ҳамроҳлигига Кўкон хони ҳузурига юборилган эди. Султон Сайидхон бу мактубни олгач, хурсанд бўлиб, Дўст Ниёз маҳрамга бениҳоя хурмат кўрсатиб, харажатига муносиб маблағ ажратган. Бир неча муддатдан сўнг, Кўкон хонининг ихлосномасини олиб йўлга чиқкан Хоразм элчиси иттифоқан, йўлда Чинос (Чиноз) қалъасини қамал қилиб турган рус кўшинларига учраб, асир олинган. Дўст Ниёз маҳрамни икки кун хибсда ушлаб туришгач, Туркистонда рус губернаторининг олдига олиб келишган ва унинг Хива хони элчиси эканлиги аниклангандан сўнг озод этилган. Манбада “тубурнотур зарурат

⁹ Муҳаммад Риза Эрниёзбек ўғли Огахий. Шоҳиду-л-икбол ... 48-б., 52-б.

¹⁰ Кўкон хони Султон Сайидхоннинг Хива хонига мактуби (1281/1864) / ЎзР МДА. Ф. И-125. 2-р., 240-й.ж.

¹¹ Хонликларда саройнинг юкори даражадаги амалдори.

юзидин таъзиму такрим кўргузди ва бир неча кун эъзоз ва икром била меҳмондорлиғ қилғондин сўнг, Хоразм диёрининг азиматига (*кетишига, ҳаракатланишига*) ижозат берди”, деб қайд этилган¹². Рус губернаторининг Хоразм элчисига “зарурат юзасидан” кўрсатган эҳтироми мушоҳада қилиб кўрилса, бунинг ўзига яраша сабаблари бўлганлигини англаш мумкин. Зоро, Ўрта Осиё хонликларини бир-биридан ажратган ҳолда алоҳида, боскичма-боскич забт этишини режалаштирган рус хукумати тарихан ўзларини анчагина мушкул вазиятларга солиб кўйган Хива хони билан ҳарбий тўқнашувга ҳали фурсат етмаганлигини яхши билар эди. Шу жихатдан, губернатор Хива хони номига “муҳаббат ва дўстлик” изҳори битилган “садоқатнома”ни “подшоҳона ҳадялару мулукона тухфалар” билан элчига топшириб, кетишга руҳсат берган. Рус генерали ўзининг “дўстлик ва ихлосмандлигин еткуриш”ларини сўраб, элчи ва унинг ҳамроҳларига, ҳатто барча хизматкорларига “оту сарупой бериб”, сафар учун лозим нарсаларни муҳайё қилиб, ўзининг мўътабар кишиларидан кўшиб, Оқмасжид ва Сирдарёдан ўтказиб, кузатиб кўйишни буюрган эди¹³.

Саидхўжа ўрок¹⁴ бошчилигида Хоразмга ташриф буюрган Бухоро элчилиги ҳакидаги маълумотлар мавжуд вазият борасида атрофлича мушоҳада қилишга имкон беради. “Шоҳиду-л-икబол” асарида келтирилишича, Хива таҳтига Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910) ўтирган вақтда Бухородан Саидхўжа ўрок Бухоро амири Музаффарнинг Кўкон хонлигини ўз хукмронлиги остига олганлигини “суюнчилатиб” келган эди. Оғаҳийнинг маълум қилишича, ушбу жараён бевосита Кўкон хони ҳамда аксарият юқори табақа вакилларининг розилиги ва ўзаро келишувига кўра, амалга ошган эди. “Шоҳиду-л-икబол”да кўрсатилишича, рус лашкарининг хужумидан ваҳимага тушиб, “нединким, ўрус қўлиға гирифтор бўлғонимиздин [кўра] анга мутобаат кўргузгонимиз яхшироқдур” деб, Бухоро амирининг кўл остида бўлишни афзал билган Кўкон хони ва *аркони давлат* Бухоро амирига мактуб йўллаган эди¹⁵. Вокеаларнинг бундай тус олишидан жуда мамнун бўлган Бухоро ами-

¹² Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Оғаҳий. Шоҳиду-л-икబол ... 60–62-бетлар.

¹³ Ўша жойда. 62-б.

¹⁴ Ўрок – вакф мулкларини бошқариш ва назоратига масъул, сайидлардан бўлган амалдор. Амалининг аломати саллага тақалтан ўрокча бўлган. Қаранг: Оғаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат (Хива хонлиги 1856–1864 йилларда) / Масъул мухаррир Ш. Воҳидов. Тошкент, 2012. 245-б.

¹⁵ Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Оғаҳий. Шоҳиду-л-икబол ... 66-б.

ри таклифни қабул қилган ва Кўқон хонлиги таҳтига бу вақтда ўзининг мулозаматида юрган (собик Кўқон хони) Худоёрхонни ўтказган.

Рус хукуматининг агентура хабарида ҳам “...эшитишимизча, Кўқон хони Худоёрбек Бухоро амирига иккита элчилик юбориби. Биринчи элчилик орқали ўзининг Бухоро тобеълигини қабул қилишилигини маълум қилиб, амирдан қўшин билан Кўконга етиб келишини сўраган”, деб қайд этилган¹⁶. Бухоро амири бу таклифни қабул қилганигини хабар қилган рус амалдори бундай ҳолат илгари ҳеч қачон бўлмаганлиги ва ҳеч бир хукмдор ўз мамлакатини ўз хоҳишига кўра бошқасига топширмаганлигини таъкидлайди. Кўқон хонининг Бухорога юборган иккинчи элчилиги борасида “у шунчалик салобатлики, совғалар ортилган туялар карвони беш верстга¹⁷ чўзилиб кетган”, – деб баён этилади.

Бухоро амирининг ғалабасини “суюнчилаб” келган мазкур элчиликнинг моҳиятига изоҳ берар экан, Оғаҳий дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларининг ўзига хос коидаси борасида Амир Музаффар ва Муҳаммад Раҳимхон II ҳамиша яхши муносабатда бўлиб, “хар турлук воқеъя зухурға етса, бир-бирига эълом ва инҳо қилур эрдилар”, деб мулоҳаза билдиради.

Бу даврда икки томон алокаларини йўлга қўйишда *Хива элчилари* Ҳожи Мұхтор, Мусо мутаваллий, Аваз Ниёз маҳрам ва *Бухоро элчиси* Саидхўжа ўрокларнинг ўз ўрни бўлган.

Хоразм элчиси Аваз Ниёз маҳрамнинг 1867 йилдаги элчилиги етти ойга чўзилиб кетган эди. Бунга сабаб, рус қўшинларининг Тошкент орқали Сирдарёдан ўтиб, Бухоро хонлиги худудларига юриш бошлаганида эди¹⁸.

Шу тарика, турли вазиятда ҳар бир муҳим деб хисобланган хабар ва янгиликларни етказиб туриш ҳамда хушхабарларни “суюнчилатиши” ва уларнинг “муборакбодлифи” учун Хива – Бухоро ўртасида деярли мунтазам равишда элчиликлар алмашиниб турган.

“Шоҳиду-л-иқбол”да 1867/1868 йилда Бухорога юборилган Муҳаммад Ниёз девонбегининг “баъзи русуми мулкия ва умури зару-

¹⁶ Записка о происшествиях в степи, о среднеазиатских владениях ... ф. 61, 1-р., 14-й.ж., 57–58-вараклар.

¹⁷ верст ёки верста 1918 йилда янги метрик тизим жорий этулгунига кадар амалда бўлган эски рус узунлик (масофа) ўлчов бирлиги. Турли даврларда ўзгариб турган: 1 В. = 500 саженъ = 1,0668 км.

¹⁸ Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Оғаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... 98-б.

рия” келишуви учун борганлиги қайд этилган. Муҳаммад Ниёз девонбеги Бухорога етиб борганда, Амир Музффар рус кўшини билан бўладиган жангта тайёргарлик кўриш мақсадида Кармина вилоятига кетган эди. Унинг ташрифидан хабар топган амир ниҳоятда хурсанд бўлиб, дарҳол уни Карминага келтиришни буюрган. Хоразм элчиси билан дилдан сұхбат қурган амир, унга алоҳида хурмат кўрсатган. Манбада қайд этилишича, Девонбеги бир неча муддат у ерда бўлиб, ҳар куни амирнинг мажлисига бориб, “умури зарурийи мамлакат ва рафоҳият-и фуқаро ва раият” борасида музокаралар олиб борган¹⁹. Айни вактда содир бўлиб турган воқеалардан келиб чиқиб, икки ўргадаги музокара ва маслаҳатнинг бош мавзуси бу – Россия империясининг Ўрта Осиёга юриши масаласи эканлиги, жумладан мамлакат ва фуқароларнинг аҳволи борасидаги чора-тадбирлар мухокама қилинганлигини англаш мумкин.

Бухоро амири Музффар рус кўшинларидан енгилиб, Россия империяси билан тинчлик сулхини тузгандан кейин, унинг катта ўғли Абдулмалик Катта тўра бошчилигига нуфузли амирлар ва дин пешволовари Амир Музффардан норози бўлиб, унга қарши бош кўтаришган эди. Амир эса, исёнчиларни бўйсундириш учун рус хукуматидан ёрдам сўраган. Шу боис, Бухорода қола олмаган Абдулмалик Катта тўра Шахрисабз ҳокимига “Ўруслга бораман”, деб хийла ишлатган ҳолда 400 дан кўпроқ отлиқ билан Шахрисабздан чикиб, Хива хонидан химоя сўраб келган эди.

ЎзРМДА “Хива хонлиги девонхонаси” фондида сақланувчи хужжат 1868/1869 йилда Абдулмалик Катта тўранинг Хива хонига йўллаган мактуби бўлиб, унда отаси билан муносабатларининг бузилиши хакида атрофлича баён этган. Хусусан, унда Бухоро шаҳзодаси отаси “кўффор ашрор Самарқанд вилоятини мўсаххар (забт, истило) этгандин сўнгра ... ғанимпеша шайтанат андишаларни сўзиға кириб, ... бадгумон бўлуб, ота болалиғ риштасин bemўрдатлиғ олмоси ила узиб ... Русияга инкиёд (иттоат) этиб, жаҳолат ва қабоҳат шароити”ни ҳосил қилганлиги боис, Бухородан чикиб кетганлигини маълум килган²⁰.

Оғаҳий Бухоро шаҳзодасининг ташрифини “воқеаи таажубафзо” (таажубланарли), деб таърифлар экан, бу хабар келиши билан Хива

¹⁹ Ўша жойда. 208-б.

²⁰ Бухоро амирининг тўнгич ўғли Сайийд Абдулмалик (катта тўра)нинг Хива хонига ўз отаси амир Музффарга қарши исён кўтаришининг сабаблари ва кўмак сўраш борасидаги макуби / ЎзР МДА, ф. И-125, 2-р., 229-й.ж., 1-варак.

хони бениҳоя шафқату мурувват юзасидан “султон сўнгакин хор килмас” деган мақолга кўра, унинг “подшоҳзодалигини эътиборга олиб, иззату ҳурмат шароитин бажо келтуруб”, кутиб олиш учун юқори мартабали амирлардан Муҳаммад Ризо оталиқ ва Муҳаммад Ниёз девон-бегиларни пешвоз чиқишига буюрганигини маълум килади²¹. “Шоҳиду-л-икбол”да Хива хони Бухоро шаҳзодасига шу қадар “дилдорлиғлар ва дилжўйлиғлар килди, ҳеч ато (*ота*) ўз ўғли ҳақида анинг мингдин бирин килмамиш эрди”, деб таъкидланади²².

Аммо, асардан маълум бўладики, Абдулмалик Катта тўра Хоразмда уч ой тургандан сўнг, Марвдаги туркманлар орасига кетган. Яратилган барча шароит ва кўрсатилган ҳурмату эътиборга қарамай, шаҳзоданинг Хоразмда қолишни истамай чиқиб кетганлиги “Шоҳиду-л-икбол”да анча батафсил баён этилган. Ҳусусан, у ерда изоҳ берилишича, “шаҳзода ёшлиқ ва ҳавасмандлик юзасидан беандишилик килиб”, Хива хонини ўзининг отаси Амир Музаффар билан душманликка тарғиб этган ҳолда, Бухорога юриш уюштириб, отаси билан жанг килиш учун қўшин сўраган. Муҳаммад Раҳимхон II ёш шаҳзоданинг бу истагини рад этиб, уни бу йўлдан қайтаришга ва отаси билан яраштиришга ҳаракат қиласа-да, Марв томонга чиқиб кетган²³.

Мазкур воқеалар Бухоро тарихига бағишланган Мирза Абдулазим Сомийнинг “Тарих-и салотин-и Мангития” асарида бутунлай фарқли тарзда баён этилган. Ҳусусан, унда келтирилишича, “Бухородан қочиб Хоразмга келган Тўра, Урганч хонидан ўзи кутган олийжаноблик ва одамгарчиликни кўрмаган”²⁴. Шунга қарамай, мажбурликтан у ерда бир неча кун тургач, ўзининг хизматида бўлган Абдулкарим тўқсобани Бухоро хонига юбориб, гуноҳидан ўтишни сўраган. Бундан натижага чиқмагач, Абдулмалик тўра Хоразмда қолмай, Чоржўйга йўл олган. Лекин, Бухоро амири билан муносабатларини бузишни истамаган маҳаллий ҳокимлар Абдулмалик тўрани кўллаб-кувватлашмаган. Бухоро шаҳзодаси ҳеч кимдан ёрдам ололмагач, қочиб Балхга, ундан Афғонистонга ўтган ва охир-оқибатда Пешовардаги инглиз хукумати қарамоғидан жой олиб, умрининг охирига қадар у ерда яшаб қолган²⁵.

²¹ Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огахий. Шоҳиду-л-икбол ... 220-б.

²² Ўша жойда. 221-б.

²³ Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огахий. Шоҳиду-л-икбол ... 221–222-бетлар.

²⁴ Мирза Абдалазим Сами. Тарих-и салатин-и мангития (история мангитских государств) / Перевод и примечания Л.М. Епифановой. М., 1962. 103–106-бетлар.

²⁵ Мирза Абдалазим Сами. Тарих-и салатин-и мангития ... 109-б.

Келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, айни Ўрта Осиё масаласида инглиз-рус ракобати авж олган ва уларнинг бу худудларга нисбатан мустамлакачилик ҳаракатлари кучайган бир пайтда Хива, Бухоро ва Кўкон хонликлари ўзаро ҳамкорлик қилиш ўрнига, Эрон, Россия ва Англия давлатлари вакилларига бир-бирларини ёмонлаш йўлини тутган эди. Бу эса, уларнинг заифлашиб, ташки душманга карши турла олиш кобилиятини йўқотишига олиб келган. Иттифоқчилик қилиш учун ўзаро элчилик алмашинувлари йўлга кўйилганда эса, анча кеч бўлган, вазият қўлдан бой берилган эди. Бу борада расмий хужжатлардаги маълумотларни сарой солномалари тарзида битилган ёзма манбалар билан қиёслаб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу оркали Ўрта Осиёдаги учта хонлик ўртасидаги муносабатларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари ҳамда минтакадаги сиёсий вазият, шунингдек, ички ва ташки таъсирлар масаласи ҳакида атрофлича тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Н. АЛЛАЕВА

XIX АСР ЎРТАЛАРИДА ЎРТА ОСИЁДАГИ СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА УНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА АКС ЭТИШИ

Мақола XIX аср ўрталарида Ўрта Осиёдаги сиёсий вазиятни ёритишига қаратилган бўлиб, бу даврда содир бўлган вокеларга доир бир нечта расмий хужжатлар, хусусан Ўзбекистон Марказий Давлат архиви ҳамда Россия давлат архиви хужжатлари маҳаллий “Солномалар” билан қиёслаб таҳлил килинган. Унда Россия империяси кўшинларининг Ўрта Осиёга юриши билан боғлиқ сиёсий вазиятда Бухоро амирлигининг Хива ва Кўкон хонликлари билан ўзаро элчилик алоқалари, ҳамкорлик қилиш борасида олиб борган ҳаракатлари, таъсир кўрсатган ички ва ташки омиллар кўрсатиб берилган.

Калим сўзлар: Ўрта Осиё хонликлари, элчилик алоқалари, Россия империяси, расмий хужжатлар, Хива, Бухоро, Кўкон.

Н. АЛЛАЕВА**ПОЛИТИЧЕСКАЯ СИТУАЦИЯ В СРЕДНЕЙ АЗИИ
В СЕРЕДИНЕ XIX ВЕКА И ЕЕ ОТРАЖЕНИЕ
В ОФИЦИАЛЬНЫХ ДОКУМЕНТАХ**

В статье освещается политическая ситуация, возникшая в середине XIX века в Средней Азии, в связи с чем произведен сопоставительный анализ нескольких официальных документов из фондов Центральных Государственных архивов Узбекистана и России с местными нарративными источниками. В ней представлены материалы, касающиеся посольских связей между Бухарским эмиратом, Кокандским и Хивинским ханствами. В частности, рассматривается их сотрудничество в политической ситуации, связанной вторжением военных сил Российской империи в Среднюю Азию, а также внешние и внутренние факторы этих взаимосвязей.

Ключевые слова: среднеазиатские ханства, посольские связи, Российская империя, официальные документы, Хива, Бухара, Коканд.

N. ALLAYEVA**POLITICAL SITUATION IN CENTRAL ASIA
IN THE MID OF 19TH CENTURY AND ITS REFLECTION
IN THE OFFICIAL DOCUMENTS**

The paper considers political situation in Central Asia in the mid of 19th century that explores a comparative analysis of some official documents from Central State archive of Uzbekistan and Russia with local chronic related to that period. It highlights ambassadorial relations between Bukhara Emirate, Khiva and Kokand Khanates, their intention to the collaboration in difficult situation existing caused by military invasion of Russian Empire's army to Central Asia, as well as internal and external factors effected to it.

Key words: Central Asian Khanates, ambassadorial relations, Russian Empire, official documents, Khiva, Bukhara, Kokand.

Тарихда шахслар

К. ВОХИДОВА

ИСХОҚХОН ИБРАТНИНГ ДАВР ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ҚАРАШЛАРИ

Исхокхон Ибратнинг ҳаёт йўли, амалга оширган ишлари, яратган илмий мероси бугунги кун ёшлари учун намуна мактаби бўла олади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2017 йил 7 июлда, Наманганд вилояти Тўракўрғон туманига ташрифи чоғида алоҳида қайд этиб ўтган эди.

Дарҳақиқат, Ибратнинг илмий меросини давр воқелигига баҳо бериш орқали ўрганиш, шу билан бирга, ўзбек халқининг маънавият ва маърифатга бўлган интилишини кузатиш имконияти яратилди.

Исхокхон Ибратнинг (1862–1937) 1887 йилда ҳаж сафарига борганлиги унинг ҳаётида муҳим ўрин тутади. Бу ҳақда у “Луғати Ситта ал-сина” номли китобида куйидагича келтиради: “Умрим накдини ҳавас бозорида кечирмак тақозосила ўлуб синним йигирма беш кечмиш экан, ҳавас такозойи мухтарама душуб, саёҳат этдум”¹. Бу сафар давомида Ибрат Қобул, Бағдод, Истанбул, Жидда шаҳарларида бўлди. 1891 йилда Грециянинг Афина шаҳрига, сўнгра Италия, Миср, Арабистон, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига ташриф буюрди. Ҳиндистон, Бирма, Хитой мамлакатларида бўлиб, 1895 йилда Қашкар орқали Тўракўрғонга қайтиб келди. Ибрат саёҳати давомида ҳар бир нарсага алоҳида эътибор берди. Қаерда бўлмасин, турли миллат ва дин вакиллари бўлган олим ва фозил кишилар билан яқин сухбатда бўлди, уларнинг билимлари ва кайси соҳада иш юритишлари билан қизиқди. Бу ҳақда 1912 йилда чоп этилган “Жоме ул-хутут” асарида: “ҳар бир заввор ва аҳли фазл кишини кўрсам кайфият ва таълимот маолларин андин сўрдум”² – деб ёзиб қолдирган эди.

Асарда келтирилишича, Исҳокхон хорижда яҳудий, суря, юонон ва инглиз ёзувларини ўрганиш устида иш олиб боради. Ҳиндистонда амалда бўлган тўрт тил – “арбаи лисон”ни, араб, форс, инглиз, хинд хотларини ўрганганлигини эътироф этади³.

¹ Ибрат И. Луғати Ситта ал-сина. Тошкент: Ильин, 1901. 2-б.

² Ибрат И. Жоме ул-хутут. ЎзР ФА ШИ. К. № 621. 5-б.

³ Ибрат И. Жоме ул-хутут. ЎзР ФА ШИ. Т. Лит-621. 4–5-бетлар.

У сафар давомида 10 дан ортиқ тилни – араб, форс, пушту, турк, лотин, грек, хинд, хитой ҳамда рус, француз, инглиз, арман тиллари ни ўрганди. Бу эса унга хориж илм-фани, техникаси билан танишиш, Шарқ ва Farb илм-фани ўртасидаги тафовутни англашга ёрдам берди. 1895 йил хориж сафаридан қайтгач, билими ва тажрибасини ўз халки турмуш тарзи, маданиятини кўтаришга йўналтириди. Унинг бу харакати қозилик фаолиятида кўринади.

Ибрат ҳаж сафаридан қайтгач Хонободда, сўнгра Тўракўргонда қозилик лавозимида иш юритади. Унинг қозилик фаолиятини кўрсатиб берувчи учта манба мавжуд. Буларнинг биринчиси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўллэзма фондида сақланаётган “Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари”⁴ жамланган, Ибратнинг қозилик давридаги 121 бетдан иборат иш юритиш дафтари, иккинчиси 1910 йилда “Туркистон вилоятининг газити”да Ибрат томонидан эълон қилинган “Намангандаги қозилар сайлови” ҳакида⁵ номли мақоласи, учинчиси олимнинг 1907 йилда ёзган “Улурсан”⁶ радифи ғазалидир. Бу уч манба Ибратнинг қозилик фаолиятини ёритиб бериш учун етарли далиллар ҳисобланади. Жумладан, биринчи манбанинг 95–107 варакларида унинг қозилик вактида амалга оширган ишлари ҳакида маълумотлар йигилган. Ушбу хужжатлар Ибратнинг ўғли Р. Исҳоқов томонидан тўплаб тартибга солинган ва Шарқшунослик институти 1964 йил 3 июлда сотиб олган. Манбада Исҳоқхон тўра томонидан майший турмушда учрайдиган салбий оқибатлар, жумладан, ўғирлик, оиласвий можаролар, ҳаётдаги келишмовчиликларни шариат қонуни асосида ҳал қилинганлиги акс этган⁷. Жумладан, “Жаноби Ибратни никоҳ важидан жавоби”, “Даъвойи ҳақорат”, “Даъвойи ҳақорати хотун”, “Даъвойи раият”, “Ваъсийи Насабнома”¹², “Хатти талоқ”¹³ каби муаммолар кўриб чиқилган.

⁴ Ибрат И. Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари. ЎзР ФА ШИ К. Инв. № -11620.

⁵ Ибрат И. Намангандаги қозилар сайлови // Туркистон вилоятининг газити. 1910. № 22. 21 март.

⁶ Ибрат И. Ўлурсан // Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. Тошкент: Шарқ, 1994. 130-б.

⁷ Ўша жойда. 95–107 бетлар.

⁸ Ибрат И. Турли марсия... К. Инв. № 11620. 95-варак.

⁹ Ўша жойда. 98-варак.

¹⁰ Ибрат И. Турли марсия... К. Инв. № 11620. 99-варак.

¹¹ Ибрат И. Турли марсия... К. Инв. № 11620. 99-варак.

¹² Ўша жойда. 100-варак.

¹³ Ибрат И. Турли марсия... К. Инв. № 11620. 106-варак.

Ибрат Кайдонийнинг Куръон ва ҳадисларга асосланиб тузилган шариат қонунларидан иборат “Фикҳи-Кайдоний”¹⁴ асарини туркйга таржима қилди. Бундан у маҳаллий ахолини шариат қонунлари мөхијатини ўз тилларида аниқ тушуниб етишларини назарда тутган эди. Китобнинг арабча матнини 1908 йилда “Матбааи Исҳокия” номли матбаада чоп эттирди. Ушбу шархли қонун китобидан у ўзининг қозилик фаолиятида кенг фойдаланган.

“Туркистон вилоятининг газити”да Ибратнинг нашриётга келган “Луғати сittа ал-сина” рисоласи чоп этилди. Унда “Наманган уездига тобесь Тўракўғон қозиси Исҳоқхон тўра”, “ул жаноби қозининг ихтиро килган луғат китблари”, “ул жаноби қозининг босма учун юборгон ва тасниф айлагон луғат китблари” каби жумлалар қайд қилинган¹⁵. Исҳоқхон қози сифатида дастлаб 1901 йилда эътироф этилган. Аммо унинг 1900 йил Н.П. Остроумовга ёзган хатида “қози” сўзи Ибратнинг номига қўшиб ишлатилмаганлигини кўриш мумкин. Мактубда муаллиф ўзини “Исҳоқхон тўра” тарзида берган¹⁶. Бундан кўринадики, Исҳоқхон тўра 1901 йилдан бошлаб қози сифатида фаолият олиб борган.

1910 йилда ўлкада маҳаллий қозилик мансабига хукумат томонидан янгидан сайловлар ўтказиш учун “Низом” ишлаб чиқилди. Мустамлака хукумат томонидан маъмурий қозилик мансабига маҳаллий халқдан чиккан вакилларни сайламаслик ёки уларнинг номзодини тасдиқламаслик ҳоллари юз беради.

“Низом” миллат манфаатларига зид эди. Ибрат 1910 йилда “Туркистон вилоятининг газити”да эълон қилган “Наманганда қозилар сайлови”¹⁷ номли мақолосасида шу масалани қаттиқ танқид остига олган¹⁸.

Мақола сўнгига “Туркистон вилоятининг газити” мухарририяти томонидан илова килинган изоҳда кўрсатилишича, Исҳоқхон тўранинг рус конунчилиги юзасидан билдирган фикрлари маъқулланмаган¹⁹.

Исҳоқхон тўра охирги маротаба “қози” сифатида 1916 йилда ёзилган “Тарихи Фарғона” асарида тилга олинади. Бундан кейинги

¹⁴ Ибрат И. Фикҳи-Кайдоний. Таржима асар арабча матни билан Тўракўғон. 1908. ЎзРФА ШИ. Т. 1/69–IV.

¹⁵ Тахрирчи. Ахборот // Туркистон вилоятининг газити. 1901. № 30. 4 август.

¹⁶ ЎзРМДА. Ф-1009. 115 рўйхат. 15–16-вараклар.

¹⁷ Ибрат И. По поводу выборов должностныхъ туземцев въ Наманган // Туркистон вилоятининг газити. 1910. № 22.

¹⁸ Ўша ерда.

¹⁹ Ибрат И. По поводу выборов должностныхъ туземцев въ Наманган // Туркистон вилоятининг газити. 1910. № 22.

асарларда Ибрат номи “Исҳоқхон тўра Тўракўргоний” тарзida берилган. Келтирилган далиллар Исҳоқхон Ибрат 1920 йилгача эмас, балки 1901 йиллардан то 1917 йил Октябрь тўнтаришигача кози лавозимида бўлган, деган хulosага олиб келади.

Ибрат қози лавозимида фаолият олиб борар экан, жамият ҳаётида рўй берадиган турли муаммоларга ўз муносабатини билдириб борди. У ривожланган мамлакат ва шаҳарлардаги тараккиётнинг асоси илм-фанга таянишини тушуниб етди. Чунончи, у “Тарихи маданият” асарида хориж шаҳарларида кўрган муассасаларидан тортиб масжид ва мадрасалар, ҳарбий хизматдаги енгилликлар, пул сакловчи омонатхоналар, жазохоналар, аҳоли учун зарурий кичик ижтимоий ҳолатларгача санаб келтиради. Маданиятга эришган шаҳарни у қуидагича тасвирлайди: “Маданият деган сўз низом ва конун остида идора бўлиб, ҳалқи илм ва хунарни билиб, қилиб тургон касби ила баҳузур тириклик қилса, ана ўшал ерни шаҳар ва одамларини маданий дерлар”²⁰.

Маданий тараккиётга эришган шаҳарлар сифатида муаллиф Россиядан Петроград, Москва, Одесса, Европадан Берлин, Мадрид, Лондон, Рим, Вашингтон, Шарқда Токио, Истанбул ва бошқа катта ҳамда кичик шаҳарларни санаб ўтади²¹.

Исҳоқхон Ибрат Европа шаҳарларнинг тараккиётга эришиш сабабларини очиб бериш мақсадида ўзига савол билан мурожаат қилиб, сўнгра бу саволига ўзи томонидан жавоб ҳам бериб, “Ривожланган шаҳарлар маданиятга қандай эришган? Илмни ўқиб, ҳалклари қаламни ўзига бир асбоб қилгандаригина маданиятга эришган”, – деган хulosага келади. “Кетмонсиз дехқончилик бўлмайди, ўроқсиз ўрilmайди, дўконсиз тўқилмайди, буларга албатта асбоб даркор. Маданиятни топадиган ва юргизадиган асбоби илм экан буни албатта ўзлаштириш зарур”²², – деб хисоблайди. Ибрат бу фикрлари билан Туркистондаги колокликтининг, ижтимоий ва мустамлакачилик зулмининг асосий сабаби сифатида саводсизлик ва жаҳолатни кўрсатади.

Муаллиф асарда давлатнинг моддий асосларидан бири сифатида қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги муносабатни тушуниб, улар ўртасидаги тафовутни камайтириш зарур деб хисоблайди²³. Шаҳар билан қиши-

²⁰ Ибрат И. Тарихи маданият. 109-бет.

²¹ Ўша асар. 112-бет.

²² Ибрат И. Тарихи маданият. 113-бет.

²³ Ўша асар. 115-бет.

локни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини, улар бир-бирига боғлик ҳолда тараққиёттага эришишини кўрсатиб беради. Шаҳарни эҳтиёжини кишлок, кишлокни эҳтиёжини шаҳар битириб, бу ижтимоий туриш асосида бир-бирини хожатини чиқаришини, бунга аҳамият бериш кераклигини²⁴ таъкидлайди.

Ибрат асарда кишлоқнинг ижтимоий муаммолари билан чегараланиб қолмай, мамлакатнинг иқтисодий муаммолари билан ҳам кизиқади. У хўжаликни тараққий эттириш учун, биринчи сув муаммосини ҳал килиш кераклигини айтиб, кишлокларда етиштирилаётган ҳосил ахоли учун етарли эмаслиги, ҳосил олиш учун ерлар борлиги, бирок сув муаммо бўлгандиги учун дехқон хўжалигини тараққий эттиришга имкони бўлмаслиги ҳакида сўз юритади. Унинг фикрича пахтани ўзини экиш етарли эмас, маданий экинлардан буғдор, арпа, шоли, маккажӯҳори, мош шунга ўхшашиб махсулотлар етиштириш даркор²⁵.

У кишлоқни оғир ахволга солиб турган муаммолардан бири бу ишсизлар сонининг кўпайиб бораётганлиги, деб хисоблади. У кишлек ахолисининг умри бекорчиликда ўтиб кетаётганлигини қаттиқ танқид қиласди, илмнинг оркасидан бундан ҳам кўпроқ пул топишлари мумкин бўлгани ҳолда ўзларини йўқотиб бораётганликларини қаттиқ куюниб ёзади²⁶. Бу билан Ибрат дехқонларнинг ахволи тобора оғирлашиб бораётганлигини, илм орқали тадбиркорликларини янада кучайтириш кераклигини назарда тутган эди.

Ибрат озик-овқат саноатида қанд ва чой ишлаб чиқариш заводлари қуриш таклифини ўртага ташлади²⁷. Шунингдек, мамлакат саноати тараққиётида қоғоз ишлаб чиқариш ишлари алоҳида аҳамият касб этганлигини хисобга олган ҳолда, қоғоз фабрикаси очишни ҳам таклиф этади²⁸.

Рисолада мамлакатни ривожлантирувчи тармоклардан бири сифатида енгил саноат ишлаб чиқаришга доир муаммоларга ҳам ўрин берилган. Чунончи бу даврда мамлакатда енгил саноат моллари ишлаб чиқарилиши, жумладан оёқ кийим, палослар, гиламлар ва шолчалар, кигизлар кўл саноатига асосланганлиги сабабли таннархи киммат эди. Оддий халқ кўпроқ бошқа ердан келадиган арzon нарҳдаги завод

²⁴ Ўша асар. 116-бет.

²⁵ Ибрат И. Тарихи маданият. 117-бет.

²⁶ Ибрат И. Тарихи маданият. 132-бет.

²⁷ Ўша жойда. 117-бет.

²⁸ Ўша жойда.

моллари, чит, метрли мовутларни олишга эхтиёжи баланд эди. Ибрат маҳаллий саноатни илм орқали такомиллаштириш, саноат товарлари ишлаб чиқариш зарурлигини тушунтиради²⁹.

Муалиф асарда мамлакатда тоғ-кон саноатини йўлга қўйиш кераклиги хақида хам ўз мулоҳазаларини билдиради. Чунончи, бу конларни ишга тушириш орқали жаҳон талабларига мос равиша маҳсулот ишлаб чиқариш ва бу маҳсулотларни сотиш орқали мамлакат иктисадиётини таъминлаш мумкин бўлади³⁰. Шунингдек, у мамлакат заминида бўлган доривор ўсимликлар ҳақида сўз юритиб, “тоғдан афгон, хинд табиблари доим турли ўсимликларни йигиб олиб кетиб турдилар. Бизда ковлаб олинадиган доривор гиёҳлар яна кўпдир³¹” – деб ёzáди.

1910 йилларда Наманган–Кўкон темир йўли курилиш ишлари бошлаб юборилди. Ибратнинг шу мавзуга оид “Туркистон вилоятининг газити” сахифасида туркум мақолалари эълон қилинади. Рўзноманинг 1911 йил 69 ва 77 сонларида “Намангон темир йўли”, “Намангон–Кўкон темир йўлининг очилиш маросими ҳақида”, номли мақоласи эълон қилинади, “бу иш Намангон халқига бенихоя фойдалик иш бўлиб, савдогар ва саёҳат қиладургон кишига зарурдир, … ноябр ойларига Намангонга етиб борса керак”³² – деб хабар беради.

Ибрат Кўкон–Наманган темир йўл курилиши тарихига бағишлиб “Тарихи вагони Намангон назми Исҳоқхон тўрадин”³³ номли шеър ёзди. Унда Наманганда темир йўл курилиши нон, дон, ризқ-рўз деб баҳоланган. Халкнинг Кўконга сарт арава билан сафар машаққатдарини тортиб боришини, поезд келиши буларнинг барчасига барҳам беришини, бу ишлар хандаса илми орқали бўлганигини, халқига илм, фан, техникани ўрганишнинг фойдасини кўрсатиб беради³⁴.

1912 йил 7 июлда бўлиб ўтган Кўкон–Наманган темир йўлининг очилиш маросимига бағишлиб ёзган маколасида Ибрат бу кунни “Шукрона байрами” деб, эътироф этади³⁵.

²⁹ Ибрат И. Тарихи маданият. 117-бет.

³⁰ Ўша жойда. 128-бет.

³¹ Ўша жойда.

³² Наманганская железная дорога // Туркистон вилоятининг газити. 1911. 13 октябрь.

³³ Тарихи вагони Наманган назми Исҳоқхон тўрадин // Туркистон вилоятининг газити. 1911. 13 октябрь.

³⁴ Наманганская железная дорога // Туркистон вилоятининг газити. 1911. 13 сентябрь.

³⁵ Ўша жойда.

Ибрат ижтимоий ва майший ҳаётда учрайдиган муаммоларга бефарқ бўлмади. У 1913 йилда ёзилган “Тўракўрғондан хат”³⁶ номли маколасида тўйлардаги истрофгарчилик, ёшлар тарбиясига бу ишларнинг таъсири, халкнинг худойи, тўй, улок, ўликларга қилган бехуда сарфларини танқид қиласди. Буларнинг тўртдан бири дини ислом ва тириклик, маданиятга асбоб бўлишини, мактаб, мадраса, етимхона ва касалхоналарга, катта мактабхоналар солишга, ижтимоий хайрияларга етарли бўлишини, бундан миллат ва халқ маданиятда ва тараккиётда бўлишини таъкидлайди³⁷.

Ибрат халкни иллатлардан сакловчи куч сифатида илмни кўрсатиб: “Бу ахволи бадларни, бу мараз дардни доруси илмдур. ... Илмсиз киши асоссиз девор дегон, асоссиз девор ғоятда беътибор бўлур. Илм ўқунг, ўрганинг, ўқутинг, ахлоқи фунун, замонага даркорлик илмлар зарур”³⁸. Бу билан Ибрат ёшларни дунёвий билимлардан хабардор бўлишга ундаиди.

Айтиш жоиз, унинг 1913 йилда “Туркистон вилоятининг газети”да чоп этилган “Намангандан”³⁹ номли маколаси бугунга қадар тадқикотчилар эътиборидан четда қолган. Муаллифнинг берган хабарига кўра, дастлабки вактда чоп этилган рўзномаларга халқ катта кизикиш билан карайди, бу борада жойларда мунозара ва сухбатлар бўлиб ўтади. 1913 йилда у Тошкентта борар экан, поездда шундай мунозара устидан чикади ва у хакидаги мулоҳазаларини “Туркистон вилоятининг газити”да чоп эттиради. Маколада сухбатдошларидан бири рўзномалар аҳамиятига тўхталиб, олам хабарини етказгувчи, маданият ва маърифат белгиси⁴⁰ эканлигини таъкидласа, иккинчи сухбатдош рўзномани бидъат сифатида баҳолайди⁴¹. Буни эшитган Исҳоқхон тўра у билан мунозарага киришади ва ундан бидъатни қандай тушунишини сўрайди⁴². Сухбатдош: “Асри саодатдан кейинги нимарса бидъатдир”⁴³ – деб жавоб беради. Ибрат асри саодатдан кейин Туркистонда жорий

³⁶ Ибрат И. Письмо Исхакхана из Туракургана // Туркистон вилоятининг газити. 1913. № 43. 3 июнь.

³⁷ Ўша жойда.

³⁸ Ўша жойда.

³⁹ Ибрат И. Из Намангана // Туркистон вилоятининг газити. 1913. 20 июнь.

⁴⁰ Ўша жойда.

⁴¹ Ўша жойда.

⁴² Ибрат И. Из Намангана // Туркистон вилоятининг газити. 1913. 20 июнь.

⁴³ Ўша жойда.

бўлган илм-фан, техника ютуклари, янгиликларини санаб, бидъатчи сухбатдошини ўз-ўзини машаққатга солган, деган холосага келади. Исҳокхон Ибрат бу мунозарани рўзномага чоп эттириб, миллат орасида Куръон ва ҳадис илмини чуқур билмаган ҳолда жамиятни қолоқликда қолдираётган кишиларни илм-фан, маърифатга тарғиб килиш, хар бир ўрганаётган билимларини чуқур ва ҳар тарафлама эгаллашга чакириш мақсадини кўзлаган эди.

Холоса қилиб айтганда, Туркистон таракқийпарварларининг йирик вакили Исҳокхон Ибратнинг барча илмий ва ижодий, амалий фаолиятининг асоси маърифатпарварликка қаратилган эди. У ўз даврининг етук зиёлиси сифатида жамиятнинг тараккиёти учун ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат килди. Мутаассиблик ва жаҳолатдан чиқишнинг ягона йўлини илм-фан ривожида кўрди ва бу йўлда амалий ишларни бажариб, халқнинг эътирофига сазовор бўлди.

К. ВОХИДОВА

ИСҲОҚХОН ЖУНАЙДУЛЛОҲҲЎЖА ЎҒЛИ ИБРАТНИНГ ДАВР ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ҚАРАШЛАРИ

Мақолада Туркистон таракқийпарварлик ҳаракатининг намоёндаси Исҳокхон Ибратнинг ўзи яшаган давр ижтимоий масалаларига муносабати ёритилган. Унинг серкирра фаолияти маърифатпарварлик ҳаракати мисолида талкин килинган. Ибратнинг ҳаж сафари ва ундан олган таассуротларининг асарларида акс этиши ва дунёнинг илғор мамлакатлари ижобий тажрибаси ҳақидаги мулоҳазалари, уни ўз ватанида тарғиб ва тадбиқ этишга бўлган уринишлари баён қилинган.

Калим сўзлар: Туркистон, Токио, Истамбул, ижтимоий, араб, форс, таракқийпарвар, зиёли, илм-фан, кози, техника, рўзнома, жаҳолат, саёҳат.

К. ВОХИДОВА**ВЗГЛЯДЫ ИСХАКХАНА ИБРАТА НА СОЦИАЛЬНЫЕ
ПРОБЛЕМЫ СВОЕГО ВРЕМЕНИ**

В данной статье освещена жизнь и деятельность представителя просветительского движения в Туркестане И. Ибрагата. Анализ его трудов позволил выявить его отношение к важным социальным проблемам того периода и предлагаемые им возможные варианты будущности Туркестана. Автором рассматривается влияние зарубежных поездок, хаджа на мировоззрение Ибрагата, а также раскрыта его деятельность в качестве казия.

Ключевые слова: Туркестан, Токио, Стамбул, социальные, казий, просветитель, газета, хадж, техника, путешествие, наука, прогресс, промышленность, чай, железнная дорога.

K. VOKHIDOVA**THE VIEWS OF ISKHOKHON IBRAT ON SOCIAL
PROBLEMS OF HIS TIME**

The article sheds the light on the life and activity of the representative of enlightenment movement of I. Ibrat in Turkestan. Analysis of his works allows to present his attitude to important social problems of that time and his proposed variants of possible future of Turkestan. The author considers the influence of abroad travells, hajj on Ibrat's outlook, as well as his activity as kazi.

Key words: Turkestan, Tokio, Istanbul, kazi, enlightener, newspapers, hajj, technics, travel, science, progress, industry, tea, railway.

Э. РАДЖАПОВ

ХХ АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ҲАРБИЙ КАДРЛАР ЭЛИТАСИННИНГ ҚАТАГОН ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН: АБДУЖАЛИЛ АБДУЛЛАЕВ ТАҚДИРИ

Ҳарбий кадрлар тарихнинг қайси даврида бўлмасин давлатнинг асосий таянчи ва химоячиси бўлиб келган. Шу сабабли ўзбек давлатчилик тарихининг ҳар бир босқичида ҳарбий соҳа ва қуролли кучлар мухим аҳамият касб этган. Ўзбекистон ҳудудида қадим даврдан тараққий топган ҳарбий соҳа ҳонликлар даврига келиб тургунлик даврини бошидан кечирди ва бу ҳолат Ўрта Осиё ҳонликларининг Россия империяси асоратига тушиб колишига бош сабаблардан бири бўлди. Россия мустамлакачилиги даврида империя манфаатлари юзасидан маҳаллий аҳоли ҳарбий соҳадан атайин узоклаштирилди. Совет тартиботига қарши бошланган қуролли ҳаракат совет ҳокимиютининг ҳарбий соҳани Туркистон минтақасида ислоҳ этишига, маҳаллий аҳоли вакилларини ҳам қизил қўшин сафларига сафарбар этишга мажбур этди. Совет ҳокимиюти йилларида ўзбек миллати орасидан С. Худоёрхонов¹, Р. Ёкубов², М. Миршаропов³, Ф. Норхўжа-

¹ Сайид Азаматбек Худоёрхонов – 1888 йил 20 июнда Тошкентда туғилган бўлиб, отаси Сайид Мухаммад Аминбек қасбий фаолияти ҳарбий бўлган. 1907 йилда Оренбургдаги 2-кадет корпусини, 1909 йилда эса Александровск ҳарбий билим юртни тамомлаган. Дастраси ҳарбий фаолиятини 2-Сибир полкида бошлаган бўлса, 1912 йилда I-Туркистон артиллерия дивизионида командир вазифасида фаолият юритган. Йиҳон уруши бошлангач 1914 йилда фронтга келган ҳамда Фарбий фронтда немис қўшинларига қарши жангларда катнашган. Юкори даражадаги ҳарбий фаолияти ва ҳарбий топширикларни аъло даражада олиб борганлиги сабабли Георгий хочи билан тақдирланниб, штаб капитани даражасигача кўтарилган. *Бу ҳақида қаранг:* Норхўжаев Ф. 50 йил жанговар постда. Тошкент: Ўзбекистон. 1982. 39–40-бетлар.

² Ёкубов Ризо Абдуллаевич – 1898 йил 5 майда Зомингузар (хозирги Самарқанд вилояти) кишлогида косиб оиласида туғилган. 1924 йилнинг январидан 1927 йил 22 августигача бўлган даврда у Тошкент шаҳридаги Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО)нинг Туркистон фронти қисмлари учун ўрга пайдо ва отлик кўмондонлар тайёрловчи Ўрта Осиё бирлашган ҳарбий мактаби раҳбари лавозимида фаолият юритган. СССР Мудофаа Ҳалқ Комисариатининг 1935 йил 26 ноябрдаги № 2484 – сонли шахсий таркиб тўгрисидаги бўйруги ҳамда СССР Ҳалқ Комиссарлар Кенгашининг 1935 йил 22 сентябрдаги “ИДҚА раҳбарлик таркиbidаги шахсий ҳарбий унвонлар тўгрисида” ги карорига кўра Р. Ёкубовга комбриг ҳарбий унвони берилди. 1938 йил ва 1949 йилда 2 марта катагонга учраган. Ризо Ёкубов 1957 йил 23 апрелда вафот этган. *Бу ҳақида қаранг:* Раджапов Э.Г. Миллий ҳарбий кадрлар корпуси вакили – Ризо Ёкубов // Ўзбекистон тарихи. 2014. № 1. 56–64-бетлар.

³ Миркомил Миршаропов (1900–1938) – ҳарбий арбоб. Авлиёота (хозирги Тороз) шаҳрида туғилган. Рус-тузем мактабини туттаган (1914). 1917 йилда Тошкентта кўчуб келган. Хоразм Ҳалиқ Совет Республикаси ҳарбий нозири (1921), нозир мувонини (1924). У XXСРда милллий қўшин тузишга алоҳида эътибор каратди. Москвадаги ҳарбий академияда ўқиди (1925–1929). 19-тогли алоҳида отлик Ўзбек дивизияси кўмондони ва комиссари (1932–1935). *Бу ҳақида қаранг:* Каримов Н.Ф. Ўзбек дивизиясининг тутатилиши // Гулистон. 2002. № 4.

ев⁴ каби истеъдодли ҳарбий мутахассислар авлоди етишиб чиқди. Аммо истеъдодли ўзбек ҳарбий кадрлар корпусининг аксарияти 1937–1938 йиллардаги Сталин катагонларининг бегуноҳ қурбони бўлдилар.

Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган қатағон сиёсатининг қурбони бўлган шундай шахслардан бири ўз вақтида Ўзбекистоннинг фахри хисобланган 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси 42-отлик полкининг сиёсий раҳбари (политрук) Абдуллаев Абдужалил Мирбоевичдир.

Бугунги кунга қадар Абдужалил Абдуллаевнинг шахси ва ҳарбий фаолияти тадқиқотчилар томонидан тадқиқ этилмаган мавзулардан саналади. Бунинг асосий сабабларидан бири совет ҳокимияти даврида адабиёт, санъат, фан ва маданият намояндадари қатағон этилибгина колмасдан, уларнинг илмий, адабий мероси, шахси ҳамда фаолияти акс эттирилган кўплаб адабиётлар, манбалар кутубхоналардан, китоб расталаридан мажбурий равишда йиғиб олинди. Шунингдек, қатағон сиёсати қурбони бўлган адабиёт, фан, санъат намояндадари, атоқли олим ва зиёлилар, давлат арбоблари каби қатағон сиёсати қурбони бўлган ҳарбий мутахассисларининг фаолиятини тадқиқ этишга йўл қўйилмаганида эди. Бундан ташкири қатағонга учраган ўзбек миллий ҳарбий кадрлари фаолияти ва шахси ҳақидаги маълумотлар акс этган архив хужжатларининг салмокли қисми бугунги кунда Россия Федерациясининг бир катор ҳарбий архивларида саклананаётганлиги ҳам тадқиқотчига мазкур мавзуни тадқиқ этишни бир оз кийинлаштиради.

Архив маълумотларида ёзилган таржимаи холига кўра, Абдуллаев Абдужалил Мирбоевич – 1903 йилда Тошкент шаҳрида хунарманд оиласида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамоққа олингунга қадар Смарканд шаҳри Абрамов бульвари, Всеобуч кўчаси 2-йида истиқомат қилган. 1917 йилгача пойафзал устахонасида ўкувчи бўлган ҳамда инкилобдан кейинги йилларда тирикчилик учун косибчилик касби билан шуғулланган. А. Абдуллаевнинг 1938 йил тўлдирилган анкета варакасидаги оиласида ахволи ва якин кариндошлари тўғрисидаги маълумотларга кўра, отаси – Абдулла Мирбобоев, 75 ёшда (1863 йилда туғилган) бўлиб, А. Абдуллаевнинг акаси Абдуллаев Айюб қарамогида яшаган. Акаси – Айюб Абдуллаев Тошкент трамвай депоси (Тоштрам) да кондуктор бўлиб ишлаган. 1924 йилда В.И. Ленин номидаги ҳарбий мактабни тамомлаб, 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси 42-полкига келган.

⁴ Норхўжаев Файзулла Хўжаевич – Наманган вилояти Чуст волостининг Кизилтепа кишилогида туғилган. Ф.Х. Норхўжаев 1925 йилда Бухоро ҳарбий мактабига қабул килинган.

Дивизия полкida бош сиёсий раҳбар (старший политрук) вазифасида ишлаган⁵.

Архив хужжатлари А. Абдуллаевнинг камоққа олингунга қадар дивизиядаги ҳарбий фаолияти ва салоҳияти ҳакида айрим маълумотлар ва тасаввурларни беради.

Хужжатлардан маълум бўлишича, А. Абдуллаев 1931 йил июндан Алоҳида Ўзбек ўқчи батальони мактабига сиёсий раҳбар (политрук) лавозимига тавсия этилади. 1932 йил 3 апрелда унга берилган тавсифномада “Абдуллаев кучли ҳарбий салоҳиятга эга. Аммо ташаббускорлиги бироз суст. Интизомли мутахассис. Ҳарбий саф ҳамда сиёсий тайёргарлиги қониқарли. Кўл остидагилар билан муносабати яхши. Шахсий отиш (мерганлик) маҳорати яхши. Тавсия этилаётган хизмат вазифаси талабларига жавоб беради”⁶, – дея тавсиф берилади.

19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг таркибий қисмлари билан биргаликда А. Абдуллаев ҳам 1931 йилда Иброҳимбек кўрбоши гурухини тугатишга қарши қаратилган ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этди. Иброҳимбек ва унинг гурухи тугатилгач, 1931 йил 7 ноябрда кўплаб ўзбек ҳарбийлари катори А. Абдуллаев ҳам маҳсус жанговар қурол билан тақдирланди⁷.

1937–1938 йиллардаги “Катта қирғин” деб ном олган оммавий қатағон авж олган йилларда ҳамкаслари катори А. Абдуллаев ҳам “халқ душмани” соҳта айблор билан қатағонга учради.

У 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси НКВД Давлат Хавфсизлиги Бош Бошқармаси (ГУГБ) маҳсус бўлими раҳбари Карпачевскийнинг 17-сонли ордери асосида 1938 йил 17 марта камоққа олинди. Орадан 9 кун ўтгач бу ҳакида Ишчи деҳқон кизил қўшини сиёсий бошқармаси ҳамда Ўрга Осиё Ҳарбий округи сиёсий бошқармаси раҳбарига 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси сиёсий бўлими раҳбари вазифасини бажарувчи Лобач маҳсус маълумотнома юборади⁸.

Унга кўра, НКВД ходимлари Карпачевский, Васильевлар томонидан Ўз ССР Жиноят кодексининг 57-2, 64-, 67-моддалари бўйича,

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви.

⁸ РГВА (Россия Давлат Ҳарбий архиви), 9-фонд, 36-рўйхат, 3021-иш, 137-варак.

яни 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясидаги мавжуд аксилинкилобий-миллатчилик ташкилотига аъзоликда ҳамда ташкилотнинг фаол аъзолари тарафидан совет ҳокимиятини тўнтаришга қаратилган топширикларни бажарганликда, Ўзбекистон ССРни Совет Иттифоқидан ажратиб олишга уринганликда айбланди⁹. Карпачевский ҳамда Васильевлар хукукни муҳофаза этувчи орган ҳодимлари бўлишига қарамасдан А. Абдуллаевни ҳали айби исботланмасдан, гувоҳлар кўрсатмаларисиз жиноятчи санаши мустабид тузум катагон сиёсатини амалга оширувчи механизмларнинг қай йўсинда ишлаганигини кўрсатиб туриди.

Тергов мобайнида А. Абдуллаев гувоҳлар билан ҳам юзлаштирилмади, кўйилган айбловлар хукукий жиҳатдан асосланмади. 1938 йилнинг 22 май куни унинг “жиноий иши” СССР Олий суди Ҳарбий Коллегиясида кўриб чиқилди. Суд мажлисида у 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси қисмларида мавжуд бўлган “аксилинкилобчи миллатчилик ташкилоти”га 42-отлик полкнинг собиқ раҳбари М. Шомирбоев тарафидан жалб килинганликда, ташкилот фаолиятида фаол иштирок этганликда, 42-полкнинг сиёсий-партиявий ишларида бузғунчилик фаолияти билан шуғулланганликда, ўзбек ҳарбий кадрлари орасида европа миллатига мансуб ҳарбий кўмондонларни камситишга қаратилган аксилинкилобий миллатчилик руҳидаги ташвиқот юритганликда, ўзбек ҳарбий мутахассисларини миллатчилик руҳида тарбиялаганлик ҳамда уларни аксилинкилобий миллатчи ташкилотга жалб қилганликда айбланди. Аммо унга кўйилган айблар хукукий жиҳатдан асосланмади, бирорта гувоҳ чақирилмади, А. Абдуллаев билан юзлаштирилмади.

СССР Олий суди Ҳарбий Коллегиясининг 1938 йил 10 октябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган сайёр сессиясининг ёпиқ суд мажлисида 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг кўплаб ҳарбий кадрларининг “жиноий иш”лари кўриб чиқилди. Алексеев раис, Батнер котиблигига ўтган бу суд мажлисида Зайцев, Болдирев каби ҳарбий хукукшунослар иштирок этишли. Суд мажлисида кўплаб ҳамкаслари катори А. Абдуллаевнинг такдири ҳал этилди. Суд баённомасида қайд этилишича, унинг суд мажлиси кундузги соат 11 дан 5 дакика ўтганда бошланди. Бир эмас 4 нафар ҳарбий хукукшунос олиб борган бу суд мажлисига одатий суд мажлисларидан фарқли равишда бирорта

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви.

гувоҳ чакирилмасдан, фақатгина айбланувчи А. Абдуллаевнинг ўзи иштирок этди¹⁰. Мажлисда А. Абдуллаевнинг айблов хulosаси ўқиб эшилтирилгач, А. Абдуллаев ўзининг айбдор эмаслигини, дастлабки сўрек вактида берган кўрсатмаларини инкор этишини суд раисига билдиради.

Шундан сўнг А. Абдуллаевга қарши унинг ҳамкаслари Х. Шукуров¹¹, М. Абдурахимов¹², М. Рисқулов¹³, Х. Исомиддиновлар¹⁴ берган кўрсатмалар ўқиб эшилтирилади. Ўзига қарши ҳамкаслари тарафидан берилган кўрсатмаларга қарши А. Абдуллаев “Юқорида номлари айтиб ўтилган ҳамкасларим менга номаълум сабабларга кўра тухмат қилишган. Мен ҳеч қачон советларга қарши ташкилот аъзоси бўлмаганман ва бирор бир аксиликобий фаолият олиб бормаганман. Менда умуман аксиликсовет кайфияти бўлмаган”¹⁵, – дея раддия билдиради.

Яшаш умиди билан ўзининг айбдор эмаслигини ҳар канча асослашга харакат қилмасин мустабид совет ҳокимияти қатағон сиёсатининг “моҳир ижрочилари” унинг келтирган далиллари, айтган сўзлари га караб ўтиришмади.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви.

¹¹ Шукуров Ҳолмат – 1900 йил Қозогистон ССРнинг Чимкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек, Ҳарбий унвони – капитан. Қамоққа олингунигача 19-Ўзбек төғ-отлик дивизияси штаби 1-бўлими раҳбарининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ўрга Осиё Ҳарбий округи (САВО) маҳсус бўлими томонидан 1937 йил 17 сентябрда 19-Ўзбек төғ-отлик дивизиясидаги “аксилинкилобий миллатчилик ташкилоти” аъзоси сифатида қамоққа олинган. 1938 йил 10 октябда отувга ҳукм килинган.

¹² Абдурахимов Муҳаммад (Абдурахимхўжаев Муҳаммадали) – 1903 йил Наманган вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамоққа олингунгача ВКП(б) аъзоси ва 19-Ўзбек төғ-отлик дивизияси 42-отлик полки комиссари бўлиб ишлаган. Ўрга Осиё Ҳарбий округи маҳсус бўлими томонидан 1937 йил 21 октябрда “миллатчи аксиликобий ташкилот аъзоси” сифатида қамоққа олинган ва шу муносабат билан партия сафидан ўчирилган. 1938 йил 10 октябда отувга ҳукм килинган.

¹³ Рисқулов Мирзакул Ризокулович – 1904 йилда Самарқанд вилояти Каттақўргон шаҳрида туғилган. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Қамоққа олингунгача 19-Ўзбек төғ-отлик дивизиясининг нашри бўлган “Кизил юлдуз” газетасида мухаррир бўлиб ишлаган. 1938 йил 10 октябда отувга ҳукм килинган.

¹⁴ Исомиддинов Ҳамид Ҳамидович – 1902 йил Қозогистон ССРнинг Туркистон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. 1925 йилдан коммунистик партия аъзоси. Қамоққа олингунга кадар 19-Ўзбек төғ-ўқчи дивизияси 41-отлик полки штабининг раҳбари бўлган. 1938 йил 10 октябда отувга ҳукм килинган.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви.

А. Абдуллаев суд томонидан Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64- ва 67-моддалари бўйича айбор деб топилиб, олий жазо – отишга хукм этилган¹⁶. У “халқ душмани” сифатида 1938 йил 10 октябрда отиб ташланди.

А. Абдуллаевнинг ҳарбий соҳадаги хизматлари заминида миллий ҳарбий кисмлар ҳамда миллий ҳарбий кадрларга эътибор бериш масаласи туради. У маҳаллий миллат вакилларидан ҳарбий мутахассислар тайёрламасдан туриб, Ўзбекистонда ҳарбий соҳани юксалтириш ва тараққий эттириш мумкин эмаслигини яхши англаб етган эди.

Илк ўзбек ҳарбий кадрларидан бири бўлган Абдужалил Абдуллаев ўзининг кисқа умри давомида Ўзбекистон тарихида дастлабки миллий ҳарбий кисмларни ташкил этиш, ўзбек миллий ҳарбий кадрларининг янги авлодини етишириб бериш ҳамда Ўзбекистонда ҳарбий иш тараққиёти учун катта хизмат қилди.

Э. РАДЖАПОВ

ХХ АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ҲАРБИЙ КАДРЛАР ЭЛИТАСИННИНГ ҚАТАГОН ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН: АБДУЖАЛИЛ АБДУЛЛАЕВ ТАҚДИРИ

Маколада ўзбек ҳарбий кадрларидан Абдужалил Абдуллаевнинг шахси ва ҳарбий фаолияти Россия Давлат Ижтимоий-сиёсий тарих (РГАСПИ) архиви ҳамда Россия Давлат ҳарбий архиви маълумотлари асосида тадқиқ этилган. Шунингдек, маколада совет ҳокимиятининг ўзбек ҳарбий кадрларига нисбатан қатағон сиёсатининг Абдужалил Абдуллаев тақдирига таъсири ёритилган.

Калим сўзлар: Совет ҳокимияти, қатағон, Абдужалил Абдуллаев, ҳарбий академия, Туркистон фронти, ХХСР, ОГПУ, НКВД, “катта кирғин”, қызил армия, қаршилик харакати, ҳарбий округ, дивизия.

¹⁶ Список лиц, подлежащих суду Военной Коллегии Верховного суда Союза ССР // <http://stalin.memo.ru/names>

Э. РАДЖАПОВ**ИЗ ИСТОРИИ РЕПРЕССИЙ ЭЛИТЫ УЗБЕКСКИХ
ВОЕННЫХ КАДРОВ В 30-ГОДАХ XX ВЕКА:
СУДЬБА АБДУЖАЛИЛА АБДУЛЛАЕВА**

В данной статье проанализирована личность и военная деятельность узбекского военнослужащего Абдужалила Абдуллаева по материалам Российского государственного архива социально-политической истории и Российского государственного военного архива. В статье также была выявлена репрессивная политика советской власти в отношении узбекских военных кадров и отражение этой политики в судьбе Абдужалила Абдуллаева.

Ключевые слова: советская власть, Абдужалил Абдуллаев, военная академия, Туркестанский фронт, ХНСР, ОГПУ, НКВД, «большой террор», Красная армия, движение сопротивления, военный округ, дивизия.

E. RADJAPOV**FROM THE HISTORY OF REPRESSION OF ELITE UZBEK
MILITARY STAFF DURING 30TH YEARS OF 20TH CENTURY:
THE FATE OF ABDUJALIL ABDULLAEV**

The author in this article has analyzed military activity and personality of Uzbek military personnel named Abdujalil Abdullaev basing on the materials of Russian State Archive of Socio-Political History and Russian State military Archive. In the article it was also revealed the politics of repression of Soviet power concerning Uzbek military cadre resulting in the destiny of Abdudjalil Abdullaev.

Keywords: soviet government, repression, Abdudjalil Abdullaev, military academy, Turkestan front, XPSR, OGPU, NKVD, “great terror”, red army, resistance movement, military district, division.

Тарих ва социология

М. ГАФФОРОВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАВҚЕИННИНГ ОШИРИЛИШИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИНИШИ: ТАРИХИЙ-СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Жамиятда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавкеини мустаҳкамлашга бугунги куннинг муҳим масаласи сифатида қаралмоқда. Таъкидлаш керакки, бу эҳтиёж гендер тенглигига эришиш, аёлларга нисбатан хуқуқий муносабатни меъёрловчи амалдаги миллий конунчилик тизимини янада такомиллаштириш ҳамда жамиятда хотин-қизларга нисбатан ижтимоий ёндашувни яхшилашда ўз аксини топмоқда. Ҳозирги вактда, “...дунё аҳолисининг 51 % ни аёллар ташкил этган ҳолда, уларнинг фактат 5 % и давлат ва жамият бошқаруви лавозимларида фаолият юритмоқда”¹.

Ўзбекистон Республикаси дунё ҳамжамиятининг teng хуқуқли аъзоси сифатида инсон хуқуқларига оид 69 та ҳалқаро актни (жумладан, БМТнинг олтита асосий конвенциявий хужжатини) ратификация килди. Уларнинг аксарияти хотин-қизларнинг хуқук ва эркинликларини таъминлаш масалаларига даҳлдор. БМТнинг “Аёллар дискриминациясига барҳам бериш тўғрисида”ги Декларацияси Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан ратификация килинди². Бу эса мамлакатда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш жараёни аёллар “харакат платформаси”нинг тубдан ўзгаришига олиб келди. Хотин-қизларни ижтимоий-хуқуқий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, аёлларнинг касбий,

¹ «Женщины в бизнесе и управлении». Доклад Международной организации труда. 2017. <http://www.mk.ru/social/2017/01/13/doklad-mezhdunarodnoy-organizacii-truda-dolya-zhenshhinrukovoditeley-v-mire-vsego-5.html>.

² Сайдов А.Х. Ўзбекистон ва аёллар хуқуки ҳакидаги ҳалқаро конвенция. // Аёл ва хуқук. Маърузалар тўплами. Тошкент: Ижтимоий фикр, 1993. 41–73-бетлар.

жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал савиясини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, давлат қурилиши соҳасидаги иштирокини таъминлашга каратилган умуммиллий сиёсатни рўёбга чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда жамият бошқарувига уларни жалб қилиши бўйича Марказий Осиё давлатлари ичida етакчи ўринни эгаллайди³. Мустақиллик йилларида инсон ҳукуклари, хусусан, хотин-қизлар масалаларига оид 80 дан ортиқ норматив-хукукий ҳужжатлар қабул килинди.

Мамлакатда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, хотин-қизлар мавкеини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишларни тўрт боскичга бўлиш мумкин.

Биринчи боскич – 1991–2000 йилларни ўз ичига олиб, совет давридан мерос бўлиб қолган экологик ҳолат, демографик вазият, иқтисодий тангликлар оқибатида аёлларнинг турмуш тарзи ва умумий ахволидаги мураккаб ҳолатлар, муаммоларнинг ечимини топиш борасида изланишлар олиб борилди. Бу даврда, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавкеини ошириш, уларнинг жамият хаётида фаол иштирокини таъминлашнинг ташкилий-хукукий асосларини яратиш борасида институционал ўзгаришлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавкеини ошириш бўйича давлат сиёсатининг устувор ва асосий йўналишлари белгилаб олинди. 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил қилинди. Ушбу ташкилотнинг асосий максади – хотин-қизларни хар томонлама қўллаб-куватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя килиш, ижтимоий-хукукий ва меҳнат жабҳасидаги фаоллигини, ҳуқукий ва иқтисодий билим даражасини юксалтиришга каратилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 март куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3434-сонли Фармонида “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, худудий хотин-қизлар қўмиталарининг раислари жойлардаги ҳокимларнинг ўринбосарлари, Коракалпогистон Республикаси Жўкорғи Кенгесида Коракалпогистон

³ Ўзбекистонда мамлакат тизимли диагностикасини ўтказиш бўйича онлайн консультациялар // 2015–2019 йилларда мамлакат билан ҳамкорлик Концепциясига қўшимча сифатида. Тошкент, 2015. Август. 14-бет.

Республикаси Жўкорғи Кенгеси Раиси ўринбосари каби тегишли лавозимлар жорий этилди⁴. Натижада, илмий салоҳиятли хотин-қизларнинг хокимият тузилмаларида бошқарув лавозимларини эгаллашлари фаоллашди.

1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Оила кодекси” қабул килинди. Кодекс хотин-қизлар манфаатларини янада кенгрок инобатга олди ва ҳимоя қилди. Мазкур Кодексда эркин демократик жамиятда оиласвий муносабатларни тартибга солиш, эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоки, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳукуқлари тенглиги, ички оиласвий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши мустахкамланди. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат, Фуқаролик, Жиноят, Фуқаролик-процессуал, Жиноят-процессуал кодексларида ҳам хотин-қизлар манфаатлари, ҳукуқлари ва эркинликлари ўз ифодасини топди. Ушбу қонун ҳужжатларидан ташқари хотин-қизларга нисбатан имтиёз ва кулагайликларни ўз ичига олган кўплаб карорлар қабул килинди.

Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 мартағи “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПФ-2246-сон Фармони, “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги № 760-I-сонли Қонуни аёлларнинг оиласида, давлат ва жамият курилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳукукий, ижтимоий, икътисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича давлат дастурининг ишлаб чиқилишида муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур даврда хотин-қизлар манфаатларининг қонуний таъминланиши борасида олиб борилган ишлар самарасига кўра, Ўзбекистон аёлларининг парламентдаги иштироки бўйича жаҳонда 51-ўринни эгаллади⁵.

Иккинчи боскич – 2001–2010 йилларни ўз ичига олади, бу даврда хотин-қизларнинг нафакат ижтимоий фаоллиги, балки, сиёсий ҳайдаги иштирокини жадаллаштиришга қаратилган ислоҳотлар ҳам амалга оширилди. 2001 йил – “Она ва бола йили” деб эълон килинди.

⁴ Бойкўзиева Р. Ўзбекистонда гендер сиёсатининг истиқболи // Хотин-қизлар камситилишига карши курашнинг сиёсий-ҳукукий, маънавий-психологик муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2008 йил 12 июнь. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқук институти нашриёти, 2008. 113-бет.

⁵ Қиёслаш учун: Россия 84-, Қозогистон 81-ўринда туради.

2004 йил 25 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-кувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3434-сонли ЎзР Президенти Фармони⁶ аёллар хукукларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий хаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган мухим хужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини янада кучайтириш, уларнинг сиёсий хукукларини ошириш соҳасида катор қонунлар қабул қилинди. Хусусан, 2003 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Конуннинг қабул қилиниши аёлларнинг қонун чиқарувчи органлардаги иштирокини янада кенгайтирди. Ушбу қонуннинг 22-моддасида сиёсий партиялар томонидан мамлакат парламенти депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг камида 30 % и хотин-қизлардан иборат бўлиши ҳақидаги талаб киритилди⁷.

Мазкур даврда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигига оид статистик (2000–2005 йилгача бўлган) маълумотлар таҳлилига кўра, корхона ва ташкилотларда ишловчи аёллар нуфузи 43,7 %, иқтисодий тармоқлар бўйича: саноатда 43 %, транспорт ва алоқада 18 %, савдо тармоқларида 54,5 %, соғликни сақлаш ва ижтимоий таъминотда 78,6%, таълим, маданият, фан ва илмий соҳада 69,3 %, молия-кредит, суғурта соҳасида 46,5 %, кишлек ва ўрмон хўжалигида 52,6 % ни ташкил этди⁸. Мулкдор синф вакили: тадбиркор, фермер, кичик ва кўшма корхона соҳиби, хунарманд, касаначи, бизнес, акциядор, менежер, дизайнер каби касб эгалари сифатида хотин-қизларнинг кенг камровли фаолияти учун имкониятлар яратилди.

Илм ва тажрибага эга хотин-қизлар раҳбарлик лавозими, сиёсий партиялар сафида, тадбиркорлик, яъни замонавий касб-хунар соҳасида ҳам фаоллик билан ўз қобилият ва интеллектуал салоҳиятларини намоён эта бошладилар. Сиёсий партия сафида 40%ни, тадбиркорлик соҳасида 28,1%ни аёллар ташкил килганлигини кўриш мумкин⁹.

⁶ <http://lex.uz/docs/214651>

⁷ <http://www.lex.uz/acts/70557>

⁸ Шайхова Х.А. Аёл мавқеи ва унинг мухим муаммолари // Хотин-қизлар камситилишига карши курашнинг сиёсий-хукукий, маънавий-психологик муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2008 йил 12 июнь // Тошкент: Фалсафа ва хуқук институти нашриёти, 2008. 13-бет.

⁹ Шайхова Х.А. Аёл мавқеи ва унинг мухим муаммолари... 13-бет.

Эътиборли жиҳати, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда “Инсон хукуклари умумий декларацияси қабул килингандигининг 60 йиллигига бағишиланган чора-тадбирлар Дастури хақида”ги ПФ-3994-сонли Фармони қабул килинди. Фармон инсон хукуклари, шу жумладан, хотин-қизлар хукуклари соҳасидаги кейинги харакатларни фаоллаштиришда кўшимча дастуруламал бўлиб хизмат килди. 2007–2008 йилларда хотин-қизлар сиёсий фаоллигига икки муҳим воеа бўлиб ўтди: Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба аёл киши Республика Президенти лавозимига номзод қилиб кўрсатилди ва биринчи маротаба аёл киши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси – Парламент куйи палатаси Спикери лавозимига сайланди.

Учинчи боскич – 2010–2016 йилларни ўз ичига олади, ушбу даврда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан илгари сурилган “Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, ислоҳотлар жараённида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлашга оид чора-тадбирлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу боскич давомида 2014 йил – “Соғлом бола йили”, 2016 йил – “Соғлом она ва бола йили” деб номланди. Бу борада қабул қилинган давлат дастурларига биноан, жамиятни барча бўғинларидағи фаолиятида хотин-қизларнинг мавқеи ва даражасини ошириш бўйича аҳамиятта молик кенг кўламли ишлар олиб борилиб, ҳозирга қадар давом этмоқда. Бунда, давлатнинг аёллар ролини оила, жамият ва давлат бошқарувида ошириш, хотин-қизлар уюшмаларининг мамлакат сиёсий ҳаётида фаол иштироки учун тегишли шарт-шароитлар яратиб бериш олиб борилаётган ислоҳотларнинг узвий бўлагига айланди¹⁰.

Тўртинчи боскич – 2017 йилдан ҳозирга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи кизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила

¹⁰ Пўлатов Б. Аёлларнинг ижтимоий-иктисодий хукукларини таъминлашда прокуратура органларининг вазифалари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг олий ўқув курслари ахборотномаси. Тошкент, 2011. № 1. 32-бет.

асосларини янада мустаҳкамлаш” вазифаси белгиланган¹¹. 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим хужжат бўлиб хисобланади. Мамлакатда 2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланиши Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавкеи юксалишининг янги боскичи сифатида эътироф этилди.

Ўзбекистон хотин-қизлари жамият ҳаётининг барча соҳа ва тармокларида ўзларини тўла намоён этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг таъкидлашича: “Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчilik палатаси депутати борлигини, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 %идан зиёдини айнан хотин-қизлар ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўнлаб опа-сингилларимиз “Ўзбекистон фан арбоби”, “Ўзбекистон ҳалқ шоири”, “Ўзбекистон ҳалқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистон ҳалқ артисти” сингари давлатимизнинг юқсак фахрий унвонларига сазовор бўлганлар. Шулар қаторида 240 нафар ёш истеъодод эгаси Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган ва уларнинг сафига бу йил яна 15 нафар иқтидорли қизларимиз қўшилмоқда”¹².

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавкеи социологик тадқиқотлар орқали ўрганилиб, унга кўра, 94 % респондентлар аёлларнинг кам иш ҳаққига қарамасдан ўз иш жойларини тарк этмасликларини билдирганлар. 2018 йилда муаллиф томонидан “Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар” мавзусида Сирдарё ва Тошкент вилоятлари Хотин-қизлар қўмитаси раислари ва фаол аёллар билан сўровнома ўтказилди. Унинг натижасида эгаллаган лавозимларида респондентларнинг 32 %и хукуки бузилиши билан боғлик муаммолар, 13 %и оиласвий муаммолар, 13%и тураг жой етишмаслиги

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари миллий база-си”нинг веб-сайти – www.lex.uz.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халкаро хотин-қизлар байрамига бағишлиланган учрашувдаги нутки // <http://uza.uz/oz/politics/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-khal-06-03-2017>

билин боғлиқ муаммоларга дуч келишларини кўрсатгандар. Аслида касбий қийинчиликлар, бир томондан, аёлнинг ишдаги юкламалари, иккинчи томондан, уйдаги юмушлари билан кўшилиб кетади. Окибатда аёл кишида чарчаш, асад бузилиши, зўрикиш, вактдан ютказиш, вазифани уddyалай олмаслик ва бошқа ҳолатлар юзага келади. Албатта, бундай омиллар аёл кишининг самарали фаолиятига тўскинилк килади. Оилавий шароит аёл кишининг профессионал мавқеига жиддий таъсир кўрсатади. Иш ва оиласдаги фаолиятни бирга олиб бориш, маълум маънода, аёл киши фаолиятини чегаралашгага, меҳнат лавозимида ўсишнинг мураккаблашувига, ишда қийинчиликларга учрашига сабаб бўлмоқда.

Ўзбек аёли Шарқ вакили сифатида ментал хусусиятларга эга ва уларнинг ўзини-ўзи англаш этиши масаласига ўзига хос ёндашув тақо佐 этилади. Шу туфайли, бу масалада қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этади:

1) ижтимоий ҳимоялаш; 2) ижтимоий қўллаб-кувватлаш; 3) ижтимоий рағбатлантириши.

Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш уларнинг хуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришdir. Ижтимоий қўллаб-кувватлаш уларга иктисолид, моддий ва меҳнат унумдорлиги жиҳатидан қулай шарт-шароитлар яратиб беришdir. Ижтимоий рағбатлантириш эса хотин-қизлар бандлигини ошириш, маънавий юксалтириш ва имтиёзлар қўламини кенгайтириб боришдан иборат. Бу масалалар бўйича жамиятимизда бугунги кунда муайян тажриба тўпланди. Эндиликда ана шу тажрибалардан унумли фойдаланиб, мавжуд муаммоларни изчил ҳал килиб бориш лозим бўлади.

Энг аввало, бундай киёфани тенг хукуқлиликни англаш, ўз имконияти ва кобилияти (лаёкати)ни англашган ҳолда жамиятнинг барча жабхаларида иштирок этиш белгилайди. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, турли ижтимоий роллар нафакат ижтимоий ва меҳнат фаолияти иштирокчиси, балки “уй бекаси” ва “она” вазифаларини ўйғунлаштиришни ҳам англаш этиш учун муҳим. Аёллар турли варианtlарни танлаб оладилар. Аслида, кўпгина аёллар учун оиласнинг барқарорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқенини оширишга қаратилган саъй-харакатлар натижасида ташаббускор, машаққатлардан кўрқмайдиган ишбилармон аёлларнинг майдонга чиқиши ижтимоий воқеалиқдаги ижобий тенденциялардан биридир. Демократик ислоҳотларнинг шаклланиш жараённада хотин-қизларнинг оиласдан ташкарида меҳнат килиш,

жамоат ишларида фаоллик кўрсатиши, раҳбарлик лавозимида фаолият олиб бориши учун имкониятлари кенгайди.

Юкори тафаккур, ишбилармонлик, тадбиркорлик аёл табиати учун хос хусусият. Агар эркак киши узок муддатли режалар тузишга мойил бўлса, аёл киши аниқ, ишончли, кафолатли натижани шу ерда ва тегишли холатларда кўради. Аёл киши эркак кишига нисбатан ўзи ҳамда ўзгаларнинг хатосини яхшиrok англай олади, у ўз фикри ва гояларини аниқ ифода қиласи, жиддий ишни бошқа нарсадан фарқлай билади. Шу билан бирга, ишбилармон аёлнинг лавозимда ўсишига халақит берадиган асосий тўсиқ муаммоларни очишида аниқ хulosага кела олмаслик, ўз хиссиятига берилиб кетиши хисобланади. Шу маънода, тажрибали раҳбар эркакнинг тадбиркор аёлга маслаҳат бериб туриши муҳим аҳамият касб этади.

Аёлнинг раҳбарлик лавозими пиллапояларидан кўтарилиши осон кечмайди. Чунки, ишбилармон аёл доимо ўзи танлаган иши билан банд эканлигини исботлаши керак. Замонавий аёлда бир катор устун жиҳатлар мавжудки, уларни амалга ошириш билан у ўз фаолиятини самарали олиб борувчи раҳбар даражасига эришиши мумкин. Етакчи аёл мавжуд вазиятнинг мураккаб жиҳатларини тўлиқ хис эта олади. У жамоадаги ходимлар меҳнатини муносиб баҳолаш ва уларнинг хатти-ҳаракатларини олдиндан сеза билиш хусусиятига эгадир.

Муаллиф томонидан 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида малака ошираётган 48 шахар ва туман хотин-қизлар кўмитаси раислари орасида эксперт сўрови ўтказилди.

Сўровда республика миқёсидаги сиёсий ва ижтимоий соҳада хотин-қизларнинг иштироки ўрганилди. Анкета саволларининг айримлари хотин-қизлар фаоллигини умумлашган тарзда ифодаласа, бошқалари турли соҳалардаги мавқенини аниқлашга қаратилди. Хотин-қизларнинг сайловлардаги иштироки, партиялар фаолиятидаги хиссаси ҳамда жамоат ташкилотлари, хусусан, касаба уюшмаси фаолиятидаги иштирокига оид жавоблари аникланди. Бундан ташқари, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги фаол хотин-қизлар қиёфасини экспертлар фикри тарзида ҳам аниқлаш масалалари сўровнома саволларига киритилди. Сўровномадаги “Ижтимоий фаол аёл деганда кимни тасаввур этасиз?” деган савол айнан шу масалани ойдинлаштиришга ёрдам берди. Хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий соҳадаги мавқенини мустаҳкамлашга ёрдам ва халақит берувчи омилларни аниқлаш ҳам тадқиқотнинг алоҳида нуқтасига айланди. Шу масала юзасидан респондентларга хотин-қиз-

ларнинг ижтимоий мавкеини янада мустаҳкамлашга ёрдам берувчи омилларни, аксинча, бу соҳада тўсқинлик килювчи шахсий сифатлар ва омилларни аниқлашга қаратилди. Ушбу саволларга бериладиган жавоблар очик характерга эга бўлиб, респондентнинг ўзи ўйлаган жавобларни ёзиши талаб килинди.

“Нима деб ўйлайсиз, республикамиз хотин-кизларининг ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан мавкеи қай даражада?” деган саволга респондентларнинг 42,5 % и “юкори” деб жавоб берганлиги мамлакатда аёлларнинг ўз фаолиятига ишончи ошганлигини кўрсатади. Буни республика миқёсида бўлиб ўтаётган ижтимоий ва сиёсий жараёнларда хотин-кизлар реал иштирокининг ҳолати ҳам кўрсатиб турибди.

Мавке, аввало, сайловларда намоён бўлиши табиий ҳол хисобланади. “Сизнингча, республикамизда ўтаётган маҳаллий, вилоят ва республика миқёсидаги олий органларга сайловларда аёл номзодлар кўпми ёки камми?” деган саволга 90 % жавобда “Сайловларда аёл номзодлар кам микдорда катнашадилар” деган фикрнинг айтилиши бу соҳада кўплаб ишларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатади. Айниқса, хотин-кизлар кўмиталари томонидан аёллар учун сайловларда иштирок этиш бўйича берилган 30 % ли имтиёздан фойдаланиш бўйича жойларда тарғибот ишларини кучайтириш талаб этилади. Буни 62,5 % респондентларнинг республика шаҳар, вилоят ва олий органларида аёл депутатлар сонини ошириш кераклиги ҳақидаги фикрлар ҳам тасдиклайди.

Хозирги даврда, хотин-кизларнинг жамият хаётининг турли соҳалидаги мавкеи ошган. Шу жиҳатдан респондентларнинг 57,5 % и “Республикамизнинг етакчи аёллари давлат бошқарувидаги аёлларга, оналик ва болаликка тегишли масалаларни ҳал этишда фаол қатнашадилар”, деб хисоблаши юкоридаги фикрнинг исботи сифатида хизмат килади. Факаттина 10 % жавобларда бошқарув қарорлари қабул қилишда етакчи аёлларнинг таклиф ва мулоҳазалари инобатга олинмайди, деган фикрни учратиш мумкин. Сиёсий партияларда фаолият олиб бораётган хотин-кизларнинг мавкеи нисбатан юкори баҳоланганигини (47,5 %) ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Сўровнома саволларида, юкорида таъкидлаганидек, “Хотин-кизларнинг ижтимоий мавкеини янада мустаҳкамлашга ёрдам берувчи омиллар қайсилар?” деган интегратив, яъни барча жиҳатларни умумлаштирувчи савол киритилиб, жавоб варианtlари сифатида 11 та индикатор белгиланган ва респондентлар уларнинг ахамият даражасига қараб ракамлашлари зарур эди. Респондентлар

назаридаги “хотин-қизларнинг билими ва саводхонлигини ошириш” (25 нафар респондентнинг эътирофи) хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини янада мустаҳкамланишига ёрдам берувчи омил ҳисобланар экан.

Ўз навбатида, “Хотин-қизларнинг ижтимоий соҳада мавқеини мустаҳкамланишига тўсқинлик қилувчи шахсий хислатлар ва омилларни белгиланг” деган масалага ҳам респондентлар ўз муносабатини билдирганлар. Бундай шахсий сифат ва омилларнинг 25 таси саволномада келтирилган бўлиб, шулар ичидан “Ўз устида мунтазам ишламаслик” энг кўп ҳолатда (28 та) келтирилган. “Малакасини ошириб турмаслик” (28 та), “маълумотининг пастилиги” (27 та) каби шахсий хислатлар ҳам айтиб кетилган. Шу билан бирга, аёлларнинг ижтимоий соҳада фаоллик қилишида тўсқинлик қиласиган омилларга “Эри борлиги” (30), “Аёл эканлиги” (28), “Бевалиги” (25) ҳолатлари кўрсатилган.

Кўриниб турибдик, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавқеда ўзларини бош кафолат сифатида қарамоқдалар. Илгаридагидек бу масалада аёллик ёки оилани баҳона қилиш ҳолати тобора камайиб бормоқда. Бу эса мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг дунёқараши ва жамоатчилик фикрида илғор қарашларнинг шаклланаётганидан далолат беради.

Социологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, иштирокчиларнинг фақаттинга 5,2 %и ўзининг ҳукуқий саводхонлигини юкори, 24,9 %и яхши, 47,9 %и ўртача, 14,6 ва 2,0 % и тегишлича паст ва жуда паст деб баҳолаган. Яшаш жойи (шаҳар, қишлоқ), ёши, маълумоти, ижтимоий ҳолатига боғлик равишда ўз ҳукуқий саводхонлигига баҳо беришида бир қатор тафовутлар кузатилди. Жумладан, шаҳарлик аёлларнинг 26,1 %и, қишлоқда яшовчи аёлларнинг 24,1 %и ўзининг ҳукуқий саводхонлик даражасини “ижобий” деб баҳолаган. Олинган натижалар таҳлилига кўра, бирор партия ёки ижтимоий ташкилот фаолиятида иштирок этиш орқали сиёсий ҳаётда фаолият кўрсатишни хоҳловчиларга нисбатан, ўзининг сайлов ҳукукидан, яъни овоз бериш ҳукукидан фойдаланадиганлар кўпроқ эканлиги аникланди.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2017 йил апрель ойида ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра “Сизга Президентнинг қарори бўйича маҳаллий ташкилотлар органи томонидан ижтимоий ҳимоя кўрсатиляптими?” деган саволга 57,2% респондент ижобий жавоб берди. Респондентларнинг 46,4% ижтимоий-сиёсий ҳаётдан қоникиш ҳосил қиласиган холда барча шарт-шароитлар мавжудлигини айтганлар. “Сизнинг шаҳар

ва туманингизда хотин-кизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги қай даражада?” деган саволга респондентларнинг 11,8 %и юкори, 56,4 %и ўртacha деб баҳо беришган. “Сизнинг фикрингизча, хотин-кизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун туман ва шахарларда зарурий шарт-шароитлар яратилгандиги қай даражада?” деган саволга 2016 йилда 36,8 % респондентлар ижобий жавоб берган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 42,4 % ни ташкил этган. Шаҳар ва туман дараҷасидаги аёлларнинг бошқарув органларида ишлашларини 23,9 % респондент “етарлича юкори” деб баҳолаган бўлса, 52,5 % респондент “ўртacha” деб баҳолаган¹³.

Хозирда давлат бошқарувида аёлларнинг иштироки борган сари фаоллашмоқда. Хусусан, бугунги кунда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 %, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 % хотин-кизлардан иборатдир. Бундан ташқари, сўнгги йиллар давомида ижро хокимияти идораларида ҳам аёлларнинг фаолият кўрсаткичлари 5 баробарга ошди – 3,4 %дан 16%га етди. Аёллар қаноти тузилгани боис мамлакатдаги сиёсий партияларда хотин-кизларнинг сони ҳам ошди. Сўнгти маълумотларга кўра, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида уларнинг сони 35 %дан 38 %га, “Миллий тикланиш” демократик партиясида 40%дан 46 %га, Халқ-демократик партиясида 41 %дан 56 %га, “Адолат” Социал демократик партиясида 38 %дан 49 %га етди¹⁴. Махаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла тизимларида ҳам аёллар иштироки кенгайди.

“Ижтимоий фикр” маркази томонидан 2016 йилда ўтказилган “Сиз сиёсатга қизиқасизми?” деган саволномада иштирок этган аёл респондентларнинг 60,9 %и қизиқишини, 19,7 % эса жуда ҳам қизиқишини, 36,5 %и сиёсатга қизиқмасликларини билдирганлар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хотин-кизлар ижтимоий-сиёсий мавқеи бевосита уларнинг ёшига ҳам боғлиқ, хусусан, респондент хотин-кизларнинг “20 ёшгача бўлганлари (68,4 %) сиёсатга қизиқишлиари, 50 ёш ва ундан юкори бўлганлари (42,6 %)” сиёсатга қизиқмасликларини айтганлар. Шунингдек, “Сиз кайси сиёсий партия фаолиятида иштирок этишни хоҳлайсиз” деган саволга респондентларнинг 21% сиёсий партиялар

¹³ Сўров мамлакатимизнинг барча вилоятларида, Коракалпогистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ўтказилиб, унда 1589 респондент иштирок этган. Респондентларнинг 34,3 % и шаҳарда ва 65,7 % и кишлек жойларда истикомат қиласди.

¹⁴ Замонавий Ўзбекистон хаётида аёллар ўрни. “Жаҳон” AA Iyul 25, 2018. // <https://uzbekistan.lv/uz/>

харакатида иштирок этишни хоҳлашларини, 13 % жавоб беришга кийналишлари, 66 %и хоҳламасликларини» билдирганлар¹⁵.

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт, айниқса, сиёсат олами хотин-қизлар фаоллигини намоён этувчи соҳа хисобланади. Шу маънода, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорликда чоп этган “Аёллар сиёсатда: 2008” жаҳон харитаси мъълумотлари эътиборга молик. Ушбу харитада парламентдаги аёллар сони бўйича биринчи ўнликда Швеция (47,0 %, 164/349), Финляндия (41,5 %, 83/200), Аргентина (40,0 %, 102/255), Нидерландия (39,3 %, 59/150) давлатлари жой олган. АҚШ рўйхатда 71-ўринни, Ўзбекистон 67-ўринни эгаллаган¹⁶. Бугунги кунда жаҳонда сиёсий сайловларда аёлларнинг иштироки тобора ошиб бормоқда. Бу аввало парламентларга хотин-қизлар учун квота ўринларининг ажратилиши билан боғлик. 2017 йилга келиб дунё миллий парламентларида бу ракам 2016 йилга нисбатан 22,3 % дан 27,1 %га кўтарилди. 20дан ортиқ давлатнинг парламентларида 30% ўрин аёллар томонидан эгалланди¹⁷. Жаҳон парламентлараро иттифоқининг “Парламентда аёллар 2017” статистик шарҳида келтирилишича, биринчи ўринни Руанда (61 %), иккинчи ўринни Боливия (53,1 %), учинчи ўринни Куба (48,9 %) эгаллаган. Коғозистон 27,1 % билан 57 ўрин, Ўзбекистон 16 % билан 127 ўринни банд этди¹⁸. Афсуски, бу ракамлар Ўзбекистон парламент аъзолари орасида аёллар улуши бўйича 2008 йилга нисбатан анча пасайғанлиги ни кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самараси бевосита аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги билан чамбарчас боғлиқлигини ижтимоий ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Хусусан, Ўзбекистон хотин-қизларнинг хукукларини химоя килишининг тамойил ва нормаларини тартиблаштирувчи халқаро асосий таянч хужжатларга кўшилди. Шунингдек, халқаро стандартларни хисобга олган ҳолда оналикни муҳофаза килиш, хотин-қизларнинг мавқеини янада мустаҳкамланиши учун барча

¹⁵ Ниязова Н. Гендер ёндашуви нуктаи назаридан сиёсий иштирок масалалари. Тошкент, Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари. 2015. 4-сон. 128-бет.

¹⁶ Женщины в политике: 2008 год // http://archive.ipu.org/pdf/publications/wmnmap08_ru.pdf

¹⁷ Женщины в политике: представительство в парламентах, министерствах. 14/03/2018. // <https://theworldonly.org/women-in-politics/>

¹⁸ Женщины в мировой политике: от Руанды до России (инфографика) 08.03.2017.// <https://www.dw.com/ru/>

шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган гендер тенглик ва маҳсус чора-тадбирлар бўйича миллий конунчилик шакллантирилди. Бўлажак оналар ва болаларнинг соғлиғини муҳофаза килиш, соғлом авлодни тарбиялаш тизимларини ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар амалга оширилди. Энг мухими, хотин-қизлар мавқеини мустаҳкамлаш бўйича фаолиятларни мувофиқлаштирувчи институционал база яратилди ва уни муҳофаза килиш ҳамда қўллаб-куватлаш бўйича қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

М. ГАФФОРОВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАВҚЕИННИНГ ОШИРИЛИШИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ: ТАРИХИЙ-СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Мазкур мақолада мустақиллик йиллари Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий-хуқукий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, уларнинг социал, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилиши соҳасидаги иштирокини таъминлашга каратилган давлат сиёсатининг моҳияти, бу борада қабул қилинган конун ҳужжатлари босқичмабосқич таҳлил этилган. Шунингдек, муаллиф томонидан ва “Ижтимоий фикр” маркази ўтказган ижтимоий сўровномалар асосида бу жараёнга ёндашувлар ўрганилган.

Калим сўзлар: хотин-қизлар манфаатлари, ижтимоий-сиёсий мавке, хуқукий муносабатлар, миллий конунчилик, аёлларнинг роли, ижтимоий тадқиқот, жамоатчилик фикри.

М. ГАФФАРОВА**ПОВЫШЕНИЕ СТАТУСА ЖЕНЩИН И ЗАЩИТА
ИХ ИНТЕРЕСОВ В УЗБЕКИСТАНЕ:
ИСТОРИКО-СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ**

В данной статье анализируется государственная политика, направленная на оказание социальной и правовой поддержки женщин в Узбекистане. Также показаны факторы повышения их социальной и политической активности и обеспечение их участия в общественном строительстве. Кроме того, по социологическим опросам, проведенным центром «Общественное мнение» и самим автором, были проанализированы подходы, применяемые к этому процессу.

Ключевые слова: интересы женщин, общественно-политический статус, правоотношения, национальное законодательство, роль женщин, социологические исследования, общественное мнение.

M. GAFFAROVA**IMPROVEMENT OF THE STATUS AND PROTECTION
OF WOMEN'S INTERESTS IN UZBEKISTAN:
HISTORICAL AND SOCIOLOGICAL ANALYSIS**

This article analyzes the state policy aimed to provide social and law support to women in Uzbekistan. Also there have been shown the factors that increase their social and political activity and ensure their participation in society's building. In addition, according to sociological surveys conducted by the center "Public opinion" and the author himself there have been analyzed the approaches applicable to this process.

Keywords: women's interests, socio-political status, legal relations, national legislation, the role of women, sociological research, public opinion.

Ёши тадқиқотчи минбари

Н. КАРИМОВ

ХОРИЖДА ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ МАКТАБИННИГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

Маълумки, VIII–XIV асрлар ислом дини ривожининг юксак босқичи бўлиб, аксарият олимлар бу даврни “ислом динининг олтин асири” сифатида эътироф этган¹. Айнан шу даврда ислом цивилизацияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган кўплаб олимлар етишиб чиккан. Ислом динида тасаввufий тушунчалар мөҳияти, валийлик атамаси, сўфийлик каби тушунчаларни дунёвий илмлар асосида илк маротаба очиб берган мутафаккир аллома Ҳаким Термизий улар қаторидан мунособиб ўрин олган олимдир. Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий² бўлиб, тахминан 132–142/750–760 й. – 255/869 йиллар оралиғида яшаган³. Ҳаким Термизий 80 дан (баъзи адабиётларда 400дан) ортиқ илмий асарлар муаллифи ва Шарқ тасаввufшунослигининг машҳур намоёндаси ҳисобланади. Аллома ҳаёти араб халифалиги гуллаб-яшнаган даврга тўғри келиб, бу мухит унинг етук олим бўлиб шаклланишида мухим роль ўйнади⁴.

¹ George Saliba. A History of Arabic Astronomy: Planetary Theories During the Golden Age of Islam. New York University Press, 1994. Pp. 245, 250, 256–57.; King David A. The Astronomy of the Mamluks. Isis. 74 (4): 1983. Pp. 531–55.; Hassan Ahmad Y. Factors Behind the Decline of Islamic Science After the Sixteenth Century. In Sharifah Shifa Al-Attas. Islam and the Challenge of Modernity, Proceedings of the Inaugural Symposium on Islam and the Challenge of Modernity: Historical and Contemporary Contexts. Kuala Lumpur, August 1–5, 1994; International Institute of Islamic Thought and Civilization (ISTAC), 1996. Pp. 351–99.

² Убайдулла Уватов “Икки буюк донишманд” китобида баъзи муаррихлар, масалан, аш-Шаароний ўзининг “ат-Табакот ал-кубро” асарининг 78-саҳифасида Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али ибн ал-Ҳусайн ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий шаклида келтирганилги қайд этилган.

³ Манбаларда аллома 112, 116, 120 йил яшаганлиги қайд этилган.

⁴ Историко-культурные традиции эпохи Хакима Тирмизи и ее значение в мировой цивилизации. Душанбе: Дониш, 2016. 15-б.

Бу даврда халифаликнинг барча худудида диний ва дунёвий илмлар ривожланиб, хусусан, Бағдод, Куфа, Басра, Мадина, Нишопур, Балх, Бухоро, Термиз ва бошқа шаҳарларда илм-фан марказлари вужудга келган⁵. Илм истовчилар ислом дунёсининг каерида кучли олимлар бўлса ўша минтақаларга борган. Ҳар бир минтақа ислом дини тараккиётида ўзига хос ўрин тутган. Бағдод ўзининг фикҳшунослик мактаби (илм ал-фикҳ) билан машҳур бўлган ва у бевосита Абу Ҳанифа (ваф.150/767) ғоялари асосида фаолият юритган. Араб тили ва грамматикасини ўрганмоқчи бўлгандар эса Басра ва Куфага бориб таҳсил олган. Ҳадис илми учун Мадина ва Ҳижоздан муносиброк жой бўлмаган⁶. Мазкур шаҳарлар мактаблари учун Имом Малик (ваф. 179–180/795–796) ғоялари асос қилиб олинган. Ислом цивилизациясида Мовароуннахр ҳам етакчи рол ййнаган. Бу минтақада Имом Бухорий (ваф. 260/874), Абу Исо Термизий (ваф. 279/892), Ҳаким Термизий каби ислом олимлари етишиб чиккан.

Мовароуннахр худудида фаолият юритган диний мактаблар, уларнинг ислом дунёсидаги даражаси ва роли анчайин мураккаб мавзудир. Ушбу мақолада хорижлик олимларнинг Ҳаким Термизий илмий мактаби борасида билдирган фикр-мулоҳазалари яъни, уни қайси мактаб вакили сифатида эътироф этилганлиги, “ал-ҳакимия” оқими ва Ҳаким Термизий орасидаги алокадорлик даражаси, шунингдек, Ҳаким Термизийнинг бошқа тасаввуфий оқим ва тариқатларга таъсири сингари масалалар энг сўнгти адабиётлар асосида таҳлил қилинади.

Аксарият термизийшунос олимлар⁷ Ҳаким Термизий илмий меросини тубсиз уммон сифатида баҳолашади. Чунки, у ўз даврининг мухаддиси, фикҳшуноси, мутасаввуфи, асторономи, файласуфи бир сўз билан айтганда “ал-ҳаким” – донишманди бўлган. Мазкур соҳаларнинг ҳар бирида чукур илмий маъно-мазмунга эга асарлар ёзган. Хусусан, биргина Ҳаким Термизий тасаввуф таълимотида “Хатм ал-ав-

⁵ Muhammad al-Geyoushi. Al-Tirmidhi, his works and his opinions on Sufism. The university of London, Ph.D. diss., 1970. P. 10.

⁶ El-Geyoushi Muhammad Ibraheem. The Influence of al-Tirmidhi on Sufi Thought // Islamic quarterly, XX no.3. 1978. Pp. 104-115.

⁷ Heer N. Some Biographical and Bibliographical Notes on al-Hakim al-Tirmidhi // The World of Islam: Studies in Honour of Philip K. Hitti, edited by James Kritzeck and R. Bayly Winder, London, 1959. Pp. 121–134.; Sviri S. Words of Power and the Power of Words: Mystical Linguistics in the Works of al-Hakim al-Tirmidhi // Jerusalem Studies in Arabic and Islam, The Hebrew University of Jerusalem the Faculty of Humanities, 2002. № 27. Pp. 204–244.

лиё” номли китоби оркали “валийлик назарияси”га⁸ асос солган. Адабиётларнинг кўрсатишича, ундан сўнг валийлик ҳақидаги тасаввурлар бевосита Ҳаким Термизий қарашлари таъсири остида шакланган⁹. Аллома валийлик ҳақидаги қарашларни бир тизимга солиш, унинг аниқ чизгиларини “чишиш” ва белгилаш масаласида мухим ўринга эга. У илк бор валийликнинг белги ва даражаларини аниклаб, “хотам ал-авлиё” иборасидан фойдаланган. Ҳаким Термизийнинг “хатму-л-авлиё” – “пайғамбарлик мухри”¹⁰ (Муҳаммад с.а.в.) бўлгани каби “валийлар мухри” хам мавжудлиги, охиратда барча анбиёлар “Хотаму-л-анбиё” – Муҳаммад (с.а.в.) нинг шафоатларига муҳтож бўлгани каби, авлиёлар хам “Хотаму-л-авлиё”нинг шафоатига муҳтож бўлиши ҳақидаги ислом таълимотида муқаддам учрамаган қарашлари турли даврларда кескин мунозараларга сабаб бўлган. Жумладан, Ибн ал-Арабий бу ғояларни давом эттириб, ўзини “хатм ал-авлиё” эканини эълон килган бўлса, Ибн Таймия бу ғояни куфр деб баҳолаб, ал-Ҳаким ат-Термизийни хам, Ибн ал-Арабийни хам кескин танқид остига олган¹¹.

Ҳаким Термизий илмий мероси борасида Ғарбда талайгиниа ишлар амалга оширилган. Хорижлик олимларнинг Ҳаким Термизий асарларини тадқик этиш сабабларидан бири унинг чукур илмий асосга эга асарлар ёзганлигидир. Қолаверса, аллома ёзма мероси борасидаги баҳсли масалалар хам тадқик этишга ундаган бўлиши мумкин. Ху-

⁸ Ҳаким Термизий ўзининг “Илм ал-авлиё”, “Хатм ал-авлиё”, “Манозил ал-ибод”, “Маърифат ал-аспор”, “Фавр ал-умур” асарларида валийлик таърифи, сифатлари ва даражалари ҳақида маълумот берган. Масалан, “Илм ал-авлиё” асарининг биринчи бўлимида валийлик мавзусига тўхталиб, куйидаги фикрларни билдирган: “Аллоҳ таоло валийни Ўзига томон кўттарган ва умматларидан унга яширин каромат ато этган. Улар ўзларини ёмон ишлардан узок туттганлар ва ёмон хаёллардан ўзларини тийганлар. Валийлар Аллоҳ таолонинг ердаги хос кишиларидир. Қиёмат куни пайғамбарлар ва шахидлар уларнинг Аллоҳ олдидаги мақомларини кўриб хавас қиласидар”. Яъни, Ҳаким Термизий “Валийларга итоат” килиш худди халифалар ва пайғамбарларга итоат килиш каби вожибидир”, – деган фикрларни билдирган ва Аллоҳ таолони куйидаги оятини мисол килиб келтиради: “...Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошликларга итоат этингиз!”. Ҳаким Термизий ёзма меросининг мазмун-моҳияти ҳақида аниқ тасаввур бўлмаса, юқоридаги фикрларни нотўғри талкин килиш мумкин. Шу сабабли хам ўз даврида олим тазийкка учраган ва маълум муддатга она шаҳрини ташлаб кетишга мажбур бўлган.

⁹ Усмонов И. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимотининг ибн ал-Арабий қарашларига таъсири // Имом ал Бухорий сабоклари, 2003. № 4. 185-б.

¹⁰ Ахзоб сураси, 40-оят.

¹¹ Усмонов И. Тасаввуф. Тошкент: Ислом университети, 2012. 191-б.; Уватов У. Икки буюк донишманд. Тошкент: Шарқ, 2005. 63-б.

сусан, “Хатм авлиё” китоби сабаб унинг динсизликда айбланиши”¹², эътиқод ва ахлоқ асосларига қарши бориш айблови¹³, “валийларни набийлардан устун қўйиши”¹⁴, Айникса, унинг “Хотам ал-анбиё” бўлганидек, “Хотам ал-авлиё” хам бор мазмунли фикри¹⁵ хорижлик тадқиқотчиларни ўзига жалб қилган бўлса ажаб эмас.

Фарбда Ҳаким Термизий илмий меросининг кўлами ва тасаввуйфий қарашларига оид дастлабки фикрлар муаллифи Л. Массиньондир. Унинг 1922 йил эълон килинган “Essai sur les origins du lexique technique de la mystique musulmane”¹⁶ номли тадқиқотида алломанинг қайси мактаб вакили бўлгани баён қилинмаган. Аммо, Ҳаким Термизий “маломатия”¹⁷ тасаввүф мактабига катта таъсир қилган, Ибн Арабий фалсафий дунёси асосларини яратган, нақшбандийлик тариқати устунларини белгилаб берган олим эди”, дея фикр билдирган¹⁸.

1970 йилда Лондон университетида химоя килинган Муҳаммад Иброҳим ал-Жилюйининг “Ҳаким Термизий, унинг асарлари ва сўфийликка оид фикрлари” номли докторлик ишида¹⁹ Ҳаким Термизийнинг қайси мактабга мансублиги борасида аниқ фикрлар билдирилмаган бўлса-да, муаллиф Ҳаким Термизий ўзига отаси – Али ибн

¹² Тожиддин Субкий. Аш-шофеъийә ал-кубрә. I жилд. 6 томлик / Мустафо Ахмад Ато нашрға тайёрлаган. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1999. 448-б.

¹³ Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. М.: Диля, 2004. 119-б.

¹⁴ Massignon L. Kitab al-Tawasin par Abou al-Moghith al-Hosayn Ibn Mansour al-Hallaj. Paris, 1913. 270 р.; Адам Мец. Мусульманский Ренессанс / пер.с нем. Д.Е. Бертельса. М.: Наука, 1973. 234-б.

¹⁵ Кныш А.Д. Ат-Термизий // Ислам: энциклопедический словарь. М.: Наука, 1991. 237-б.

¹⁶ Биз фойдаланган инглиз тилидаги таржимаси. Essay on the Origins of the Technical Language of Islamic Mysticism by Louis Massignon; translated by Benjamin Clark. – Indiana: University of Notre Press, 1997. P. XVI.

¹⁷ “Маломатийлик” (مَلْمَاتِيَّة) IX асрда Нишопур худудида вужудга келган тасаввүфий гуруҳdir. Маломатийлар карромийларнинг “ўзини ошкора намойиш этиш оркали таълимотини тарқатиш” гоясига карши бўлган. Ҳаракатнинг асосий гояси – нафс тарбияси ва риёзат. Маломатийларни бошка замондош тасаввүфий тоифалардан фарқлаб турувчи томони, улар Аллоҳ кузуррида ихлостга эришиш учун нафсни айб ва иллатлардан муолажа килишга асосий эътиборни қаратган. Маломатийларнинг асосий жихатлари: маҳсус кийимга бурканиб олмаслик; жаҳрий зикрдан хафий зикрни афзал кўриш; мақсадсиз дарбадар юришдан кайтариш.

¹⁸ Essay on the Origins of the Technical Language of Islamic Mysticism by Louis Massignon; translated by Benjamin Clark. – Indiana: University of Notre Press, 1997. P. 199.

¹⁹ Muhammad al-Geyoushi. Al-Tirmidhi, his works and his opinions on Sufism. The University of London, Ph.D. diss., 1970.

ал-Ҳасан ва Ҳизр алайҳиссаломларни устоз деб билганлиги хақида маълумот берган. Бироқ, ал-Жиюший аллома кимдан ҳадис ривоят килганига қараб алломанинг тахминий 164 та устозлари исмларини келтирган ҳамда улар тўғрисида кискача маълумот тақдим килган. Тадқиқотчи манбаларга асосланиб, Ҳаким Термизийнинг Жаъфар ибн Ҳайсом (ваф. 360/971), Абу Бакр ал-Варроқ Муҳаммад ал-Ҳаким (ваф. 294/906 – 907), Яхё ибн Мансур ал-Қозий (ваф. 350/961), Аҳмад Ибн Муҳаммад ибн Исо, Ал-Ҳасан ибн Али ал-Жузжоний, Мансур ибн Ҳолид ал-Ҳаравий исмли 6 нафар шогирлари бўлганлигини қайд этган. Шунингдек, ал-Жиюший Ҳаким Термизийнинг Балхга саёҳати тўғрисида ҳам фикр билдириб, “маҳаллий аҳоли билан ғоявий карашларда ўхшашлик бўлгани боис Ҳаким Термизийни Балхда илик кутиб олишганини, мазкур саёҳат сабаб олим нафс масаласида янги назариялар яратганлигини эътироф этган. Тадқиқотчи фикрларининг исботи сифатида олимнинг Муҳаммад Ибн Фадл (ваф. 319/931 й.) ва Абу Усмон Саид ал-Хири (ваф. 298/911 й.)га йўллаган мактубларини келтирган. Улар ўша пайтда Балхнинг энг машҳур олимлари ҳамда маломатийлик тариқатининг етакчилари бўлишган. Демак, Балх саёҳати Ҳаким Термизийга маломатийлик тариқати билан яқиндан танишиш имкониятини бериш билан бирга, ундан маълум микдорда таъсираншиига олиб келган. Айниқса, алломанинг нафс табиати ҳақида ёзган асарларида маломатийлик кайфияти билиниб туради, деб ал-Жиюший хулоса килган²⁰. Аммо, “Лисон ал-Мезон”²¹, “Тазкират ал-Хуффоз”²² каби тарихий манбаларга кўра, Балхга саёҳат ёки “кувғин” Ҳаким Термизийнинг ҳаёти нихоясида юз берган. Бу пайт унинг “Хатм ул-авлиёй” ва “Илал аш-Шария” каби асарлари аллакачон танқидга учраган давр бўлган. Бироқ, аллома бу давргача олим сифатида шаклланиб ултурган ва ўзининг мустакил фикрига эга бўлган. Маломатийлик вакиллари билан эса ўз мулоҳазаларини бўлишган. Ҳаким Термизий маломатия вакиллари билан илмий баҳсларга киришган, уларни аксарият ҳолларда танқид килган. Бундан кўринадики, юкоридаги фикр нотўғри бўлиб, аксинча маломатийлик аллома назариясидан таъсиранланган. Маломатийлик, карроматийлик каби мактаблар фаолиятини ўрганган

²⁰ Muhammad al-Geyoushi. Al-Tirmidhi, his works and his opinions on Sufism. The University of London, Ph.D. diss., 1970. P. 37.

²¹ Ал-Аскalonий. Лисон ал-мезон. Ҳайдаробод. Ҳижрий 1329–1331. Жилд 5. 308–310-бетлар.

²² Аз-Захабий. Тазкират ал-хуффаз Ҳайдаробод. Ҳижрий 1333. Жилд 2. 197-б.

Сара Свири²³ Ҳаким Термизийнинг ижодини алоҳида мактаб сифатида тадқиқ этишини таклиф қилади²⁴.

1975 йил чоп қилинган Анна Мария Шиммелнинг “Исломнинг тасаввуфий жиҳатлари” номли китобида Ҳаким Термизий ҳаётига оид кизикарли маълумотлар учрайди²⁵. Жумладан, “Саҳл Абдуллоҳ ат-Тустарийнинг ёш замондошларидан бири Ҳаким Термизийдир. Унинг исмидаги “ҳаким” юонон фалсафасини ўзлаштирганидан дарак беради. Термизий Балх ва Ироқда узоқ йиллар яшаб, шофийлик мактаби сирларини ўрганинг ҳамда Х асрнинг бошларида Макка шаҳрида вафот этган”. А. Шиммел фикрича, Ҳаким Термизий Шақиқ ал-Балхий (ваф. 194/810 й.) ва Ҳатим ал-Асом (ваф. 237/852 й.)нинг Балхдаги янги Афлотунчлилк тасаввуф мактабида таҳсил олган²⁶. Мазкур фикр Бернд Ратдке томонидан инкор қилинган²⁷. Тадқиқотчи Ҳаким Термизий юонон фалсафасини ўрганмаган, у факат ислом илмлари билан шуғулланган, “ҳаким” ёки “ҳакимийлик” Мовароуннахрда таълим олган ислом мутасаввуфларига нисбатан ишлатилган, деб ҳисоблайди²⁸. Қолаверса, Бернд Ратдке Ҳаким Термизийни сўфий сифатида эътироф этмаган²⁹. У Абдуллоҳ ал-Ансорий ва Абу Бакр ал-Варрок фикрларига таянган ҳолда “ҳаким” сўзи алломага замондошлари томонидан берил-

²³ Sviri S. Hakim Tirmidhi and the Malamati Movement in Early Sufism // The Heritage of Sufism vol. I, ed. L. Lewisohn, – Oxford: One world Publications, 1999. Pp. 583–613.

²⁴ Сара Свири тадқиқотида Нишопур, Марв, Ҳирот, Балх, Рай, Боғдод, Термиз ва Бухорода жойлашган сўфийлик маънавий марказлари ўтасидаги муносабатлар баён қилинган. Маломатийлик, карроматийлик, сўфийлик каби тушунчалар ҳакида батафсил маълумот бериб, Ҳаким Термизийнинг нишопурлик олимлар Абу Үсмон ал-Хири ва Мұхаммад ибн ал-Фадл(асли Самарқандлик) билан ёзишмалари келтирган. Аслида, Ҳаким Термизий Нишопур мактабига ҳам ва бошқа мақтабга ҳам аъзо бўлмаган. Сара Свири алломанинг Нишопур олимлари билан ёзишмаларига асосланиб, унинг фикрлари, қарашлари буткул бошқача эканлиги ҳакида хуласа қилган.

²⁵ Annamarie Schimmel. Mystical dimensions of Islam. The University of North Carolina Press Chapel Hill, 1975. 535 p.

²⁶ Annamarie Schimmel. Mystical dimensions of Islam. P. 187.

²⁷ Radtke B., O'Kane J. The concept of sainthood in early Islamic mysticism: two works by al-Ҳаким al-Tirmidhi. Surrey “Curzon Press”, 1996. P. 15.

²⁸ <http://www.ibnarabisociety.org>

²⁹ Илк хижрий асрларда Мовароуннахр ва Ҳурросон тариқатлари “сўфий” деб эмас, балки ҳаким, воиз, музакир, обид ва зоҳид каби номлар билан аталган. “Тасаввуф”, “сўфи” сўзлари Мовароуннахр ва Ҳурросон тариқатларига нисбатан Х асргача қўлланилмаган. Эҳтимол, шунинг учун Ал-Ҳаким ат-Термизий ўзини “сўфий” ёки “мутасаввиф” деб ҳам ҳисобламаган. Ал-Ҳаким ат-Термизий сўфийча кийингланларни танқид қилган.

ганлигини кайд этган. Жеклайн Чаббининг фикрича, аллома замонида “ҳаким” инсон рухияти билан боғлик билимларни эгаллаган инсонга нисбатан ишлатилган³⁰.

1989 йил чоп қилинган Жулиан Болдикнинг “Mystical Islam: An Introduction to Sufism” (Тасаввуфий ислом: сўғизмга кириш)³¹ номли китобида Ҳаким Термизийнинг тасаввуфдаги ўрни, унинг илмий мероси ҳакида кисқача сўз юритилган. Ж. Болдикнинг аллома устози масаласидаги фикрлари эътиборга лойикдир. Муаллиф “Термизийнинг устоз борасидаги назариясида ғалати холат учрайди. Унинг устози бўлмаган, у ўқиганларидан ўрганганд. Термизий устоздан илм олиш ёки олмаслик борасида очик фикр билдирамаган. Инсонни бошқа инсонга тобе бўлмасликка чакирган” – деб таъкидлайди. Ж. Болдик Ҳаким Термизий валийлик назариясининг келиб чикишига оид иккита тахминни ифодалаган: биринчisi – христианлик йўли бўлиб, алломанинг гностик илмлари христианликдан олинган деб хисоблаган. Иккинчisi эса Ҳаким Термизий шимолий-шарқда шаклланган шомонликдан илҳомланган. Яъни, у шомон бўлгани учун кейинчалик уни сўфи сифатида тан олишмаган³². Бу ёндошувлар кейинчалик Ҳаким Термизий таълимотига оид изланишлар олиб борган Бернд Ратдке³³, Йвес Маркует³⁴, Сара Свири³⁵, Геневиев Гоббилотлар³⁶ томонидан инкор қилинган. Фикримизча, Ж. Болдик илмий таҳлилий асосларга эга бўлмаган хуласаларни тақдим килган. Ёки у Ҳаким Термизий илмий мероси, тасаввуф ва ислом динидан бехабар бўлган. Аллома назариясини христианлик ёки шомонлик

³⁰ Chabbi J. Remarques sur le developpement historique des mouvements ascetiques et mystiques au Khurasan: IIIe /IXe siecle - IVe/Xe siecle // Studia Islamica. (46): 1977.

³¹ Julian B. Mystical Islam. An Introduction to Sufism. New York and London: New York University Press, 1989. Pp. 208.

³² Julian B. Mystical Islam. An Introduction to Sufism. P. 44.

³³ Radtke B. Al-Ḥakim at-Tirmidī. Ein islamischer Theosoph des 3./9. Jahrhunderts. Schwarz Verlag, Freiburg, 1980.

³⁴ Marquet Y. Al-Ḥakīm al-Tirmidī et le néoplatonisme de son temps // Annales de la Faculté des Lettres et Sciences Humaines, Dakar, No. 4, 1976. Pp. 263–306.

³⁵ Sviri S. Words of Power and the Power of Words: Mystical Linguistics in the Works of al-Hakim al-Tirmidhi // Jerusalem Studies in Arabic and Islam, The Hebrew University of Jerusalem the Faculty of Humanities, No 27, 2002. Pp. 204–244.

³⁶ Gobillot G. Le langage, science des saints selon al-Hakim al-Tirmidhi // Mystique musulmane, parcours en compagnie d'un chercheur, Roger Deladrière, Paris: Cariscript, 2002. Pp. 59–92.; Gobillot G. Ethique et spiritualite en islam a travers la pensee d'al-Hakim al-Tirmidhi. Le Sage de Tirmidh, mystique khurasanien (m. 318/930) // Revue d'éthique et de theologie morale. 2007. P. 245.

билин боғлашда ҳеч қандай мантиқ йўқ. Ҳаким Термизийнинг инсонни бошқа инсонга тобе бўлмаслик борасидаги фикрларини ҳам нотўғри талқин қилган. Ҳаким Термизий инсонни инсонга эмас, балки Аллоҳга ишонишга чақирган. У “Масоил ал-макнуна” китобида Аллоҳга ишонч ва имон келтириш ҳакида куйидаги фикрларни билдирган: “Бирор бир тавҳид соҳиби йўқки унинг қалби Аллоҳга боғлиқ бўлмаган бўлса. Бу Имоннинг шартидир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло: “Эй Мусо, агар муҳаббатинг мендан узилса, Мендан бошқа ип боғланмайди”, деди. Бу маъно ояти карималарда ҳам келган: “Бас, ким шайтонни (ёхуд бутларни) инкор этиб, Аллоҳга Имон келтирса, демак, у бузилмас, ишончли халқани тутибди”. (Бақара сураси, 256-оятдан)³⁷.

1999 йил Александр Книшнинг “Ислом тасаввуфининг қиска тарихи” номли китоб нашр этилди³⁸. Муаллиф Ҳаким Термизийнинг валийлик назарияси шаклланишида шиа имомлари жиддий таъсир қилган, деган хуносага келган. Айнан ўша китобнинг 2015 йилги кайта нашрида эса³⁹, Хуросон ва Басра худудларида мавжуд бўлган зоҳидлик ва тасаввуфий ҳаракатлар муҳокама килиниб, мазкур худудлarda ташкил топган тасаввуф мактаблари, уларнинг энг йирик вакиллари, сўфийлик тариқатларининг бир-бири билан муносабатлари каби масалалар тадқик этилган. Китобга “Алоҳида вазиятлар: ал-Ниффарий (ваф. 366/977 й.), ат-Термизий ва Ибн Масарра (ваф. 319/931 й.)” номли маҳсус мавзу ҳам киритилган бўлиб, унда мазкур тасаввуф уламолари ҳеч кайси мактаб вакили бўлмаган дея хуроса берилган⁴⁰. Хусусан, “яна битта ўзгача қарашларга эга тасаввуф олимни Ҳаким Термизий бўлиб, унинг қарашлари Ирок анъанавий тасаввуф мактабидан бутунлай фарқ қилган. Баъзи, тасаввуф олимлари Ҳаким Термизийни кейинчалик шаркий мусулмонларда шаклланган “ал-ҳакимия” тасаввуфий тариқатининг вакили сифатида кайд этган. Хуросон ва Мовароуннахрда яшаб ўтган “ал-ҳакимия” тариқати вакилларига худуд жиҳатдан қаралса, “карроматийлик”⁴¹ тариқати билан алокалари бўлиши керак эди. Аммо,

³⁷ Ал-Ҳаким ат-Термизий. Яширин масалалар / Тарж. М. Исмоилов. Тошкент: Наврӯз, 2017. 43-б.

³⁸ Alexander Knyshev, Islamic Mysticism: A Short History. Leiden: Brill, 1999. P. 107.

³⁹ Alexander Knyshev. Ўша китоб. Р. 358.

⁴⁰ Alexander Knyshev. Ўша китоб. Рр. 83–115.

⁴¹ Карроматийлик – (арабчада) қарроматия IX-XIII асрларда Хуросон худудида мавжуд бўлган исломий оқимдир. Карроматийликка Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Каррам (ваф. 896) томонидан асос солинган. Мазкур йўналишнинг маркази Нишопур бўлсада, Катта Хуросон, Мовароуннахр ва Эроннинг шаркий худудларига ҳам ёйилган. (Zysow.

“хакимия” тариқати тасаввуфий карашлари сўфилик ва карроматийликдан анча мукаммалроқ бўлган. Қолаверса, улар ўз асарларида хам “оддий” сўфилярдан анча устун бўлганликларини ёзиб қолдирган”, – деб Александр Книш алоҳида қайд этади⁴².

2004 йил чоп килинган Жозеф Маричал ва Олгар Соролдларнинг “Мутасаввулар психологияси” номли китобида⁴³ эса “Ҳаким Термизий юонон фалсафасини яхши англаган биринчи мусулмон мутасаввуфи бўлган. У хеч қайси тасаввуф мактабига аъзо бўлмасдан, Куфа ва Бағдод сўфилярига катта таъсир килган, деб қайд килинган⁴⁴.

2008 йил Кембриж университетида нашр килинган “Эрон тарихи” номли энциклопедик ишнинг 4-жилдида Ҳаким Термизий ва унинг сўфиликдаги ўрни масаласи муҳокама килинган⁴⁵. Хусусан, унда Ҳаким Термизий Хуросон мактаби вакили сифатида қайд этилган ва у “карроматия” тариқати асосчиси Ибн Каррамнинг (ваф. 255/869) сўфилик карашларига эргашганлиги даъво килинган. Аллома Ибн Арабий мактабининг устунларини яратган ҳамда “нақшбандлийлик” тариқати учун асос бўлган асарлар муаллифидир”⁴⁶, деб “Эрон тарихи” китоби-

Two unrecognized Karrami texts. 1988. P. 580; Porter Berkey Jonathan. The Formation of Islam: Religion and Society in the Near East, 600–1800. Cambridge University Press. 2014. P. 286) Карромия Хуросон, Мовароуннаҳр ва Қуддус тасаввуфий мухитида мухим ўрин туттган. Ҳаракат асосчиси Ибн Карром (ваф. 869 й.) ва унинг издошлиари манбаларда “сўфий” номи билан қайд этилмаган. Манбаларда уларнинг номи ташлаб кетилган ёки кескин танқид билан эсланган. Карромийлар ўз даъват ва ташвиқотларини тарғиб килиш максадида маҳсус иморатлар – хонакоҳлар барпо этишган. Хонакоҳлар Мовароуннаҳр ва Хуросонда тасаввуф ташвиқот марказлари сифатида хизмат килган. Ҳанафий мазҳабида бўлган карромийлар имон масаласига муржи'йлар нуқтai назаридан ёндашган. Карромийлар Аллоҳга жисм (тана) нисбати бериш (тажсим) да айбланишган. Ибн Карром таълимотида кескин зоҳидлик ҳаёти устувор бўлиб, у қуидаги беш асосга таянган: ихтиёрий оч юриш, Куръонни кўп тиловат килиш, тунги бедорликлар, кундузлари ўзини дунёдан тийиб юриш, аброрлар билан ҳамсuxбат бўлиш. Карромийлар тарғиботда биринчилардан бўлиб хонакоҳлардан фойдаланиб, жамиятнинг кўйи табакасига мурожаат килган.

⁴² Alexander Knysh. Ўша китоб. 105-б.

⁴³ Joseph Marechal, Algar Thorold. The Psychology of the Mystics. Courier Corporation, 2004. 344 p.

⁴⁴ Joseph Marechal, Algar Thorold. The Psychology of the Mystics. Courier Corporation, 2004. P. 248.

⁴⁵ The Cambridge history of Iran. Volume 4, The period from the Arabs invasion to the Saljuqs edited by R.N. Frye. 2008. 711 p.

⁴⁶ The Cambridge history of Iran. Volume 4, The period from the Arabs invasion to the Saljuqs edited by R.N. Frye, 2008. Pp. 459–460.

да хулоса қилинган. Юкоридаги фикрлардан Ҳаким Термизийни “хурросонлик”⁴⁷ ва “карроматийлик” вакили деган хулоса шаклланади.

2012 йил Найл Гриннинг “Дунё тарихида сўфийлик” номли тадқикоти эълон қилинди⁴⁸. Муаллифнинг фикрича, Хуросонда Ирок сўфийлик мактабидан буткул фарқ қилган учта оқим бўлган: карроматийлик, маломатийлик ва ҳакимийлик. Уларнинг тасаввуфий қарашлари бир-биридан фарқ қилган. Бизни кўпроқ кизиқтиргани, ҳакимийлик бўлгани боис, китобдан мазкур йўналиш ҳақидаги парчани тўлик ҳавола этамиз: “Ирок сўфийларидан фарқли оқимлардан бири ҳакимийлар бўлиб, ушбу ҳаракат ҳозирги Афғонистонинг шимолий қисми Термиз ва Балх худудларида вужудга келган. ҳакимийлик алоҳида тарикат бўлса-да, карроматийлик ёки маломатийлик каби кенг таъсирга эга бўлмаган. Ҳакимийларда “аристократик” хусусиятлар кўзга ташланади, яъни улар ўзларини “Аллоҳнинг дўстлари” деб эълон қилган. Факат гина етакчиларгина “ҳаким” номига лойиқ бўлган. Уларнинг ичида энг кўзга ташланадиган вакили Ҳаким Термизий ҳисобланади. Алломанинг қарашлари маломатийлик ва карроматийликдан ҳар жиҳатдан ўзгача бўлган. Улардан Куръон, хадис, фикҳ ва калом илмларини чукур эгаллагани билан ҳам ажralиб турган. Қолаверса, аллома ўзи ҳақида автобиографик асар ёзib, унда ўзи ҳамда аёли бошдан кечирган тасаввуфий қарашларни ҳам акс эттирган. Асосан, аёлининг тушлари ҳақидаги сұхбатларда ўз таълимотининг асосларини очиб берган. Бу усул бошқа тарикатларда учрамайди”⁴⁹.

Ўрта асрларда яшаган олим Ал-Хужвирий (ваф. 1072–77) Ҳаким Термизийнинг мактаби борасида ўз фикрларини билдириб кетган⁵⁰. Юкорида биз таҳлил қилган Александр Книш, Аюб Палмер, Бернд Ратдкеларнинг “ҳакимийлик” масаласидаги қарашларига айнан Ал-Хужвирийнинг “Кашф ал-Мажхуб” номли асос бўлган. Мазкур асарда ёзилишича, Хуросон худудида “ҳакимия” (донолик) номли

⁴⁷ Sir H.A.R. Gibb. The Encyclopedia of Islam. Brill: Archive, 1967. P. 55.

⁴⁸ Nile Green. Sufism: A global History. Wiley-Blackwell: 1 edition, 2012. 286 p.

⁴⁹ 2016 йил Тожикистанда бўлиб ўтган (“Историко-культурные традиции эпохи Хакима Тирмизи и ее значение в мировой цивилизации”) конференцияда франциялик олим Франсис Ричард “Hakim Tirmidhi and bouddhism (some remarks)” номли маколаси билан катнашган. Тадқиқотчининг фикрича Ҳаким Термизийнинг кўплаб фалсафий фикрларига ислом динидан олдин Термиз худудида мавжуд бўлган буддавийликнинг таъсири катта бўлган. Ричард ўз фикрларини буддавийлик ва Термизий асарларида учрайдиган туш кўриш ҳолатлари билан изоҳлаган.

⁵⁰ Hujaviri Ali. Kashf-al-Majhub. Tehran, 1371. P. 178.

тариқат пайдо бўлган, у ерда кўплаб сўфиylар таҳсил олган. Унинг асосчиси Абу Абдулоҳ Мухаммад ибн Али Ҳасан Термизий бўлиб, ўз даврида Ҳаким Термизий номи билан машҳур бўлган. Ал-Хужвирий “ҳакимия”ни “ахла ас-сунна ва жамоа” томонидан тан олинган энг яхши тасаввуф тариқатларининг ўнталигига киритган⁵¹. “XIII асрда Ҳиндистоннинг диний ва сиёсий қиёфаси”⁵² номли тадқиқот муаллифи Холик Ашраф Низомий ҳам ислом динининг ўнта тасаввуф мактаблари борасида сўз юритиб, “хулулийлар”, “ҳалложийлар”, “тайфурийлар”, “кусасийлар”, “харрозийлар”, “сайёрийлар”, “муҳасибийлар”, “тустарийлар” ва “ҳакимийлар”ни санаб ўтган. “Ҳакимия” тариқатининг асосчиси сифатида эса Ҳаким Термизийни кўрсатган. Низомий алломага оид фикрларини давом эттириб, у авлиёлик назариясини ҳамда унинг даражаларини биринчилардан бўлиб белгилаганлигини эътироф этган.

Бугунги кунда америкалик тадқиқотчи Аюб Палмернинг Ҳаким Термизий илмий меросини ўрганишга бағишлиланган ишлари диққатга сазовор. Аюб Палмер⁵³ А. Книш фикрларини давом эттириб, Ҳаким Термизий илмий мактаби ҳали тадқиқ қилиниши кераклигини эслатиб ўтган. “Ҳаким Термизийга оид ҳеч бир ишда унинг илмий мактаби борасида жиддий тадқиқотлар учрамайди. Бернд Радтке, Йвес Маркует, Сара Свири, Геневиев Гоббилот ва Абдулоҳ Баракалар айнан мазкур масалани четлаб ўтган. Улар асосан Ҳаким Термизий ўзгача карашларга эга, замонасининг илғор олимларидан бири бўлган, деган жумла билан чекланишган. А. Палмер “Ҳакимия” ҳаракати ҳакидаги фикрлар ўрганилиши керак” – деган таклифни билдирган. Шунингдек, у тадқиқотида Ҳаким Термизийнинг Ибн Арабий мактаби ва Шозалия тариқатига таъсири масаласини кўриб чиқкан. Диссертациянинг бу муаммога оид қисмида Ҳаким Термизийнинг кейинги авлод олимларига таъсири очиб берилган. Муаллиф Ибн Арабий ва Ҳаким Термизий асарларининг ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиб берган. Ҳакикатдан, Ибн Арабийга бағишлиланган кўплаб тадқиқотлар амалга

⁵¹ The Kashf al-Mahjub. A Persian treatise on Sufism by Hazrat Ali bn al-Hujwiri (R.A.). Pakistan: Zia-ul-Quron Publications, 2001. P. 227.

⁵² Nizami K.A. Some Aspects of Religion and Politics in India during the Thirteenth Century. New Delhi: Oxford University Press, 2002. Pp. 53–54.

⁵³ Aiyub Palmer. The Social and Theoretical Dimensions of Sainthood in Early Islam: Al-Tirmidhi's Gnoseology and the Foundations of Sufi Social Praxis. Ph.D.diss. USA: University of Michigan, 2015. P. 374.

оширилганига қарамай, унинг Ҳаким Термизий билан алокаси деярли ўрганилмаган. Ибн Арабийни яхшироқ тушуниш учун эса Ҳаким Термизий китобларидан хабардор бўлиш керак. Чунки, Термизий назарияси Ибн Арабий асарлари учун асос бўлган. Ибн Арабий асарларини аллома илмий меросининг мантикий ривожи сифатида қабул қилиш мумкин. Шунингдек, бобнинг колган қисми аллома ва шозалия⁵⁴ тарикати ўргасидаги боғлиқликни ўрганишга бағишиланган. Аш-Шозалия ўз даврида Термизий асарлари билан яхши таниш бўлган ва тарикатининг устунлари сифатида унинг ғояларини сингдирган. Бу фикрларни Аюб Палмер томонидан илгари сурилган янгилик сифатида қабул қилиш мумкин. Шу ўринда Ҳаким Термизийнинг шозалия тарикати билан боғликлигини фақатгина Ричард Макгригор⁵⁵ томонидан кисман тадқиқ этилганлигини қайд киламиз.

“Ал-ҳакимия” масаласида ўзбек олимларининг ҳам турли фикрлари мавжуд. Усмон Турар⁵⁶, Нажмиддин Комилов⁵⁷, Иброҳим Худоёр⁵⁸ каби тадқиқотчilar “ал-ҳакимия”ни тарикат сифатида эътироф этган бўлса, Жўрабек Чўтматов⁵⁹ уни “таълимот” дея баҳолаган. Убайдулло Уватовнинг⁶⁰ фикрича, “ал-ҳакимия” бу – мазҳабдир.

Ўрганилган адабиётлар хорижлик олимлар орасида Ҳаким Термизийнинг кайси мактаб вакили эканлигига оид турли фикрлар борлигини кўрсатади. Мазкур масала кизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлганлигини кузатишимиш мумкин. Аллома мактаби тўғрисидаги изланишлар тадрижий такомиллашиб борган. Дастваб Л. Массигнон, Муфид Мухаммад Нурий каби тадқиқотчilar аллома илмий мактабини Ибн Каррам билан боғлаган бўлса, кейинчалик Ҳужвири ижоди

⁵⁴ Шозалия бутунги кунда ҳам мавжуд бўлган сўфиийлик тарикати ҳисобланади. Унга XIII асрда марокашлик Абу ал-Ҳасан аш-Шозалия (ваф.656/1258) томонидан асос солинган. У бутун Шимолий Африка бўйлаб саёҳат килиб ўз тарикатини ёйган ва Мисрда сезиларли мувафаккиятга эришган.

⁵⁵ McGregor R.J. Sanctity and mysticism in medieval Egypt the Wafā' Sufi order and the legacy of Ibn 'Arabī. Albany: State University of New York Press, 2004. P. 30.

⁵⁶ Турар У. Тасаввуб тарихи. Тошкент: Истикол, 1999. 180-б.

⁵⁷ Комилов Н. Тасаввуб. Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2006. 72-б.

⁵⁸ Иброҳим Худоёр. Ишқ Жайҳуннинг йўлдоши (ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Хатм ул-авлиё” асари) // Гулистон. 2000. № 5. 25-б.

⁵⁹ Чўтматов Ж. Мухаммад ибн Али Ҳаким Термизий ва Мухаммад ибн Али Қаффол Шоший “мақосиду-ш-шарийя” йўналиши асосчилари сифатида // Sharqshunoslik. Тошкент, № 4, 2016. 149–156-бетлар.

⁶⁰ Уватов У. Икки буюк донишманд. Тошкент: Шарқ, 2005. 41-б.

билин танишган Александр Книш, Жозеф Маричал, Олгар Соролд, Найл Грин, Аюб Палмер, Бернд Радтке сингари олимлар изланишларида “карроматийлик” билан аллома алоқаларини инкор қилган. Бизнингча ҳам хозиргача етиб келмаган китоб номи билан Ҳаким Термизийни карроматийлик вакили сифатида эътироф этиш нотўғри хулоса. Колаверса, унинг асарларида карроматийлик ғоялари кескин танқид қилинган. Жулиан Болдикнинг Ҳаким Термизий ҳақидаги “шомонлик” назарияси илмий асосга эга эмас, деб ҳисоблаймиз. Анна Мария Шиммел томонидан алломани “Балх янги Афлотунчилик” мактаби вакили сифатида қайд этилиши Ҳаким Термизий илмий мероси билан яхши таниш бўлган Бернд Радтке томонидан кескин рад этилган. Ҳақиқатдан аллома устозлари орасида балхлик олимлар талайгина. Бироқ, бу омилга асосланиб хулоса чиқариш нотўғридир. Зоро, Термизий шайхлари орасида куфалик, бағдодлик, басралик олимлар ҳам кам эмас. Муҳаммад Иброҳим ал-Жиуший, Сара Свири, Женевьеве Гоббилот ва Абдуллоҳ Баракаларнинг тадқиқотларига таянган ҳолда алломанинг маломатийлик билан сезиларли алоқаларини кўришимиз мумкин. Аммо, улар таъкидлаганидек, маломатийлик Ҳаким Термизий назариясига таъсир қилган эмас, балки Термизий мазкур тариқат вакиллари билан учрашганда ўз мустақил тасаввуфий қарашларига эга, шаклланган аллома бўлган. Шу сабабли Термизийнинг маломатийликка таъсири деб ўрганилса, мақсадга мувофик бўлади. Александр Книш ва Найл Грин сингари тадқиқотчилар Ҳаким Термизийни Мовароуннаҳрда шаклланган “ҳакимия” оқими вакили эканлигига урғу берган бўлса, Айюб Палмер, Бернд Ратдклар сўнгги тадқиқотларида Ҳаким Термизийни “ҳакимия” тасаввуфий йўлининг асосчиси сифатида қайд этган. Хорижлик олимлар дастлаб Ҳужвирийнинг “ҳакимия” мактаби масаласига шубҳа билан қарашган. Чунки, уларнинг акасарияти Ҳаким Термизийни етарлича билишмаган. Аммо, вакт ўтган сайин хорижлик олимлар ҳам аллома илмий меросига чуқурроқ кириб боришмоқда. Америкалик Н. Ҳир каби олимлар Термизийни серкирра олим сифатида кашф этиб, ҳатто тубсиз уммонга ўҳшатишади. Яъни, Ҳаким Термизий “ҳакимийлик” сингари оқимга асос солишига етарли салоҳият соҳиби эканлиги исботланди. Хусусан, Ричард Макгригор, Айюб Палмерлар Ҳаким Термизий илмий меросини ўрганиш билан чекланиб колмай, унинг ўрта асрлар тасаввуф фалсафасига таъсири масаласини ҳам тадқиқ қилишмоқда. Уларнинг тадқиқотларида Ҳаким Термизийнинг илмий мероси Мисрда ривожланган шозалия тариқати учун устун вазифасини бажарганлиги маълум бўлади.

Юқоридагилардан Ҳаким Термизий ўз даврининг ҳеч қайси бир тасаввуф мактабига аъзо бўлмай, “ҳакимия”га асос солган, деб хулоса қилиш мумкин. Ҳужвирий ва Абу Бакр ал-Варроқ томонидан ёзib қолдирилган фикрлар кейинчалик сўфиийликка оид яратилган асарлар билан киёсий ўрганилса, Ҳаким Термизий томонидан асос солинган “ҳакимиянинг” таъсири яққол намоён бўлади. Ҳаким Термизийнинг ундан кейинги тасаввуф мактабларига таъсири ўрганилиши лозим бўлган масала деб ҳисоблаймиз. Демак, Мовароуннаҳрда Ҳаким Термизий томонидан шакллантирилган “ҳакимия” мактаби бўлган. Мазкур мактабда толиблар авлиёлик назариясига оид билимларни эгаллашган. Термизийнинг “Хатм ул-авлиё” асари асосий дарслик вазифасини бажарган. Маломатийлик, нақшбандийлик, мотурудийлик, шозалия сингари мактаблар бевосита “ҳакимиядан” илхомланган. Ибн Арабий, ал-Фаззолий каби мутасаввуф олимларнинг назариялари учун Термизий илмий мероси пойдевор бўлган.

Ҳакимийликнинг нақшбандийлик ва мотурудийликка таъсири алоҳида тадқиқот мавзуси бўлиши мумкин. Зоро, мазкур тариқатларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларига бағишлиланган ўнлаб тадқиқотлар мавжуд⁶¹. Ҳаким Термизий асарларини тадқиқ қилиш орқали мазкур тариқатларнинг туб моҳиятини янада аниқроқ англаш имкони пайдо бўлади.

⁶¹ Arthur F. Buehler. Sufi Heirs of the Prophet: The Indian Naqshbandiyya and the Rise of the Mediating Sufi Shaykh. Univiversity of South Carolina Press, 1998. 312 p.; Muhammad Hisham Kabbani, Shaykh Muhammad Hisham Kabbani. The Naqshbandi Sufi Tradition Guidebook of Daily Practices and Devotions. ISCA, 2004. 341 p.

Н. КАРИМОВ

ХОРИЖДА ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ МАКТАБИННИГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

Ушбу мақола хорижлик тадқиқотчиларнинг Ҳаким Термизий мактаби хақидаги фикрларини таҳлил килишга бағишиланган. Яъни, хорижлик олимлар Ҳаким Термизий мактаби бор деб хисоблайдими? Улар алломани қайси тариқат ёки оқим вакили сифатида эътироф этишган? “Ал-ҳакимия” ва Ҳаким Термизий ўргасида қандай боғлиқлик бор? “Ал-ҳакимия” тариқатми, таълимотми ёки мазҳаб каби саволларга АҚШ, Германия, Англия, Миср, Туркия, Ҳиндистон, Покистон каби давлатларда чоп килинган илмий адабиётлар ва тарихий манбалар таҳлили асосида жавоб берилган. Шунингдек, тадқиқотда алломанинг илмий меросига бўлган кизиқишининг вужудга келиш сабаблари ва натижалари тизимли таҳлил килинган.

Калим сўзлар: Ал-ҳаким, хатм ул-авлиё, карроматия, Ибн Каррам, маломатия, Ал-Хужвирий, Ибн Арабий, нақшбандия, кубровия, Л. Массигнон, А. Книш, А. Палмер, Б. Радтке, шозалия, шомонлик.

Н. КАРИМОВ

ОБ ИЗУЧЕНИИ ШКОЛЫ ҲАКИМА ТЕРМИЗИ ЗА РУБЕЖОМ

Данная статья посвящена научному анализу трудов зарубежных исследователей об учении Хакима Термизи. В частности, в работе даны ответы на следующие вопросы: думают ли иностранные ученые, что у Хакима Термизи была своя религиозно-философская школа? Каково их мнение о «тарике» или движении Ҳаким Термизи? Какая связь между «Ҳакимия» и Ҳаким Термизи? Является ли «аль-Ҳакимия» учением (тарикой), доктриной или мадхабом? В статье исследуются научные работы, опубликованные в США, Германии, Англии, Египте, Турции, Индии, Пакистане и других странах, а также проанализированы причины возникновения заинтересованности к научному наследию Ҳаким Термизи.

Ключевые слова: Ал-Ҳаким, хатм ул-авлиё, каррамиты, Ибн Каррам, маломатия, Ал-Хужвирий, Ибн Араби, нақшбандия, кубравия, Л. Массигнон, А. Книш, А. Палмер, Б. Радтке, шазилия, шаманизм.

N. KARIMOV**ON THE STUDY OF THE “SCHOOL”
OF HAKIM TIRMIZI ABROAD**

This article is devoted to the analysis of the works of foreign researchers about the school of Hakim Tirmizi. Especially, the answers to the following questions can be found in these works: do foreign scholars think that Hakim Tirmizi founded a school? What are their opinions on Hakim Tirmizi's tariqah or movement? What is connection between "hakimiyya" and Hakim Tirmizi? Is "al-hakimiya" a discipline (tariqah), a doctrine, or a madhhab? In the paper there were analyzed scientific works and historic sources which had been published in the USA, Germany, England, Egypt, Turkey, India, Pakistan and other countries are used efficiently to respond above mentioned questions. At the same time, the article analyzes the reasons for interest creation in the scientific heritage of Hakim Tirmizi and its results.

Key words: al-hakim, khatm al-awliya, karramiyya, Ibn Karram, malomati movement, naqshbandi, kubrawiya, L. Massignon, A. Knysh, A. Palmer, B. Radtke, shadhili Sufi order, shamanism.

Данная статья посвящена анализу работ зарубежных исследователей о школе Хакима Тирмизи. Особое внимание уделено следующим вопросам: думают ли зарубежные ученые, что Хаким Тирмизи основал школу? Какие у них мнения о тарикате или движении Хакима Тирмизи? Какова связь между "хакимией" и Хакимом Тирмизи? Является ли "ал-хакимия" дисциплиной (тарикатом), учением, или мадххабом? В статье анализируются научные работы и исторические источники, опубликованные в США, Германии, Англии, Египте, Турции, Индии, Пакистане и других странах, чтобы ответить на вышеупомянутые вопросы. Одновременно исследуется причины интереса к научному наследию Хакима Тирмизи и его результатам.

Илмий ҳаёт

“ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИДА ХОРАЗМ” МАВЗУСИДАГИ П РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ЎзР ВМнинг 2017 йил 14 апрелдаги “Хоразм Маъмун академиясининг фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти № 211 сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Хоразм Маъмун академияси ҳамда Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги Урганч давлат университети билан ҳамкорлигига 2019 йил 17 майда Хива ва Урганч шахарларида навбатдаги, “Ўзбекистон давлатчилиги тарихида Хоразм” мавзусида навбатдаги “Хоразм ўқишилари” туркумининг II – илмий-амалий анжумани ўтказилди. (Ушбу тадбир 2019 йил ЎзР ФА Тарих институтининг Йўл харитасига ҳам киритилган).

Конференция 2019 йил 17 май куни Хоразм Маъмун академияси мажлислар залида ўз ишини бошлади. Конференция Хоразм тарихи-нинг қадимдан бугунги кунга қадар тарихи, археологияси, этнологияси, архитектураси ва санъатига бағишиланди. Конференция ишини профессор Д.А. Алимова олиб борди. Тадбирни Хоразм Маъмун академияси раиси б.ф.д., проф. И.И. Абдуллаев табрик сўзлари билан очиб берди. Кейинги табрик сўзларида Хоразм вилояти ҳокимининг ўринbosари проф. С.К. Салаев, Хива шахар ҳокими С.М. Жуманиязов ва Урганч давлат университети ректори ф-м.ф.д. Б.И. Абдуллаевлар конференция ишига муваффақиятлар тиладилар.

Асосий маърузалар ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими т.ф.д. Н.А. Мустафаеванинг “Хоразм Маъмун академияси XX аср тарихшунослигига”, ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими т.ф.д. Н. Аллаеванинг “Хива хонлиги ташқи сиёсатини ўрганишда расмий хужжатларнинг ўрни”, Урганч давлат университети Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори т.ф.д. С. Давлетовнинг “Мустақиллик даврида Хоразм: иктисадий ислоҳотлар ва унинг натижалари”, ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими тарих фани бўйича фалсафа доктори Қ. Якубовнинг “Хива хонлигига вакф даромадларидан фойдаланиш асослари: назарияси ва амалиёти” мавзуларида тингланди.

Т.ф.д. Н.А. Мустафаеванинг “Хоразм Маъмун академияси XX аср тарихшунослигига” мавзусидаги маърузаси кўпчиликда катта қизикиш

уйғотди. Мазкур маърузада Хоразм Маъмун академиясини XX аср тадқиқотлари истиқболли илмий йўналишларини кенгайтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва амалиётга кенг жалб қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди. Т.Ф.Д. Н.А. Аллаеванинг маърузаси Хива хонлигининг ташки алоқалари масаласига бағишланди. Унда ташки дипломатик алоқаларни юритишда янги илмий муомалага тортилган 10 га яқин расмий ҳужжатлар билан таниширилди. Тарих фани бўйича фалсафа доктори К. Якубов ўзининг маърузасида Хива хонлигига вакф ҳужжатларининг ўрни хусусида илмий янгиликлар билан чиқиш килди. Урганч давлат университети проректори т.Ф.Д. С. Давлетов маърузасида Хоразм вилоятининг бугунги иқтисодий ҳолати ва келажакдаги кутилаётган истиқболли режалари хусусида янги маълумотлари билан қатнашди. Конференцияда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар йўналишидаги институтларининг етакчи олимлари, катта илмий ходимлар ва таянч докторантлар, Олий таълим муассасалари ва халқ таълими тизимидағи мактаблар, коллеж ва лицейларда фаолият олиб бораётган 100 дан ортиқ мутахассис ўқитувчилар иштирок этдилар. Конференция ўз ишини Урганч давлат университетида қуидаги “Кадимдан то XX аср бошларигача бўлган даврда Хоразм худудидаги давлатлар тарихи”, “Ўзбекистон давлатчилиги тарихида Хоразм воҳаси археологиясининг долзарб муаммолари”, “Хоразм воҳаси этнологияси, этногенези ва этник тарихи масалалари” ва “Мустақиллик йилларида Хоразм вилоятининг ривожланиши” каби шуъбаларга бўлинган холда давом эттириди.

Ҳар бир шуъбада илмий янгиликларга бой маърузалар тингланди ва анжуман кизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтди. Маърузачиларнинг тақдимотларида, Хоразм воҳасининг Республика тарихидаги ўрни, унда олиб борилаётган илмий изланишлар ва келажакдаги истиқболли вазифалари хусусида таклифлар айтилди.

Ушбу илмий тадбир Хоразм воҳаси тарихини ўрганилишида лозим бўлган масалаларни аниқлашда, Хоразм Маъмун академияси фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда истиқboldаги ишларни бир тизимга солишда мухим аҳамиятга эга бўлди. Бу каби анжуманлар Хоразм воҳаси тарихи билан шуғулланаётган мутахассисларни кенг илмий жамоатчилик билан мулокотларга киришишида кенг имкониятлар яратади.

M. Шамсиев

“МЕДИА МАЙДОНДА ТАРИХ ФАНИ ВА АРХИВШУНОСЛИК ИНТЕГРАЦИЯСИ МУАММОЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҲАҚИДА

Ўзбек халқининг ўзлигини англашда тарих фанининг ўзига хос алоҳида ўрни бор. Зеро, Ўзбекистон тарихи миллий ўзликни англашнинг энг асосий воситасидир. Маълумки, ҳақконий далиллар асосида яратилган тарихгина ҳақиқий тарих бўла олади. Ҳақконий тарихни ёритишида архивларнинг ахамияти бениҳоядир.

Ўзбекистон архивларининг 100 йиллигига бағишлиланган “Медиа майдонда тарих фани ва архившунослик интеграцияси муаммолари” мавзусида ўтказилган халқаро илмий анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, “Ўзархив” агентлиги раҳбар ва масъул ходимлари, ЎзР ФА Тарих институтининг тарихчи олимлари ва докторантлари, Ҳиндистон, Венгрия, Туркия, Истроил, Буюк Британия, Татаристон, Қирғизистон каби 10 га яқин чет давлатнинг тарихчи олимлари ва архив мутахассислари, Ўзбекистон Миллий архивлари, Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар давлат архивлари раҳбарлари, тизим фахрийлари, журналистлар иштирок этдилар.

Халқаро илмий анжуман 2019 йил 4–6 ноябрь кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Дастлаб тадбир иштирокчилари Термиз туманидаги Ал-Ҳаким ат Термизий мақбарасини зиёрат қилдилар. Сўнгра Ўзбекистонда архив тизими ташкил топганлигининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар доирасидан Термиз шаҳрида “Ўзархив” агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти томонидан Матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда бошқарма бошлиқлари ва давлат архивлари раҳбарлари ҳамда тарихчилар иштирок этиб, кейинги йилларда республикада архивлар ишини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, вилоят ва туманларда барча шароитларга эга янги архив учун бинолар курилаётганлиги, архивчи мутахассисларни жалб этилаётганлиги ва замонавий аҳборот-коммуникация технологиялари билан таъминлангаётганлиги таъкидланди.

Илмий анжуман тадбирлари доирасида 5-ноябрда Сурхондарё вилояти давлат архивининг етти қаватли янги биносини тантанали очилиши ва ISO-37001-сертификатини топшириш маросими бошланди.

Ушбу архив биноси харорат намлигини меъёрида саклаш, кўриқлаш, ёнгин олдини олиш бўйича замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, 500 минг саклов бирлигидаги хужжатларни саклашга мўлжалланган.

Халқаро илмий анжуман 2019 йил 5 ноябрь куни Сурхондарё вилояти Ёшлар марказида ўз ишини бошлади. Анжуманинни Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори У.М. Юсупов, Венгрия архиви раҳбари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти директор ўринбосари, т.ф.д. Н.А. Мустафоева табрик сўзи билан очиб бердилар.

Конференциянинг ялпи мажлисида Лъъл Баҳодур Шастри номидаги Хиндистон маданияти маркази директори, проф. Шекхар Чандр “Archival Documents of Dargah of Hazratt Nashinsat Gesuderaz: Intervention and confrontation by Dargah’s” мавзусидаги маъruzаси, ЎзРФА Тарих институти лойиха раҳбари, т.ф.н. Наргиза Хидирова “Аёлларнинг жамият хаётидаги ўрни билан боғлик вакф хужжатларини каталогглаштириш (XVI–XX аср бошлари Бухоро хонлиги мисолида)” лойиҳаси: ютук ва камчиликлар, Туркия Республикаси Жумхурбошконлик давлат архивлари бошқонлиги Ташки алоқалар бўлими бошлиги Жеват Экичи “Туркия жумхурияти Жумхурбошконлик далат архивлари бошқонлик хужжатларини каталогглаштириш ва электрон каталог жамланмаси” номли маъruzаси, Истроил Бар-Илан университети магистранти Д. Калантаров «Архивное дело в Израиле, сотрудничество с Республикой Узбекистан», Оксфорд университети, Соуэл коллежи илмий ходими, т.ф.д. Томас Вельсфорд эса “Беҳбудий архив манбаларида” каби хорижий тадқиқотчиларнинг маъruzалари ялпи мажлисида кенг жамоатчиликка ҳавола этилди.

5 ноябрь куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда архив тизими ташкил топганлигининг 100 йиллиги муносабати билан Термиз санъат саройида тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Конференция иккинчи куни 6 ноября бўлиб ўтган шўъбалар йигилишлари куйидаги 3 йўналишда: 1-шўъба “Медиа майдонда тарихий масалаларни тадқик этишда араб, форс, туркий (эски ўзбек) тилларидаги архив хужжатларининг ўрни”, 2-шўъба “Архив хужжатларини саклаш, таъмирлаш ва каталогглаштириш муаммолари” ва 3-шўъба “Тарих фани ва архившунослик интеграцияси” масалалари тахдил қилинди.

Маъruzалarda архив фондларида сакланётган фатво қўллэзма тўпламларида вакф масалалари, аёллар томонидан таъсис этилган

вакфларнинг Мовароуннаҳрда кечган урбанизация жараёнларида ва аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ вакф ҳужжатлари, вакфномаларда ижтимоий ҳимоя масалалари ҳамда Ўзбекистон миллий архивидаги козилик фондлари ҳужжатларининг манбавий аҳамияти очиб берилди.

Ўзбекистон тарихи курсини ўқитишида шахсий архив фондларидан фойдаланиш, Россия империясини Туркистон мусулмонларининг ҳаж зиёрати масаласига оид сиёсати, Марказий Осиё минтақасидаги тижорат банклари, “Уламо” жамияти фаолиятини ёритиш ва Ўзбекистонда ислом таълим тарихининг кино ва фото ҳужжатларда акс этиши масалалари таҳлил килинди.

Шўйбаларда тингланган маърузалар бўйича фикр-мулоҳазалар ялпи якуний мажлисда муҳокама қилиниб, маърузачиларга сертификат ва илмий конференция мақолалар тўплами тақдим этилди.

Шунингдек, нодир архив ҳужжатларини сақлаш муддатини узайтириш, заарланган нодир ҳужжатларни реставрация қилиш, жумладан, унинг шакли ва ташки кўринини тиклаш, тозалаш, варакларини мустаҳкамлаш жараёни амалий тарзда кўрсатиб берилди.

Анжуман жараёнида “Ўзархив” агентлиги ва Венгрия миллий архивлари ўргасида Англашув меморандуми имзоланди.

Тадбир давомида Шеробод туман давлат архивининг З қаватли замонавий янги биносига ташриф буорилди. Архив фаолияти ва ундағи шарт-шароитлар билан танишиб чиқилди.

Мазкур анжуман архивлар ва тадқиқотчи олимлар ўргасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, умумий муаммолар ечимини топиш ва келгусидаги ҳамкорлик режаларининг янги йўналишларини белгилаб олишда мухим аҳамият касб этди.

Т.ф.д. М. Исакова
М. Дармонова

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ: ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАР ВА ЯНГИ НАТИЖАЛАР” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон тарих фани ривожида, тарихий тадқикотларни амалга оширишда муҳим вазифани бажариб келаётган ЎзР ФА Тарих институти нашрларини кенг илмий жамоатчилик эътиборига тақдим килишга бағишиланган анжуманни ўтказиш анъянага айланган.

2019 йил 21 ноябрда ЎзР ФА Тарих институтининг нашрлари тақдимотига бағишиланган “Марказий Осиё ва Ўзбекистон тарихи: янги изланишлар ва янги натижалар” мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда ЎзР ФА вице президенти, т.ф.д., проф. Б. Абдуҳалимов, Тарих институти директори, т.ф.д., проф. Азамат Зиё, т.ф.д., проф. Д. Алимова, академик А. Ҳакимов, Австрия Фанлар академияси Эроншунослик институти директори, проф. Ф. Шварц сўзга чикиб, сўнгти йилларда тарих фани соҳасида қўлга киритилган натижалар, илмий жамоатчилик эътиборига тақдим килинаётган китоблар хусусида фикр мулоҳазаларини билдирилар.

Ўзбекистоннинг жаҳон тамаддунни ривожидаги ўрни, бу ҳудудда кечган ижтимоий, иқтисодий жараёнлар, ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник тарихи, кўпминг йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистон давлатчилигини ўрганиш, янги тарихий манбаларни илмий истеъмолга киритиш, талқин қилиш орқали фанни янги хуносалар билан бойитиш Тарих институти фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади. Бу фаолият самараси ўлароқ жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинаётган *“Центральная Азия в эпоху средневековья и нового времени: общество, культура, источники. (Ташкент–Вена: Академнашр, 2019. 496 с.)”* монографияси ЎзР ФА Тарих институти ва Австрия Фанлар академияси Эроншунослик институти илмий ҳамкорлигига тайёрланган биринчи тадқиқотдир. Бу китобни жамоатчилик эътиборига тақдим килган т.ф.н. Ш. Асадова ва т.ф.н. У. Абдурасуловлар унинг вужудга келиш жараёни, муаллифлар жамоаси таркиби, мазмунни ҳақида гапирилдилар. Монографияда турли тарихий даврлар ва муаммолар билан шуғулланувчи, турли илмий мактабларга (Ўзбекистон, Россия, Қозогистон, Тоҷикистон, АҚШ, Франция, Австрия, Германия) мансуб мутахассисларнинг Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихига доир олиб борган тадқикотларнинг энг сўнгти натижалари мужассамлашган мақолалари жой олган. Сўзга чикканлар китобда тарихшунослик ва

манбашунослик муаммоларига оид янги муроҳазалар, шунингдек, минтақа халқлари, маданияти тарихини ўрганишда янги коррективлар киритилганлигини қайд қилиб ўтдилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон худудидаги давлатчилик тарихини тадқиқ қилувчи янги илмий йўналиш шаклланди. Бу муаммони ва умуман, Ўзбекистон тарихини ўрганишда цивилизацион ёндашув назарияси кенг кўлланилмоқда. Анжуманда жамоатчилик эътиборига “История Узбекистана (XVI – первая половина XIX вв.). Ташкент: Фан, 2012. 776 с.”; ва “История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов. Ташкент: Фан, 2017. 335 с.” китобларини т.ф.д., проф. Д. Алимова тақдим қилди.

“Тарихшунослик ва манбашунослик” бўлими илмий жамоаси томонидан тайёрланган икки қисмдан иборат *“Очерки историографии государственности Узбекистана. Т. I. Ташкент, 2018. 380 с.; Т. II. Ташкент, 2019. 368 с.”* ҳакида т.ф.н. О. Пуговкина сўзга чиқиб, қатнашчиларни китоблар мазмуни билан танишириди. Тақдимотчи икки қисмдан иборат “Очеркларда” Ўзбекистон давлатчилиги тарихшунослиги масалалари турли хронологик кесимларда ўрганилганлиги, муаммонинг хорижий адабиётларда таҳлилига доир мақолалар жой олганлигини қайд қилди.

Илмий анжуманлар олимлар қарашлари ва тадқиқотлари натижаларини муҳокамаси майдони бўлиб, унинг материалларини тўплам шаклида чоп этилиши, тарихчилар жамоасига фандаги изланишлар янгилигини етказади. Ана шундай илмий анжуманлардан бири Тарих институтида ўтадиган анъанавий “Тарихшунослик ўқишлари”дир. Анжуман материаллари мунтазам равишда чоп этилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинаётган *“Ўзбекистонда тарих фани: муаммолар ва ривожланиши истиқболлари. Тошкент: Академнашр, 2018. 495 б.”* навбатдаги ана шундай китоб. Тарихшунослик ўқишлари материаллари тарих фанида амалга оширилаётган тадқиқотлар манзараси ҳакида тасаввур ҳосил қилиб, ёш изланувчилар ва етакчи тарихчи олимларнинг таҳлилий мақолаларини мужассамлаштирганини тақдимотчи т.ф.д. Н. Мустафаева гапирди.

Ҳозирги пайтда мамлакат ҳудудларида тарихий изланишларни кучайтириш ва ҳудудлар тарихини чукурроқ ўрганиш мақсадида “Самарқанд”, “Хоразм”, “Қўкон” ўқишларини ўтказиши ташкил этилди. Ушбу илмий тадбирлар материаллари ҳам чоп этилиб, илмий жамоатчиликка тақдим қилинади. Ана шундай тўплам *“Хоразм тарихи. Тошкент-Урганч, 2018. 640 б.”* мантикан бир бирини тўлдирувчи,

тадқиқотлар натижаси акс этган янги хулосалар ва маълумотларни мужассамлаштирган мақолалар мазмунидан келиб чиккан ҳолда шакллантирилган монографиялиги ва унинг мазмуни ҳақида тақдимотчи Д.Алимова сўз олди.

Тақдимот рўйхатидан жой олган яна бир асар, т.ф.д., проф. **Д.А. Алимованинг “Концепты истории Узбекистана: теория и гипотезы. Т.И. Ташкент, 2018. 640 с.”** муаллифлик монографиясидир. Бу асар олиманинг Ўзбекистон тарих фани ҳолати таҳлили, муаммолари, уларнинг ечимиға оид карашлари ифодаси ва тарих фани ривожининг назарий-методологик жиҳатларига доир мулоҳазаларини тақдим қилган теран тадқиқот бўлиб, тарихчи мутахассислар илмий фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин тутиши ҳақида т.ф.д., проф. Н. Маҳкамова ўз чикишида батафсил сўзлади.

Тарихчи олима **О.Г. Пуговкинанинг “Российская историография Туркестана: исторические воззрения современников. Ташкент: Академназир, 2018. 256 с.”** монографияси т.ф.н. О. Маҳмудов томонидан тақдим қилинди. Тақдимотчи китобда россиялик туркистоншуносларнинг ўлка иқтисодий, сиёсий тарихига доир XIX аср 60-йилларидан XX аср бошларига қадар яратилган катта кўламдаги илмий адабиётлар ва мақолалар тамомила янгича методологик ёндошувлар асосида таҳлил қилингандигини таъкидлади. Китобда бу давр россия тарихшунослигига ўлканинг босиб олиниши, янги маъмурий ва суд тузилмаси, ер ва сув муаммолари, иқтисодий ўзлаштирилиши каби масалаларнинг ҳам замонавий илмий мезонлар асосида баҳолангандигини маърузачи қайд қилиб ўтди.

Анжуманда академик А. Аскаров, профессор Р. Сулаймонов ва яна бир қатор олимлар сўзга чиқиб тақдим қилинаётган китоблар, шунингдек, тарих фани истиқболида ўрганилиши лозим бўлган масалалар ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини билдирилар.

Муаллифлар ва анжуман иштирокчилари тақдим қилинган китоблар кенг илмий жамоатчилик, мутахассислар, Марказий Осиё ва Ўзбекистон тарихига қизиқувчилар эътибори ва кутубхонасидан муносиб ўрин эгаллайди дея умид билдирилар.

Т.ф.н. Ш. Асадова

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ғ. Бобоёрөв	ЎзР ФА Миллий археология маркази етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори
Г. Таниева	ЎзР ФА Тарих институти докторантси, тарих фанлари номзоди
Д. Сайфуллаев	Тошкент давлат шарқшунослик институти докторантси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Н. Аллаева	ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари доктори
К. Воҳидова	Наманган мұхандислик технология институти доценти, тарих фанлари номзоди
Э. Раджапов	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирилиги етакчи мутахассиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
М. Ғаффорова	Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошкаруви академияси докторантси, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Н. Каримов	Тошкент давлат шарқшунослик институти таянч докторантси
М. Шамсиев	ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими
М. Исҳакова	ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари доктори
М. Дармонова	ЎзР ФА Тарих институти таянч докторантси
Ш. Асадова	ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди

Муқовада: Бешкубидан топилган ойна. Зомин. Жиззах. Қораҳонийлар даври. XI–XII асрлар.

На обложке: Зеркало из Бешкуби. Заамин. Джизак. Каражаниды – XI–XII вв.

23500

Индекс 1027

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2019. № 3